



МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Абдужалилова Дилноз Абдусатторовна 1984 йилда Тошкент вилоятида туғилган. Д.А.Абдужалилова 2002–2006 йилларда Тошкент давлат аграр университетининг “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” бакалаврият таълим йўналишини ҳамда 2020–2022 йилларда Тошкент молия институтининг “Бюджет ҳисоби ва ғазначилик иши” магистратура мутахассислигида таҳсил олган.

2003–2011 йилларда Тошкент давлат аграр университети бухгалтерия бўлими ҳисобчиси, 2011–2021 йилларда И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ университетининг ҳисобчиси, бош ҳисобчиси ўринбосари ва бош ҳисобчиси, 2021–2022 йилларда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси бош ҳисобчиси, 2022–2023 йилларда “Ўзстандарт” агентлиги тизимидаги “Ўзбекистон стандартлар институти” бош ҳисобчиси лавозимларида меҳнат фаолиятини юритган.

2024 йил 7 июнда Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.I.17.01 рақамли илмий кенгашда “Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобини такомиллаштириш” мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, 08.00.08–“Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит” ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлган.

Амалий ва илмий фаолияти давомида жами 20 та илмий иш, шундан 5 та илмий мақола (2 таси нуфузли хорижий журналда), ҳамда халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда 15 та маъруза тезиси нашр қилинган.

ISBN: 978-9910-8834-6-0



9 789910 883460

Д.А. АБДУЖАЛИЛОВА

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ ТЎЛОВ-КОНТРАКТ ШАКЛИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

МОНОГРАФИЯ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Д.А. Абдужалилова

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ЎҚИТИШНИНГ ТЎЛОВ-КОНТРАКТ
ШАКЛИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

МОНОГРАФИЯ

**ТОШКЕНТ
«MAKON ZIYO NURI»
2024**

УЎК: 378.091.217

КВК: 74.58

Тақризчилар:

- А.З.Авлокулов – Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Аудит”
кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори
З.У.Хамидова – Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Бюджет
ҳисоби ва ғазначилик” кафедраси профессори, Phd.

ISBN: 978-9910-8834-6-0

Д.А. Абдужалилова. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг
тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобини такомиллаштириш. // *Монография.* – Т.: «MAKON ZIYO NURI», 2024. – 136 б.

Мазкур монография олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, уларнинг ҳаракатига оид молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим қилишнинг услубиётини такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Унда, олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисоби ва ҳисоботининг назарий-услубий асослари чуқур тадқиқ этилиб, уларни такомиллаштиришнинг зарурлиги асосланган.

Олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисоби бўйича даромадлари ва харажатларининг вужудга келиши ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш амалий жиҳатдан тадқиқ этилган. Тўлов-контракт шакли маблағлари ҳаракатига оид молиявий ҳисоботларни тузиш ва тақдим этиш тартиби баён қилинган. Олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳаракатига оид молиявий ҳисобот кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар шакллантирилган. Изланишлар натижасида олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Монографиядан профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, магистрантлар, талабалар ва амалиётчи мутахассислар фойдаланишлари мумкин.

Монография Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг
“29” ноябрь 2024 йилдаги “4” – сонли қарори билан нашр этишга тавсия
этилган.

© Д.А.Абдужалилова, 2024.

© «MAKON ZIYO NURI», 2024.

КИРИШ

Мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон андозалари талабига олиб чиқиш бўйича бир қатор ишлар амалга ошилирмоқда. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир. Президент Фармони билан тасдиқланган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да ёшлар учун очик ва сифатли таълимни таъминлаш, таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг мукамал таълим олишини таъминлаш, ҳудудларда инклюзив таълим ривожланиши учун шарт-шароит яратишда келгуси 5 йилликда амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар ўз аксини топди. Хусусан, мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2030 йилда 50 фоизга етказиш, шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш давлат грантлари 2 баробар кўпайтириш; олий таълимнинг қамров даражасини босқичма-босқич ошириш, тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ўқув юкламаларини мақбуллаштириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий етиш; олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини таъминлаш, профессор ўқитувчиларнинг маошини оширилиши олий таълим ислохотларининг дастлабки натижаларидир».

Бундан ташқари «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан «олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, давлат олий таълим муассасаларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларини мустақил ҳал етиш, илмий-тадқиқот фаолиятига маблағларни жалб етиш имкониятини кенгайтириш ҳамда олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида бир қатор ваколатлар берилди. «Жумладан, таълим хизматлари бозоридаги талабни инобатга олган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини мустақил белгилаш олий таълим муассасасини молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий барқарорликни таъминлашда эса, хорижий етук олий таълим муассасаларининг тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилган ҳолда давлатимиз олий таълим тизимига мос келадиган жиҳатларини жорий этиш молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларининг долзарб масалаларидан биридир. Молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларида молиявий барқарорликни ушлаб туриш, тўлов-контракт маблағларини самарали бошқариш ҳамда мақсадли сарфланишини таъминлашда ҳисобни тўғри юритиш ва назоратини амалга оширишда ҳозирги кунга келиб бир қатор муаммоли ҳолатлар кузатилмоқда. Халқаро тажрибага асосан олий таълим муассасаларининг фаолиятини ўрганиш асосида ўқув йили билан боғлиқ ҳисоб жараёни ҳамда ҳисоботларни тузиб тақдим этиш тартибини такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Бугунги кунда республикамиз бюджет тизимида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун зарур норматив-ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ва 192-моддадан иборат “Бюджет кодекси”да бюджет тизими, бюджет ташкилотлари, уларни молиялаштириш, даромад ва харажатлар таркиби батафсил ёритилган.

Ижтимоий соҳалар орасида олий таълим тизими алоҳида ўрин тутди ва ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида бюджет маблағлари билан бирга бюджетдан ташқари маблағлар жумладан тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан ҳам молиялаштириш амалга оширилади. Таълим соҳасида фаолият юритаётган олий таълим муассасаларига давлат бюджети билан бир қаторда, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан молиявий манбааларни яратиш, уларни самарали сарфлаш ва амалга оширилган ишлар бўйича назорат олиб боришга оид бир қатор чора-тадбирлар кўрилди.

Олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида бюджет ташкилотларидан бири бўлган олий таълим муассасалари молиялаштириш манбаларининг тубдан ўзгармоқда. Жумладан, илк бор республикадаги ўн та олий таълим муассасасига ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтиш имконияти берилган бўлса, бошқа бир

қатор давлат олий таълим муассасалари босқичма-босқич молиявий мустақилликка ўтказилди. Бу ўзгаришлар уларга бюджет ва бюджетдан ташқари жумладан, тўлов-контракт маблағларни жалб қилиш учун янги имкониятлар яратди. Шу нуқтаи назардан олий таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағларнинг таркиби ва таснифини тўғри ташкил қилиш, уларнинг бухгалтерия ҳисобини самарали йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва халққа Мурожаатномасида, янги 2023 йилни «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб аташ таклифи илгари сурилди. Бу йилга шундай ном беришдан мақсад, давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини устувор этиб белгиланганини янада мустаҳкамлашдир. Бу сиёсат фақат бир йилга мўлжалланмаган, балки узоқ муддатли бардавом вазифа сифатида қаралади.

Жаҳонда давлат олий таълим муассасаларининг бухгалтерия ҳисобини самарали юритиш ҳамда ушбу ҳисобни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор изланишлар амалга оширилган. Жумладан, АҚШ, Европа мамлакатлари олий таълим тизимини молиялаштириш масалалари, олий таълим муассасаларини молиялаштириш манбалари ва уларнинг жами маблағларга нисбатан эгаллаган улушлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Европа мамлакатларида сўнгги йилларда олий таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағлари ва ҳомийликдан келадиган даромадларини ошириш сиёсатига қарамай, «Европа олий таълим муассасаларида ҳали ҳам давлат бюджетида молиялаштириш салмоқли улушни эгалламоқда ҳамда бюджет маблағлари жами даромадларнинг тахминан учдан икки қисмини ташкил этмоқда»¹.

Жаҳонда олий таълим муассасалар бухгалтерия ҳисоби, шунингдек, молиялаштириш манбалари ҳамда уларнинг таркибида асосий ўринни эгалловчи тўлов-контракт маблағлари ҳисобини такомиллаштириш юзасидан қатор тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур тадқиқотларда олий таълим муассасаларининг молиялаштириш манбаларини самарали ташкил этиш, даромадларини тўғри шакллантириш, шакллантирилган даромадларни мақсадли

¹ European Tertiary Education Register ETER №2/2019 y. from the analytical database.

сарфлаш, тузиб тақдим этилаётган ахборотларни очиқлигини таъминлаш ва ҳисобдорликни ошириш каби масалалар ўз ечимини топган. Аммо, бу ишларда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий назоратни такомиллаштириш масалалари бўйича умумий мулоҳазалар берилган. Уларда олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар комплекс тадқиқот шаклида алоҳида ўрганилмаган.

Ўзбекистонда олий таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларда таълим сифатини ошириш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, қирқта давлат олий таълим муассасаларига академик, ташкилий бошқарув, молиявий мустақиллик берилди. Бу эса, ўз навбатида, ушбу олий таълим муассасаларига қатор ваколатлар, хусусан, «олий таълим муассасасининг ўрта муддат учун шакллантириладиган бизнес-режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш, уларнинг ижросини муҳофаза қилиш»² юзасидан мустақил қарорлар қабул қилиш белгиланди. Шунингдек, олий таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағлари ҳисобини самарали ташкил қилиш, кузатув кенгашлари бошқарув қарорларини қабул қилиш учун холис, объектив, ишончли ва мустақил ахборотларни тақдим қилиш жараёнларни такомиллаштиришга йуналтирилган илмий тадқиқотларни амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 майдаги ПФ-81-сон “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон ““Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-60-сон “Давлат олий таълим

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-61-сон “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори

муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва ПҚ-61-сон “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 3 декабрдаги 967-сон “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур монография муайян даражада хизмат қилади.

Ўз навбатида, юқорида қайд этиб ўтилган жиҳатлар олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобига оид мавжуд методологик асосларни чуқур тадқиқ этиш ҳамда такомиллаштиришни талаб этмоқда.

I БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ ТЎЛОВ-КОНТРАКТ ШАКЛИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. § Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобининг назарий асослари

Сўнгги йилларда юртимизда олий таълимни босқичма-босқич ривожлантириш, дунёвий билим, малака, юксак маънавиятга эга, мустақил қарорлар қабул қила оладиган мутахассислар тайёрлашни юқори ўринга олиб чиқиш, ОТМларда билим беришни замонавий усуллари кўриб чиқиш, билим беришнинг креатив усуллари асосланган ҳолда мамлакат иқтисодий соҳаларни ривожлантириб, аҳолининг ижтимоий фаровонлигини ошириш, юртимизда хорижий давлатлар ОТМлари филиаллари ва хусусий ОТМлар фаолиятини кенгайтириш ҳозирги замон талабларидан бири ҳисобланади.

Хусусан «Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Олий Мажлисга мурожаатномасида Президентимиз томонидан таъкидланганидек, сўнгги йилларда олийгоҳларимиз 2,5 баробар кўпайиб, 198 тага етди, қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошди. Биз бу рақамларни янада кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Лекин, таълим сифати нима бўлади, деган савол ҳаммамизни ўйлантириши керак. Авваламбор, бунга ҳар бир олийгоҳ ўзи ҳаракат қилиши лозим, ўшанда натижа бўлади. Бу борада 40 та олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилди, уларда трансформация офислари очилди. Олийгоҳ ректорлари, профессор ва ўқитувчилар бу жараёнларда фаол бўлишлари, янги, илғор методикаларни жорий қилишлари керак»³ деб айтган фикрлари муҳим аҳамиятга эга.

ОТМларда билим беришни замонавий усулларидан фойдаланиш борасидаги сўнгги вақтда олиб борилаётган ишларимизга қарамасдан,

³Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Олий мажлисга Мурожаатнома»си 2022 йил 22 декабр. //www.president.uz.

афсуски, жойларда кўплаб муаммолар ҳамон сақланиб қолмоқда.

Давлат ОТМларини ўзини-ўзи молиялаштириш натижасида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг янгича ёндашувларининг шаклланиши, натижада олий таълим муассасаларининг молиялаштириш манбаларини кенгайтириш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштиришни тақозо этади. Табиийки, бундай шароитда, асосий эътибор ОТМларнинг тўлов-контракт маблағлари тушумлари ва харажатларини самарали тарзда шакллантириш, бюджетдан ташқари даромадлар ҳар бир тушум турлари кесимида ҳисобини алоҳида юритишни жорий этиш ва ривожлантириш зарурияти юзага келади.

Олий таълим муассасаларида молиялаштириш манбааларини назарий асосларини ўрганишда олий таълим муассасаларининг молиялаштириш манбаалари, ОТМларининг бюджетдан ташқари даромадларига оид қатор олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилганини кўришимиз мумкин. Олимларнинг қарашлари, изланишлари ва уларнинг натижалари улар томонидан олиб борилган тадқиқот объектига хос эканлигини кўришимиз мумкин. Олий таълим муассасаларини самарали молиялаштириш бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби шу жумладан, тўлов-контракт маблағлари ҳисобини ташкил қилиш хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисолаларида ўз аксини топган.

Россиялик олимлардан Н.Н.Парадоцкая ўз илмий тадқиқотларида олий таълим муассасаларининг молиявий масалаларини ёритилишига катта аҳамият қаратган. Университетда ички назоратнинг мақбул тизими унинг фаолиятининг барча соҳаларида молиявий маблағларнинг сарфланиши тўғрисида тўлиқ маълумот олишни ўз ичига олади деган фикрида олий таълим муассасаларида бошқарув ҳисобининг ўзига хослигини таъкидлаб ўтган. Юқорида таъкидланган фикрлар билан Н.Н.Парадоцкая олий таълим муассасаларини рақобатбардошлигини ошириш йўлларини таклиф қилган.

Россиялик олим А.И.Зотова илмий тадқиқотларида Россия ОТМлари бухгалтерия ҳисобини ўрганиб илмий тадқиқот ишларини олиб борган.

«Нодавлат ОТМлари сметаларида энг катта улушни иш хақи, ўқув-илмий ва ҳўжалик мақсадлари учун асбоб-ускуналар, инвентар ва материаллар сотиб олиш харажатлари эгаллайди»⁴ деб шакллантирилган смета хужжатларининг асосини ўрганган. Бу изланишлар натижасида амалиётда олиб борилган бухгалтерия ҳисобининг амалдаги ҳолатини таҳлил этиш ва ОТМлар бухгалтериясида ҳисоб ишларини замонавий тажрибалар асосида умумлаштириш, Россия Федерацияси ОТМларида ҳисоб ишларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқган.

Россиялик олим Н.Р.Келчевская олий таълим муассасаларини молиявий ресурсларини бозор шароитида рақобатбардошлигини оширишга қаратилган илмий ишлар олиб борган. Доимий ўзгарувчан иқтисодий шароитда ОТМларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун таълим муассасалари таълим хизматлари бозорининг ҳолатини доимий равишда кузатиб бориш, ушбу бозордаги мавқеини баҳолаш керак. Нодавлат олий ўқув юртларининг пайдо бўлиши бу муаммони янада долзарб қилади. «Таълим бизнесга айланди, бу эса олий таълим тизимида кучли рақобатга олиб келди»⁵ деб нодавлат олий таълим муассасаларини кўплаб очилиши таълим муассасалари ўртасидаги рақобатни янада кучайтириши бу таълим сифатини оширилишини тақозо этишини таъкидлаб ўтган. Н.Р.Келчевская ўз илмий ишларида нодавлат ОТМларининг очилиш ҳамда таълимни бизнесга айланиши жараёнида таълим сифатини туширмаган ҳолда кучли рақобатга дош бериш йўллариини таклиф сифатида киритган.

Буюк Британиялик иқтисодчи олим Simon Marginson европа ОТМлари иқтисодий жаҳатдан ўсишига олиб келадиган илмий изланишлар олиб бориб, Европа иттифоқи мамлакатларидаги модернизация жараёнида олий таълим тизими юқори динамикани эгаллайди, деган фикрни илгари суриб ҳам оммабоп, ҳам илмий мунозараларда, аксарият тизимларда ҳукуматлар давлат

⁴ Зотова А.И. Бухгалтерский учет в высших образовательных учреждениях (на примере вузов Центросоюза РФ), – М.: 2000 г. 176 с.

⁵ Кельчевская Н.Р. Оценка экономической устойчивости государственного вуза. “Университетское управление: практика и анализ” научный журнал 2002.

олий ўқув юртларида, шунингдек хусусий секторда имтиёзли талабалар ўринлари сонини назорат қилишини ҳамда европа иттифоқи мамлакатларидаги давлат ва хусусий олий ўқув юртлари харажатларининг 69 фоизини молиялаштирилганлигини ўз илмий ишларида исботлаган. Олий таълим тизимини молиявий барқарорлашувида давлатнинг молиявий ҳамда сиёсий кўмаги муҳимлигини таклиф этган.

Қозоғистон олий таълим тизимини ўрганган бир гуруҳ европалик олимлар Ali Ait Si Mhamed, Hans Vossensteyn, Rita Kasa Қозоғистон олий таълим тизими барқарор молиялаштириш модели устида қатор илмий ишлар олиб боришган, «Қозоғистонда олий таълимни молиялаштириш даражаси, таркиби ва механизмлари ОТМларга кириш улушини ошириш, таълим сифатни ошириш ва самарадорликни рағбатлантириш бўйича учта анъанавий мақсадига эришишга ёрдам берадиган кенг кўламли бошқарув моделларининг бир қисмидир. Ушбу мақсадларга эришиш учун университетлар асосан учта молиялаштириш манбаларига таянади.

Жумладан, давлат бюджети, тўлов-контракт, саноат билан шартномалар каби бошқа манбалардан олинadиган даромадлар. Хорижлик олимлар ушбу илмий изланишларида Қозоғистонда давлат грантларига асосланган олий таълимни молиялаштириш моделини қисқартириб университетларни инновацион усулда барқарор молиялаштириш истиқболлари модели таклифини киритишган. Шунингдек, ОТМларни давлат томонидан маблағ билан таъминлаш модели учун ОТМнинг иқтисодий барқарорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш ОТМнинг раҳбарият вакиллари масъуллигини асослаб беришган.

Қозоғистонлик олим Рита Каса европа давлатлари асосан Латвия олий таълим тизими молиявий фаолияти, инклюзив таълим жараёнларига бағишланган илмий ишлар олиб борган хорижий талабаларнинг олий маълумот олиш учун сарф этиладиган маблағлар оиланинг шахсий даромадлари, бошқа оилавий ресурслар, кредитлар ва стипендияларидан ташкил топиши таъкидлаб ўтилган. Яъни олимнинг олиб борган илмий

изланишларига кўра Латвияда хорижий талабаларга давлат гранти ажратилмайди ва бу эса таълим сифатини ҳамда олий таълим тизимини бошқа кўрсаткичларини ошириб, хорижий талабаларни кўплаб жалб этиш тўлов-контракт маблағлари даромадларини ошишининг йўлларида бири эканлигини таклиф этган.

Лиссабонлик олимлар A.Domingos, M.Sarmento va M.Duarte ўз илмий изланишларида ўқитишнинг боллония жараёнига қаратилган тадқиқотларни олиб боришган, болония жараёнининг амалга оширилиши ижодкорлик имтиёзли индивидуал мустақил таълим ва жамоавий иш сифатида ўқитиш ва ўрганишга асосланган мунозараларни кучайтирган янги муҳитни яратиб, назарий ўқитишнинг эски ёндашувидан фарқли ўлароқ, талабаларни меҳнат бозорига яхшироқ тайёрлашдир. Европа мамлакатлари европа иттифоқи томонидан бошқариладиган боллония жараёнига асосланган таълим тизими асосида фаолият юритишнинг олий таълим муассасаларининг молиявий фаолиятидаги ролини илмий изланишлар орқали тушунтириб берилган.

Европалик бир гуруҳ олимлар Roger King, Jenny Lee, Simon Marginson va Rajani Naidoo МДХ давлатлари олий таълим тизимининг сўнгги 25 йиллик ўзгаришлари борасида боллония жараёнини жадаллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб боришган. Бунда олимлар Арманистон, Озарбайжон, Белорусия, Эстония, Грузия, Қозғистон, Қирғизистон, Латвия, Литва, Молдова, Россия, Туркменистон, Тожикистон, Украина ва Ўзбекистон каби 15 та давлатларнинг олий таълим тизимидаги жадал ўзгаришларни ўрганишган. Минтақа мамлакатлари Болония жараёнига қўшилиши уч Болтик давлатлари билан бошланган (1999), Россия (2003), кейин Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Молдава, Украина (2005), Қозғистон (2010) ва Беларус (2015). Болония йўналишлари бўйича барча 15 та мамлакат, шу жумладан Европа Олий таълим ҳудудидан ташқарида бўлганлар, икки цикли даража тизимини қабул қилдилар ва бакалавр ва магистр дастурларини жорий қилдилар (3-4 ва 1-2 йил). Бунда улар олий таълим тизимида боллония жараёнининг афзалликлари ва ўтиш жараёнлари батафсил ёритилган.

Республикамизда ҳам бу соҳада кўплаб олимлар бир қатор илмий тадқиқотлар олиб боришган. Шу жумладан, мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларга эътибор қаратадиган бўлсак, С.У. Меҳмонов «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Булар, аввало бюджет ташкилотининг мулкчилик асосига, давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш принципларига ва бошқа қатор омилларга бевосита боғлиқдир»⁶, деб таъкидлаб ўтган.

А.А.Остонокулов «Бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни шакллантириш, уларнинг ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботларни тузиш методологик асослари ҳамда уларни такомиллаштириш»⁷ юзасидан изланишлар олиб борган. ОТМлар тадқиқот объекти сифатида ўрганилган. ОТМларда бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиш хусусиятлари ва сарфланиш йўналишлари таҳлил қилиниб, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича даромадлар ва харажатларни тан олиш ва ҳисобга олиш, бюджетдан ташқари маблағлар ҳаракатига оид ахборотларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш, молиявий ҳисоботларнинг ахборот имкониятларини ошириш масалалари тадқиқ қилинган.

ОТМларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини юритиш ва ҳисоботларини тузиш масалалари А.А.Остонокулов томонидан илк бор назарий жиҳатдан батафсил баён қилинди. ОТМларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш билан боғлиқ жараёнлар ҳисоб ва ҳисобот нуқтаи назаридан яҳлит ҳолда тизимлаштирилган тарзда тадқиқ қилинди.

Хусусан, ушбу жараёнлар ОТМларнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини тузиш, тасдиқлаш, тақдим этиш ва рўйхатдан ўтказиш, шахсий ғазна ҳисобварақларини очиш ва юритиш,

⁶Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: назария ва амалиёт. //Монография//. – Т.: Иқтисод – молия. 2016 йил. 136 бет.

⁷Остонокулов А.А. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш. – Т.: “VNESHINVESTPROM” нашриёти, 2021., – 208 б.

даромадлар ва харажатлар сметалари ижросини ташкил қилиш, даромадларнинг ҳосил бўлиш ва уларни ҳисобга олиш, харажатларнинг ҳосил бўлиш ва уларни ҳисобга олиш ҳисоб-китобларни ҳужжатлаштириш ва уларни ҳисобга олиниши, олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш кетма-кетлигида бўлиши илмий жиҳатдан асослаб берилди.

С.М.Бузрукхонов тадқиқотларида «Иновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида олий таълимни молиялаштиришни такомиллаштириш» бўйича илмий изланишлар олиб борган. Ушбу изланишларда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган ОТМлар тадқиқот объекти сифатида ўрганилган бўлиб, олий таълим муассасаларининг инновацион фаолияти, ОТМларнинг инновацион иқтисодиётини шакллантириш шароитида молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Изланишлар натижасида олий таълим муассасаларининг нуфузи ва ҳудудий жойлашувини ҳисобга олган ҳолда базавий тўлов-контракт қийматидан келиб чиқиб, оширилган тўлов-контракт минимал миқдорининг ягона кўрсаткичларини таълим соҳалари бўйича белгилаш, молиялашнинг режали ва очик тизимларини жорий этиш ҳамда ўз харажатларини қоплаш даражасидан келиб чиқиб бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) бўйича тўлов-контракт миқдорларини базавий тўлов-контракт миқдорининг уч бараваридан ошмаган миқдорда мустақил белгилаш каби асосланган илмий янгиликлар таклиф сифатида киритилган.

А.А.Махмудов ОТМларда молиявий манбаларни ишлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан илмий изланишлар олиб борган. Олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш йўналишлари тадқиқ этилган бўлиб, мазкур соҳанинг жорий ҳолати баҳоланган шунингдек, олий таълим муассасаларининг келгусидаги иқтисодий ўсиш йўллари асословчи тенденциялар таҳлил этилган. Изланишлар натижасида олий таълим муассасалари молиявий ресурсларининг шакллантириш ва сарфланиши ҳолатини таҳлил этиш давомида бир қатор узоқ

муддатли тенденциялар аниқланган: жумладан сўнгги йиллар давомида бюджетдан ажратилаётган маблағлар ҳажми камайиб бормокда. Бу бир томондан, қабул квоталари камайиши билан изоҳланса, иккинчи томондан, молиявий ресурслар таркибида тўлов-контракт, жумладан, оширилган контракт тўловлари асосида жалб этилган маблағлар салмоғи ва аҳамияти ошиб боришида ўз аксини топиши каби асосланган илмий таклифлар акс эттирилган.

А.В.Шеровнинг «ОТМларни маблағ билан таъминлашни устувор йўналишлари» борасида илмий тадқиқотлар олиб бориб, тадқиқот объект сифатида давлат ОТМлари танланган. Илмий тадқиқотлар натижасида ўз-ўзини молиялаштириш тизимига ўтган ОТМларига ягона ижтимоий тўлов бўйича имтиёзлар бериш, венчурли молиялаштириш тизимидан фойдаланиш асосида олий таълим муассасаларининг инновацион ишланмаларини молиялаштиришнинг қўшимча имкониятларини яратиш, олий таълим муассасаларига маҳаллий ҳамда хорижий ҳомийлик маблағларини жалб қилиш мақсадида эндаумент фондларини яратиш ва ундан фойдаланишнинг самарали механизми ишлаб чиқиш, битирувчилар жамғармасини ташкил этиш орқали олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг қўшимча имкониятлари яратилиши асосланган ҳамда жамғарма маблағларидан фойдаланиш механизми ишлаб чиқиш каби илмий янгиликлар таклиф этилган.

Ж.Ю.Қурбонов тадқиқотларида олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш масалалари борасида олиб борган илмий ишларида олий ўқув юртларида талабаларнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисоби масаласи ўзига хос хусусиятларини ўрганиб, ҳар бир талаба бўйича маълумотларни «UzASBO» дастурий мажмуасида шакллантиришни автоматлашган тизимга ўтказиш зарур. Бунинг учун, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ахборот тизимидаги «Hemis» дастури билан «UzASBO» дастурий мажмуасининг интеграциясини йўлга қўйиш лозим деган илмий хулосасини келтирган.

П.Ю. Караев тадқиқотларида «ОТМларни маблағ билан таъминлашда давлатнинг роли» илмий тадқиқот ишида ОТМларда хусусий манбааларни ролини ошириш ва давлат ОТМларнинг тўлиқ молиявий мустақиллигини таъминлашга қаратилган ислохотларни амалга ошириш муҳимлиги ҳақида сўз борган. Олий таълим хизматларини молиялаштиришда қуйидаги омиллар ва йўналишларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

- давлат буюртмалари асосида молиялаштириладиган олий таълим йўналишларини аниқлаш;
- олий таълим хизматларидан тўлиқ фойдаланиш учун молиявий ресурсларнинг мавжудлигини таъминлаш;
- олий таълим муассасаларида мақсадли ўқитиш учун квоталар ажратишда университетга тўлиқ мустақилликни таъминлаш;
- чет эллик талабаларни олий таълим муассасаларига жалб қилиш учун тўлов шартномасининг қийматини мустақил равишда аниқлаш ваколатини бериш каби қатор илмий таклифлар киритилган.

Аксарият олимларнинг ёндашувларида олий таълим тизимининг иқтисодий ва молиявий фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган бўлса, бошқаларининг фикрича таълим сифати оширишга қаратилган тадбирларга кенгроқ аҳамият қаратилган. Лекин пировард натижа ОТМларда ўқитиш сифатини юқори даражага олиб чиқган ҳолда рақобатбардош ОТМларни кўпайтириш ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлаш ва давлат томонидан молиялаштириш улушини қисқартирилишига олиб келади.

Бизнинг фикримизча, ОТМларнинг молиялаштиришни қисқартириб, ўқитишнинг тўлов-контракт шакли даромадларини молиявий ҳамда академик мустақиллик бериш йўли билан кенгайтирган ҳолда лекин, давлат томонидан назоратини олиб бориш ҳисоб ишларини тегишли ғазначилик бўлинмалари орқали амалга оширилиш молиявий фаолиятни тўғри йўлга қўйилиши демакдир.

1.2. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш тизими

ОТМларни маблағ билан таъминланиш, жумладан тўлов-контракт шакли маблағларини ҳисоб ишларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тадқиқ қиладиган бўлсак, маблағларнинг шаклланиши ва сарфланиши, маблағларнинг ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва ҳисоботларини тузиш ва тақдим этиш асосларини ўрганиш зарур.


Мамлакатимизда нафақат бюджет тизимини бошқариш балки, бухгалтерия ҳисоби соҳаси борасида фаолиятни амалга оширишнинг норматив асосини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботлари, бюджет ташкилотлари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси ҳисоботлари шакллари, уларни топшириш муддатларини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси барча соҳа ва тизим ташкилотлари каби ОТМларнинг бюджетдан ташқари ресурслари жумладан, таълим хизмати билан боғлиқ тўловлар тартибларини белгилайди. Бюджет кодексининг 63-моддасига асосан ОТМларни тўлов-контракт шакли маблағлари шакллантирилади.

Илғор хориж тажрибалари асосида қабул қилинган, «Бюджет ижросининг ҳисоби борасида ҳам асосий таянч Қонунчилик базаси ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни 2016 йилда бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг асосий нормаларини белгилаб беради. Бюджет ташкилотларида, жумладан, олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва бошқа бир қатор қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ»⁸ олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (24.12.2021 йилдаги ПҚ-61-сон билан рўйхатдан ўтган) кучга кирди. Унга кўра 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб молиявий мустақиллик берилган давлат ОТМларига қуйидаги қўшимча ваколатлар берилди (1.2.1-расм).



1.2.1-расм. Молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларини ташкилий-бошқарувдаги мустақиллик соҳасидаги ваколатлари⁹

Молиявий мустақиллик берилган давлат ОТМлари бу каби қатор мустақил қарорлар қабул қилиш ваколатларидан тўғри ва оқилона фойдаланишса, ОТМларни молиявий барқарорлиги таъминланади. Ўзбекистон

⁸ Абдужалилова Д.А. Совершенствование учет платно-контрактной формы обучения в высших учебных заведениях. // Инновацион ғоялар ҳафталиги «Inno Week.Uz-2023» доирасида «Янги Ўзбекистонда илм ва инновациялар тараққиёт омилли сифатида» мавзусидаги Олий ўқув юртлараро республика илмий-амалий конференция тўплами. 2023 йил 18 октябрь -Тошкент 2023 йил. 604 б. 125-128 бетлар.

⁹ Муаллиф томонидан тайёрланди.

Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган топшириқларни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, (31.12.2020 йилдаги 824-сон билан рўйхатдан ўтган) қабул қилинди. Қарорга кўра 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модул тизимига ўтказиш тартиби жорий этилди»¹⁰. Бу тизим ОТМларда ўқув жараёнига кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа тизими (European Credit Transfer and Accumulation System — ECTS) асосида таълимнинг кредит-модул тизимини жорий этиш тартибини белгилайди. Диссертация мавзусидан келиб чиқадиган бўлсак, айнан ҳозирги ривожланаётган Янги Ўзбекистон тараққиётига ўзининг юқори мутахассислик билим кўникмалари билан ҳисса қўшадиган малакали кадрлар тайёрлаш олий таълим муассасаси зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди. Бу эса, ўз навбатида, талабаларни ўқишга бўлган масъулиятини оширади акс ҳолда тўлов-контракт суммасидан ташқари қўшимча тўлов эвазига таътил даврида қайта ўзлаштиришга тўғри келади. Тўғри ҳисобланган калькуляция натижасида эса, молиявий мустақиллик берилган ОТМларга қўшимча даромад манбаи ҳисобланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 161-моддасига мувофиқ ва бюджет ҳисобини давлат секторида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари билан мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг 1-сонли стандарти (1-БҲС) «Ҳисоб сиёсати»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи тасдиқланди. (27.12.2016 йилда 2853 сон билан рўйхатдан ўтган). Ҳисоб сиёсати бюджет ташкилотлари томонидан бюджет тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида мавжуд ўзаро бир-бирини истисно этувчи бир нечта ҳисоб юритиш усулларида бирини танлаш мақсадида тузилади.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарори.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги»ги Қонунига ва бюджет ҳисобини давлат секторида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари билан мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг 2-сонли стандарти «Ягона счётлар режаси»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи, (20.10.2018 йилда 3078 сон билан рўйхатдан ўтган). Ушбу стандартга кўра ягона счётлар режаси молиявий ҳисобот элементларига мувофиқ гуруҳлаштирилган активлар, мажбуриятлар, даромадлар, харажатлар, капитал ва молиявий натижани ўз ичига олади ҳамда унинг таркибий қисми бўлган счётларга ва субсчётларга ажратилади.

2-сон БҲС га кўра 102409 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар» субсчётида бюджет ташкилотлари томонидан ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар ҳисобга олинади. Ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан тушумлар ҳисобда 102409 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар» субсчётнинг дебетидан ва 153600 «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади. Мазкур маблағларнинг ишлатилиши ҳисоб-китоблар ва бошқа тегишли субсчётларнинг дебетига ва 102409 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар» субсчётининг кредитига ёзилади. Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган пул маблағларининг аналитик ҳисоби талабаларнинг курслари (босқичлари), факултетлар (деканатлар, ўқиш йўналишлари), гуруҳлар, шунингдек талабалар (фамилияси, исми, отасининг исми) бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги»ги Қонунига ва бюджет ҳисобини давлат секторида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари билан мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирининг «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг 3-сонли стандарти «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисидаги»ги буйруғи, (18.01.2019 йилда 3124 сон билан рўйхатдан ўтган) 2023 йил 1 январдан кучга кирди. Мазкур стандарт давлат олий таълим муассасалари томонидан ҳисоблаш методи бўйича чораклик ва йиллик бюджет ҳисоботларини тузиш ва тақдим қилишда қўлланилади.

3-сон БХСга кўра «Олий таълим муассасалари қуйидаги йиллик ҳамда чораклик молиявий ҳисобот турларини тақдим этишлари зарур: баланс (1-сон шакл); молиявий фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисобот; харажатлар сметасининг ижроси ҳақидаги ҳисобот (2-сон шакл); дебиторлик ва кредиторлик қарзлар тўғрисидаги маълумот; бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; товар-моддий захиралар ва номолиявий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; бюджет ташкилотларини чет эл валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот»¹¹.

«Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги»ги Йўриқнома (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатдан ўтган)га асосан бюджет ташкилотлари ОТМларда тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобини юритиш бўйича счётлар, субсчётлар, бухгалтерия дастлабки ва йиғма ҳужжатлари ҳамда ҳисоб регистрлари икки ёқлама ёзувда акс эттириш тартиби келтирилган. Бюджет ташкилотлари ОТМларда ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳисобини ташкилий, техник ва услубий жиҳатларини мужассамлаштирган ҳисоб сиёсати, бухгалтерия ходимлари лавозим йўриқномалари, тасдиқланган ҳужжатлар айланиш графиги ва бошқалар бюджет ташкилотлари томонидан тасдиқланади. ОТМларда бухгалтерия

¹¹Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг “Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг «Бюджет ҳисоботи»3-сонли стандартини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 18 январдаги 3124 сон билан рўйхатдан ўтган буйруғи.

ҳисобини тўғри ташкил этишда белгиланган норматив ҳужжатларга қатъий амал қилинади.

«Бюджет ташкилоти – давлат функцияларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда давлат ҳокимияти органларининг қарорига кўра ташкил этилган, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақлаб туриладиган нотижорат ташкилотидир. Бюджет ташкилотларини молиялаштириш шартлари ва уларнинг бюджет ҳисобини юритиш тартиби бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади»¹². Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби умумий ҳолда бухгалтерия ҳисобини, шунингдек бюджет жараёнини бир қисмини ташкил қилади, фойдаланувчиларни бюджет ижро жараёни ҳақидаги муҳим маълумот манбалари билан таъминлайди.

ОТМлар даромадлари ва харажатлари смета ижроси бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бухгалтерия ҳисобини Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет кодекси», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги»ги қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг услубий кўрсатмаларига ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мос равишда амалга оширилади. Юқори турувчи ташкилотлар керак бўлганда бухгалтерия ҳисобининг умумий қоидаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги кўрсатмаларни ишлаб чиқаришлари мумкин».


Бозор иқтисодиёти шароитида бюджет кодексига кўра ҳар бир бюджет ташкилоти ўз функцияларини бажариш жараёнида ҳар бир операцияларни иккиёқлама ёзув асосида ҳужжатлаштириш орқали уларнинг қонунийлигини таъминлаш мақсадида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиши лозим. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишдан мақсад фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир. ОТМларда ўқитишнинг

¹²«Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ 360 сонли Қонуни.

тўлов контракт шакли маблағлари ҳисобини юритишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари таркибига кирувчи бир қанча ҳужжатларни келтириб ўтиш мумкин.

ОТМларнинг «Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлари ҳисоби «Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида»ги низомга асосан юритилади. ОТМларда контракт асосида ўқитишнинг тўлов миқдори Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда белгиланади»¹³.

ОТМларда тўлов-контракт асосида ўқитишнинг тўлов суммасини белгилаш бир талабанинг ўқитиш жараёнидаги барча бевосита харажатларни инобатга олиб ҳисобланади. Бу маълум бир белгиланган мезонларга асосланади (1.2.2-расм).



1.2.2-расм. Ўқитиш билан боғлиқ харажатлар миқдори аниқлаш мезонлари¹⁴

Бюджет ташкилотлари ОТМларда ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан ва оширилган тўлов-контракт асосида тушган маблағлар ОТМ даромадлари таркибига киритилади лекин, бу маблағлар бюджет ташкилотларини

¹³Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида» 508-сонли буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 26 феврал рўйхат рақами 2431-сон.

¹⁴ Муаллиф томонидан тайёрланди.

ривожлантириш жамғармаси таркибига киритилмайди. Ўқув йили давомида контракт асосида ўқитишнинг тўлов миқдори ўзгарганда олий таълим муассасаси томонидан ўқитиш учун тўлов қайта ҳисоб-китоб қилинади ва контрактга тегишли ўзгартиришлар киритилади. Бунда, қайта ҳисоб-китоб факатгина ўқув йилининг қолган муддати учун амалга оширилади. Қайта ҳисоб-китоб натижасида тўланиши лозим бўлган қўшимча маблағ, ўқитиш учун тўловни оширилганлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан бошлаб бир ой муддатда амалга оширилиши лозим. Ўқитишнинг тўлов миқдори камайтирилганда ортиқча тўланган маблағ кейинги тўловлар ҳисобига ўтказилади ёки тўловни амалга оширган тарафнинг ёзма мурожаатига кўра қайтариб берилади.

Бюджет тизими бюджетлари ва бошқа мақсадли жамғармалар бюджетлари даромадлари ва маблағлари харажати ҳисоби бўйича операцияларни юритиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисобварақларини юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»¹⁵ги буйруғи (30.03.2016 йилда 2772 сон билан рўйхатдан ўтган) кучга кирган. Барча давлат олий таълим муассасаларининг шахсий ғазна ҳисоб варақларининг очиш ҳамда уларни юритиш тартиби ушбу буйруқга асосан амалга оширилади. Шунингдек давлатдан маблағ оладиган юридик шахслар ҳисоб ишларини автоматлаштирилган «UzASBO» ДМ дастурий мажмуасида олиб борадилар.

Бюджет ташкилотлари, жумладан олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағларни ҳисоб-китоб операциялари назоратини ташкил этишдан мақсад – меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида пул маблағлари таркиби тўғри шакллантирилганлиги, уларнинг сметалар доирасида мақсадли сарфланиши, улар бўйича ҳисоб-китоб операцияларининг тўғри юритилганлиги, пул маблағлари ва ҳисоб-китоб операциялари тўғрисидаги ҳисобот маълумотларининг ишончлилигини

¹⁵Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 30 марта «Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг ахборот тизимида шахсий ғазна ҳисоб варақларини юритиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги 2772 сон билан рўйхатдан ўтган буйруғи.

ошириш шарт. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар ҳал қилиниши лозим:

- қонунчилик талаблари асосида тушумлар ҳисоб-китоб муомалалари назоратини тўғри ташкил қилиш;
- маблағлар таркибининг тўғри шакллантирилганлигини ўрганиш;
- маблағларининг харажатлар сметаси доирасида мақсадли сарфланишини ҳужжатли тафтиш қилиш;
- маблағлар ва ҳисоб-китоб муомалалари бўйича ҳисоб маълумотларининг ишончлилигини бирламчи ҳужжатлар билан тасдиқлаш;

Бюджет ташкилотларида жумладан, ОТМларда ҳам пул маблағлари ҳисоб-китоби муомалаларининг алоҳида хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- даромадлар ва харажатлар сметалари ижросини назорат қилиниши— бюджет ташкилотларида ҳар молия йили учун шакллантирган сметаларни йил мобайнида белгиланган муддат учун тўғри амалга оширилиши. Бюджет ташкилотлари ОТМларда бухгалтерия ҳисоби тузиб тасдиқланган сметалари ижросини таъминлаб беради. Бунда харажатларнинг иқтисодий тасниф асосида сметалар доирасида харажатлар молиялаштирилади ва тўловлар» амалга оширилади;

- ҳисобни касса ва ҳақиқий харажатлар усулида олиб бориш – олий таълим муассасаларида прогноз қилинган даромадлар ва амалга оширилиши режалаштирилган харажатлар ҳисобини олиб боришда икки усул асосида юритилади. Ташкилотлар жумладан, ОТМлар томонидан ғазначиликда очилган шахсий ҳисоб рақамларидан харажатларни қопланиши касса харажатлари ҳисобланади. Масалан, талабаларга стипендия тўланиши касса харажати кўринишида тегишли дафтарларда, ҳисоботларда акс эттирилади;

- давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар томонидан тузиб тасдиқланган харажатлар сметалари асосида ҳисобланган, лекин тўлов амалга оширилмаган харажатлар ҳақиқий харажат ҳисобланади. Масалан, талабаларга стипендия ҳисобланган, лекин тўлов амалга оширилмаган

харажатлар ҳақиқий харажат касса харажати кўринишида тегишли дафтарларда, ҳисоботларда акс эттирилади. Касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисобини алоҳида 294-шаклдаги дафтар юритилади;

– бюджет таснифи асосида ҳисобни ташкил этилиши ва ҳисоботларни шакллантирилиши – бюджет ташкилотлари томонидан тузилган даромадлар ва харажатлар сметалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 11 октябрда 2146 – сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқнома» асосида I-гуруҳ, II-гуруҳ, III-гуруҳ IV-гуруҳ харажатларнинг иқтисодий таснифи бўйича акс эттирилади ҳамда ижроси ҳақидаги бухгалтерия ҳисоботлари шаклларида ҳам бюджет харажатларининг иқтисодий таснифи бўйича ахборотлар шакллантирилади. Ҳисоб рақамдаги бюджетдан ташқари маблағлар тушуми турлар бўйича ва харажатларнинг тўланиши иқтисодий тасниф асосида амалга оширилади ва ҳисобга олинади;

– бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларнинг белгиланган нормативлар асосида олиб боришни ташкил қилиш – бюджет ташкилотларида, ОТМларда белгиланган ахборот маълумотларини тақдим этишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ олиб борилади.

1.3. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобининг хориж тажрибалари

Мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон андозалари талабига олиб чиқиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Замонавий, мустақил фикрлай оладиган шижоаткор ходимларни етказиб чиқариш, долзарб вазифалардан ҳисобланади. Биргина Президентимиз тасдиқлаган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»¹⁶ да ёшлар учун очик ва сифатли таълимни таъминлаш, таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг мукамал таълим олишини

¹⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»даги 60-Фармони. 2022 йил 28 январ.

таъминлаш, ҳудудларда инклюзив таълим ривожланиши учун шарт-шароит яратишда келгуси 5 йилликда белгиланган вазифалар ўз аксини топди. Хусусан, абитуриентларнинг ОТМларга қабул даражасини 2030 йилда 50 фоизга етказиш, шуни ҳисобга олиб, олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш давлат грантларини 2 баробарга кўпайтириш, профессор-ўқитувчиларнинг маошини оширилиши олий таълим ислоҳотларининг дастлабки натижаларидир.

Бундан ташқари «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, давлат олий таълим муассасаларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларини мустақил ҳал этиш, илмий-тадқиқот фаолиятига маблағларни жалб этиш имкониятини кенгайтириш ҳамда олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида бир қатор ваколатлар берилди. Жумладан таълим хизматлари бозоридаги талабни инобатга олган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини мустақил белгилаш ОТМларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Молиявий барқарорликни таъминлашда эса хорижий етук ОТМларнинг тажрибаларини ўрганиб, таҳлил қилган ҳолда давлатимиз олий таълим тизимига мос келадиган жиҳатларини жорий этиш молиявий мустақиллик берилган ОТМларнинг долзарб масалаларидан биридир.

Хориждаги олий таълим муассасалари айниқса, европа олий таълим тизими ҳақида сўз борганда боллония жараёни алоҳида муҳим роль ўйнайди. Болония жараёни – Сорбонна ва Болония декларациясидан бошланган миллий ҳукуматларнинг европалик талабалар ва битирувчиларнинг Европа Иттифоқи томонидан бошқариладиган фаолиятидан келиб чиқадиган муаммоларга жавоб берди. Кўплаб олий таълим вазирлари институционал ўзгаришларни осонлаштириш учун ўз тизимларини яқинлаштириш учун қуйидаги жараённи танладилар. Талабалар алмашинуви ва Европада ўқиш даражалари ва

даврларини ўзаро акс эттирилиши каби муаммоларни ҳал қилиш учун ҳукуматлараро йўлни танлаганлар. Бу бошқарув тузилмаси шундан иборатки: икки давлат ҳар 6 ойда бир ротация билан жараёнга ҳамраислик қилади, учинчи давлат эса Вазирлар конференциясига мезбонлик қилади ва котибиятни таъминлайди. Бугунги кунда Болония жараёни 48 та европа мамлакатларида амалга оширилмоқда улар биргаликда Европа олий таълим ҳудудини ташкил қилади.

Европа Комиссияси Болония сиёсатини юритишда мамлакатларни қўллаб-қувватлашда етакчи бўлиб қолмоқда. Жараён, манфаатдор томонлар билан биргаликда Erasmus + дастури нафақат талабалар ва ходимларнинг фаолиятини оширишга ёрдам беради шунингдек, олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик – Котибият ва Вазирлар конференцияларини ҳам қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари, у Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ва дастур ва ҳамкор мамлакатлардаги ҳамкорлик лойиҳаларини ҳам қўллаб-қувватлайди. Erasmus+ дастури, шунингдек, Европа Иттифоқига аъзо бўлмаган мамлакатларга Болония ислохотларни амалга оширишда ёрдам берадиган экспертлар гуруҳларидир. Комиссия Болония вазирлар конференцияси қарорларини амалга оширишни қўллаб-қувватлайдиган Болония кузатув гуруҳи ва унинг Кенгашининг тўлиқ аъзоси ҳисобланади.

Европа ОТМлари даромадлари хилма-хил ва кўп қиррали бўлиб, у ОТМларнинг мақсадлари, функциялари, шу жумладан тадқиқот ишларининг йўналиши каби параметрларга асосланган ҳолда шакллантирилади.

Европа ОТМлари даромадларини таҳлил этсак, қуйидагилар олий таълим муассасаларининг даромадлари деб тан олинади: давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт маблағлари, учинчи томон ва хусусий (ҳомийлик) маблағлари, бошқа даромадлар.

Сўнгги йилларда тўлов-контракт маблағлари ва ҳомийликдан келадиган даромадларини ошириш сиёсатига қарамай, Европа олий таълим муассасаларида ҳали ҳам асосий давлат бюджетидан молиялаштириш салмоқли улушни эгалламоқда, бюджет маблағлари жами даромадларнинг

тахминан учдан икки қисмини ташкил этмоқда. Ҳар йили давлат бюджетидан олий таълим муассасаларига иш ҳақи, товар ва хизматлар учун маблағ ажратилади. Ушбу бюджет бир марталик тўлов деб аталади. Олий таълим муассасаларининг ўзлари бир марталик маблағни қандай сарфлашларини белгилайдилар. Таълим инспекцияси таълим муассасаларининг молиявий сиёсатини назорат қилади.

Европадаги олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт маблағлари талабалар, уларнинг ота-оналари ва ҳомийлари томонидан икки ёки уч томонлама тузилган шартномага асосан ҳар бир ўқув семестри учун тўланадиган маблағдир. Бунда талабаларнинг салоҳияти ва 1 семестр давомида фанларни ўзлаштириш натижасига қараб тўлов-контракт миқдори ўзгариши (имтиёзлар берилиб камайиши ёки яхши ўзлаштирмай кўпайиши) мумкин. Тўлов-контракт миқдори одатда давлат томонидан молиялаштириладиган олий таълим муассасаларга қараганда юқори. Тўловлар бир ОТМдан бошқасига фарқ қилади. ОТМларнинг кенгашлари ушбу даромад қандай сарфланишини мустақил ҳал қилади.

ОТМ даромадлари асосан талабаларнинг тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан молияланадиган ягона европа давлатлари бу Буюк Британия ва Ирландиядир.

Ҳукумат томонидан молиялаштирилмайдиган, тўлиқ хусусий муассасалар бутунлай учинчи томон бадалларига, шу жумладан талабалар тўлов-контракт маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Европадаги аксарият олий таълим муассасаларининг жами даромадларининг 10 фоизни учинчи томон яъни ҳомийлик маблағлари ташкил қилади. Учинчи томон маблағларининг асосий компоненти миллий ва халқаро грантлар, тадқиқот лойиҳалари каби махсус тадбирлар, хизматлар ва олий ўқув юртидан кейинги таълим каби кўрсатиладиган хизматлардан келадиган даромад турларини англатади.


Европадаги олий таълим муассасаларининг бошқа даромадларига биноларни ижарага бериш ва сотиш, муассасаса йўналишига хос бўлган

тижорат фаолияти билан шуғулланиш, пуллик хизматлардан (олий таълим муассасаси кириш имтихонларига тайёрлаш, фаолиятдан келиб чиқган ҳолда маслаҳат бериш, хорижий талабалар ва ўқитувчилар учун ётоқхона билан таъминлаш) келадиган даромадлар тушунилади. Европа иқтисодий шароитида ОТМ мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда максимал фойда олиш, натижада давлат бюджетидан молиявий маблағларни улушни камайтиришда самарадорликга эришиш асосий вазифалардан биридир.

Европада ОТМлар харажатлари давлат ва шахсий манбалар томонидан ОТМнинг барча фаолиятига сарфланадиган харажатларни ўз ичига олади. У ОТМларнинг жорий харажатларини (масалан, ходимларга тўланадиган иш ҳақи), шунингдек, муассасадан ташқаридаги баъзи харажатларни (масалан, талабаларнинг дарсликларга сарфлаган харажатларини) ўз ичига олади.

Жорий харажатлар – бу олий таълим хизматларини ишлаб чиқаришни таъминлаш учун жорий йил давомида истеъмол қилинган товарлар ва хизматларга қилинган харажатлар. У ходимларнинг компенсациясини, шунингдек, ўқув ва бошқа тадбирлар учун зарур бўлган материаллар ва жиҳозлар, академик ходимларнинг хизмат сафари, биноларни тозалаш ва таъмирлаш каби шартнома хизматлари ва ижара ҳақини тўлаш каби бошқа харажатларни қоплайди. Жорий харажатлар Европа Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти мамлакатлари бўйича ўртача умумий харажатларнинг тахминан 90 фоизни ташкил қилади.

Деярли барча европа мамлакатларида иш ҳақи харажатлари жорий харажатларнинг катта қисмини ташкил қилади, лекин айрим олий таълим муассасаларида бошқа жорий харажатлар муҳим роль ўйнаши мумкин. Жумладан, аутсорсингга топшириладиган ёрдамчи хизматлар, масалан, олий ўқув юртлари томонидан университет талабаларини овқат билан таъминлаш учун хусусий компанияларга тўланадиган бошқа жорий харажатлар ва бошқалар (1.3.1-расм).



1.3.1-расм. Европа мамлакатлари ҳамда Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари харажатларининг турлари¹⁷

Европа олий таълим муассасаларининг харажатлари ҳисоби мураккаб ва илғор билим ва кўникмаларга ижтимоий инвестициялар ўлчовини таъминлайди.

Иқтисодий билимлар чегарасига яқинлашганда, бу тобора муҳим аҳамият касб этмоқда, яъни мавжуд маҳсулотлар ва хизматларнинг инновацияси иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Харажатлар оқимини кўриб чиқадиган бўлсак, Европа олий таълим харажатларининг таркиби асосан икки қисмдан иборат эканини кўришимиз мумкин. Бунда биринчи қисм жорий харажатлар деб аталиб, бу бир цикл семест ёки ўқув йилида сарфланган ҳақиқий харажатлардир. Бу каби харажатларни иккинчи цикл ёки ўқув йилига сарфлашнинг имкони мавжуд эмас. Иккинчи қисми бўлса, бошқа харажатлар деб аталиб, бу турдаги харажатларда бир неча циклда ёки ўқув йилида ишлатилиши мумкин бўлган товар ва хизматларга сарфланган маблағларнинг ҳисоби юритилади. Ўзбекистонда эса харажатларнинг ҳисоби 4 гуруҳга бўлиб олиб борилишини кўришимиз мумкин. Бунда барча харажатлар бир молия йили учун ҳисобга олинади.

Олий таълим назорати таълимни текшириш тўғрисидаги қонун ҳамда


¹⁷ Муаллиф томонидан тайёрланди.

олий таълим ва тадқиқот тўғрисидаги қонун билан тартибга солинади. Давлат томонидан молиялаштириладиган барча олий таълим муассасалари ҳар йили ўз молиявий ва бошқа сиёсатлари тўғрисидаги ҳисобот тузиб, таълим натижалари тўғрисидаги ҳукуматни хабардор қилиши шарт. Йиллик ҳисоботларда бажарилиши керак бўлган талаблар таълим соҳасида йиллик ҳисоботлар бўйича йўриқномага асосан шакллантирилади.

Олий таълим талабалари ўқиш учун контракт тўловни олий таълим муассасасининг ўзига тўлайдилар. Ҳукумат томонидан молиялаштириладиган университетлар ва олий таълим муассасаларида тўловлар талабаларнинг айрим тоифалари учун белгиланади.

Ҳар йили ҳукумат барча олий таълим муассасалари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тўловлар даражасини белгилайди. Хусусий университетлар ва институтлар ўзларининг тўлов миқдорларини мустақил белгилашга ҳақлидирлар. Албатта, бу қонуний тўловлар даражасидан паст бўлмайди. Бу турдаги тўловлар фуқаролик талабига жавоб бериш, талабаларни молиялаштириш ҳуқуқини берувчи яшаш ҳуқуқига эга бўлишлари, белгиланган фан дастурларини ўзлаштира олмай, қўшимча курсларда ўқиш кабилардан шаклланади.


Латвияда мустақилликдан кейинги олий таълим ислохотларининг асоси Европа йўналишига қўшимча равишда либерал бозорнинг ҳукмронлик қилиши эди. Бу минтақадаги энг йирик хусусий олий таълим секторларидан бирининг пайдо бўлишига имкон берди. Шунингдек, у Латвиядаги давлат олий таълим муассасаларини Европадаги бошқа мамлакатлар олий таълим муассасаларига нисбатан анча юқори даражадаги институционал автономияси билан таъминлади. Натижада, 2021-йилга келиб Латвияда 50 дан ортиқ давлат ва нодавлат ўқув юртлари бўлиб, уларда 77 736 нафардан ортиқ маҳаллий ва хорижий талабалар таҳсил олишмоқда. Хусусий коллежлар янги ташкил этилган бўлса-да, аксарияти давлат коллежлари мавжуд касб-ҳунар мактаблари негизида ташкил этилган (1.3.2-расм).



1.3.2-расм. Латвия ва Ўзбекистонда йиллар кесимидаги мавжуд олий таълим муассасалари сони ¹⁸

Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики 2019 йилда Латвияда 54 та олий таълим муассасаси фаолият юритган бўлса шу даврда Ўзбекистонда 98 та олий таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, таҳлил даврининг охири яъни, 2023 йилга келиб бу кўрсаткичлар Латвиядаги ОТМлар сони 55 тани ташкил этган бўлса, Ўзбекистон ОТМларининг сони бу даврда келиб 212 тага етганини кўришимиз мумкин.

Латвия олий таълим тизимидан ўрناк олиб, Ўзбекистонга тўғри келадиган жиҳатларини жорий этиш, Ўзбекистон аҳолисини олий маълумотлиийлик даражасини кўтаришга олиб келади. Бу эса ўз-ўзидан ОТМлар даромадларини ошишига муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Латвия ОТМлари молиявий фаолияти тўлов-контракт асосида ўқийдиган талабалар ҳисобига яхшиланиб бормоқда. Хусусий ОТМларнинг барча талабалари, арзимас истиснолардан ташқари, тўлов-контракт асосида ўқитилади.



1.3.3-расм. Талабалар сони кесимида молиялаштириш манбалари¹⁹

¹⁸ <https://stat.uz/> ҳамда <https://stat.gov.lv/> статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

¹⁹ <https://stat.uz/> ҳамда <https://stat.gov.lv/> маълумотлар базасидан муаллиф томонидан тайёрланди.

Латвия ОТМларида давлат харидлари ғоясига асосланган икки томонлама таълим усули қўлланган яъни, давлат талабига асосан маълум миқдордаги фақат маҳаллий талабаларни ўқитиш учун давлатдан молиялаштириш ҳамда тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ташкил этади. Давлат томонидан молиялаштириладиган ушбу ўқув йўналишларига қабул қилиш фақат абитуриентнинг баҳоларини ҳисобга олган ҳолда талабалар танлаб олинади. 2004-йилда олий таълим муассасаларининг бакалавриат босқичига қабул мустақил ташкил этилган кириш имтиҳонларидан стандартлаштирилган умумтаълим мактабларининг битирув имтиҳонларига ўзгартирилди (1.3.3- расм).

Юқоридаги расмдан талабалар сони кесимида молиялаштириш манбаларини таҳлил қиладиган бўлсак Латвия давлатида 2018 йилда жами талабалар сони 80 300 та бўлиб, шундан 33 200 таси ёки 41 фоиздан ортиғи давлат бюджетидан молиялаштирилган бўлса, 59 фоизга яқин талабалар тўлов-контракт асосида таҳсил олган. 2019 йилда бу кўрсаткич жами талабалар сони 79 400 та бўлиб, 41фоиз бюджетга 59 фоиз контракт нисбати ўзгармай қолган. 2020 йилда эса жами талабалар сони 78 400 тани ташкил этиб, улардан 32 200 таси бюджет ёки 41фоиз ва 45 200 нафар ёки 59 фоиз талаба тўлов-контракт асосида таҳсил олган. Бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 77 200 нафар талабани ташкил этиб, шундан 32 000 нафар ёки 41 фоиздан ошиқ талабалар давлат бюджетидан молиялаштирилган ҳамда 45 200 нафар ёки 59 фоиздан ошиқ талабалар тўлов-контракт асосида таҳсил олган. 2022 йилда эса жами талабалар сони 78 600 тани ташкил этиб, улардан 32 500 таси бюджет ёки 41фоиз ва 46 100 нафар ёки 59 фоиз талаба тўлов-контракт асосида таҳсил олган. Бундан шуни кўриш мумкинки, охирги 5 йилликда давлат бюджетидан молиялаштириш ўзгармасдан 41 фоизни ташкил этиб келмоқда.

Ўзбекистонлик талабалар сони кесимида молиялаштириш манбаларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2018 йилда жами талабалар сони 297 600 нафар бўлиб, шундан 92 256 нафари ёки қарийиб 31 фоизи давлат бюджетидан молиялаштирилган бўлса, 69 фоизга яқин талабалар тўлов-контракт асосида

тахсил олган. 2019 йилда бу кўрсаткич жами талабалар сони 360 700 нафарга этиб, 28 фоиз бюджет маблағлари ҳисобидан қолган 72 фоизи тўлов-контракт асосида тахсил олган. 2020 йилда эса жами талабалар сони 440 900 нафарни ташкил этиб, улардан 119 043 нафари бюджет ёки 29 фоизи ва 321 857 нафари ёки 71 фоиз талаба тўлов-контракт асосида тахсил олган. Бу кўрсаткич 2021 йилга келиб 571 500 нафар талабани ташкил этиб, шундан 142 875 нафари ёки 27 фоиздан ошқ талабалар давлат бюджетидан молиялаштирилган ҳамда 457 200 нафари ёки 73 фоиздан ошқ талабалар тўлов-контракт асосида тахсил олган. 2022 йилда эса жами талабалар сони 808 439 нафарни ташкил этиб, улардан 202 110 нафари бюджет ёки 25 фоизи ва 606 329 нафари ёки 75 фоиз талаба тўлов-контракт асосида тахсил олган. Бундан шуни кўриш мумкинки, охирги 4 йилликда давлат бюджетидан молиялаштириш қисқартирилиб бормоқда бунга асосий сабаб қилиб ОТМларга молиявий мустақиллик берилаётганини айтишимиз мумкин.

Бундан ташқари Латвияда хорижий талабаларни жалб қилишга қаратилган бир қанча лойиҳалар ҳам фаолият олиб бормоқда. Хорижий талабалар асосан тўлов-контракт ҳисобига ўқитилиб, бу ОТМни молиявий ҳолатини оширишга олиб келади. Биргина Латвия университетида 25 минг талаба тахсил олиб унинг 5 мингдан ёки 10 фоиздан ортиғи хорижий талабалар ҳиссасига тўғри келади. Хорижий талабаларнинг асосий салмоғи қуйидаги давлатларга тўғри келмоқда (1.3.4-расм).



1.3.4-расм. Латвиядаги хорижий талабалар сони²⁰

²⁰ <https://stat.gov.lv> маълумотлар базасидан муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги расмни таҳлил қиладиган бўлсак Латвияда асосан Ҳиндистонлик талабалар тахсили I-ўринни эгаллаб келмоқда. Уларнинг сони 2018 йилда 2070 нафарни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 2719 нафарни ташкил этган. Ҳамда энг юқори чўққиси 2019 йилга тўғри келган, 2020 йилда 2152 нафарни ҳамда 2021 йилда 1702 нафарни ташкил этган. Хорижий талабаларнинг тўлов-контракт миқдори маҳаллий талабалар тўлов-контракт миқдорига қараганда юқори туришини инобатга оладиган бўлсак, бу Латвия олий таълим муассасалари даромадларида тўлов-контракт улушини ошишига муҳим сабаблардан бири бўлиб ҳисобланади.

Европа мамлакатларида хусусан Латвияда ўқув жараёни бизнес режа белгиланган семестр ёки бир ўқув йили учун тузилади. Ҳисоб юритиш тизими ҳам бир ўқув йили, семестри ҳаттоки баъзи ҳолларда бир ўқув семестридаги бир ўқув йўналишлари учун ҳам шакллантирилади. Бунда ўз-ўзидан даромад ва харажатлар ҳисоби ҳам шунга мос муддатларда юритилади. Ҳисоб ва ҳисобот ишлари бир ўқув йили учун ҳисобга олинганидан кейин молиявий натижалар ҳам шунга мослаштирилади. ОТМ талабалари тўлов-контракт маблағларини белгиланган тўлов муддатларига асосан олдиндан тўлайдилар. Бу тўлов-контракт суммалари тан олинаётган мажбуриятлар ҳамда кечиктирилган даромад сифатида ўқув жараёни давомида тан олиб борилади. Харажатлар ҳам шунга мослаштирилиб ўқув йили учун шакллантирилади. Бунинг қулай томони молиявий натижалар ҳисоби ҳам ўқув йили учун шаклланади. Бунда ҳисобланган ижобий ёки салбий молиявий натижа фақат шу ўқув йили учун тегишли ҳисобланади. Бу ҳисоб юритиш, ҳисоботларни тақдим этиш ҳамда тақдим этилаётган ахборот маълумотларни тўғри юритилаётганлигини ҳамда ишончлилигини таъминлайди.

Латвия олий таълим муассасалари ҳисоб юритилишининг яна бир энг муҳим жиҳати тузилаётган бизнес режа харажатлар таркиби асосан жорий харажатлар ўқув жараёни яъни бир ўқув йили учун тузилишидир. Бизнес режада кўрсатиб ўтилган барча харажатлар бир ўқув йили давомида харажат сифатида тан олиб борилади. Бизнес режа-бир ўқув йилига тузилади, даромад тан олинаётган мажбуриятлар ва кечиктирилган даромадлар сифатида, бир ўқув йили давомида

барча сарф - харажатлар сифатида тан олиб борилади. Даромад ва харажатларнинг фарқи яъни-молиявий натижалар ҳисоби ҳам тўғри ҳамда ишончли тарзда бир молия йили учун шакллантирилади.

Ўзбекистон ОТМларида тўлов-контракт маблағлари тақсимооти Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 26 февралда 2431 рақами билан рўйхатдан ўтган низомга асосан амалга оширилади. Бундан ташқари молиявий мустақиллик берилган давлат ОТМлари кузатув кенгашлари уч йиллик муддатни ўз ичига олган бизнес-режани шакллантирадилар. Бизнес режани тузишда, ҳисоб ва ҳисоботларни юритиш жараёнида, даромад ва харажатларни тан олинишида ҳамда молиявий натижаларни аниқлашда ўқув йили билан календар йили ўртасидаги тафовут ўз навбатида олий таълим бухгалтерия хизматида бир қатор камчиликларга ҳамда тақдим этилаётган ахборот маълумотларни ишончсизлигига олиб келади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим олишга бўлган талаб талабаларнинг маълум миқдордаги ўқитишга тўлов қобилиятига эга эҳтиёжидир. Таълим беришга бўлган таклиф эса, ОТМлар томонидан белгиланган муддатда маълум нархда кўрсатиши мумкин бўлган таълим хизматларидир. Бюджет ташкилотлари, жумладан, ОТМларни молиялаштиришнинг бюджет ва бюджетдан ташқари манбалари мавжуд бўлиб, улар қуйидагича тақсимланади:

ОТМларда ўқитиш хизмати билан боғлиқ яъни тўлов контракт маблағлари;
ОТМларнинг фаолият турига оид хизмат кўрсатишдан тушган маблағлари;
бюджетдан ташқари бошқа махсус маблағлар.

Бу тушум йўналишларинининг ҳар бири бўйича алоҳида даромадлар ва харажатлар сметалари тузилади ва белгиланган тартибда ижроси олиб борилади. Республикамизда босқичма-босқич давлат бюджетининг ғазна ижроси ташкил этилиши ва ягона ғазна ҳисоб рақамининг фаолияти бюджет ташкилотларида ҳар бир молиялаштириш манбаси бўйича пул маблағлари ва ҳисоб-китоб операциялари ҳисобини услубий жиҳатдан такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

ОТМлар фаолиятни амалга оширишда тушумларни мақсадли ва самарали сарфланиши ҳар бир молиялаштириш манбалари бўйича бюджет таснифи асосида

алоҳида тарзда тузилган сметалар асосида амалга оширилади. Бюджетдан молиялаштириш бўйича харажатлар сметаси ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тушумлар жумладан, ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан даромадлар ва харажатлар сметалари бир молия йили учун ОТМлар томонидан тузилади, тасдиқланади ва рўйхатдан ўтказилади.

Хорижий тажрибаларни ўрганишдан қилинган хулосаларга келадиган бўлсак, Европа мамлакатлари Европа иттифоқи томонидан бошқариладиган боллония жараёнига асосанланган таълим тизими асосида фаолият юритади. 2000 йилдан Эстония, Латвия Литва давлатларининг минтақадаги бошқа давлатларнинг таълим тизимини интеграциялашувига розилик бериб боллония жараёнига ўтди. 2007 йилда Европа Иттифоқи бўйлаб олий таълимни таққослаш ва тан олиш имконини берувчи Европа кредит ўтказмалари тизими жорий этилди. Боллония жараёни бу – таълимни баҳолашнинг ўзаро тан олинадиган тизимларини жорий этиш орқали таққослаш имконини берувчи таълим сифатини таъминлаш Европа мамлакатлари ягона таълим маконини шакллантирди.

Европа олий таълим тизими тажрибаларини ўрганиб, Ўзбекистонда ҳам олий таълим муассасаларининг молиявий фаолиятини кенгайтириш ҳамда олий таълим муассасаларини бюджетидан ташқари даромадларини ошириш учун қуйидаги таклифларни жорий қилиш муҳим ҳисобланади:

ҳар бир ОТМ негизида 1-2 йиллик ОТМ кириш имтихонларига пуллик тайёрлов курслари жорий этиш;

хорижий талабалар, доктарантлар, магистрантлар, стажёрларни ўқитишни кенгайтириш;

хорижий ОТМлари қўшма факултетларини ташкил этиш;

хорижий жамғармалар таълимни рағбатлантириш лойиҳаларида иштирок этиш;

турли хил хорижий инвестицияларни жалб этиш.

Европа олий таълим тизими ҳисоб юритиш жараёнларини ўрганиб, тўлов-контракт ҳисоби ва ҳисоботларини тўғри шакллантириш юзасидан қуйидаги таклифларни жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: кузатув

кенгашлари томонидан тузиладиган бизнес режани ҳар бир ўқув йилига мос ҳолда шакллантириш; тўланаётган тўлов-контракт суммаларини ўқув йили жараёни давомида мажбуриятларни тан олиш ҳамда кечиктирилган даромадлар сифатида тан олишни йўлга қўйиш; шакллантирилаётган даромадлар ва харажатлар сметасини ўқув йилига тузиб, тасдиқлаш; молиявий натижалар ҳисобини ҳам ўқув йилига мослаштириш.

II БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ ТЎЛОВ-КОНТРАКТ ШАКЛИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ

2.1. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича даромадлар ва улар ҳисобининг амалдаги ҳолати


Мамлакатимизда олий таълим тизимини юқори даражага олиб чиқиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир. «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепцияси»га кўра, «Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш»²¹ белгиланди.

Ҳозирги кунга келиб, жами олий таълим муассасалари сони 210 тага етди. Шундан, 115 таси давлат олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларига, 65 таси нодавлат олий таълим муассасалари ҳамда 30 таси хорижий олий таълим муассасаларининг Республикамиз ҳудудидаги филиалларига тўғри келмқда. Фоизларда таҳлил этсак, жами олий таълим муассасаларининг 55 фоизи давлат олий таълим муассасаларига, 31 фоизи нодавлат олий таълим муассасаларига, 14 фоизи хорижий олий таълим муассасаларининг республикамиз ҳудудидаги филиалларига ҳиссасига тўғри келмоқда.

Шунингдек, 2023 йилга келиб республикамизда фаолият олиб бораётган

²¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 5847-сон Фармони 2019 йил 8 октябрь.

17 та давлат олий таълим муассасаларининг филиаллари институтга, 10 та институт университетга айлантирилган бўлиб, 10 та олий таълим муассасаси трансформация қилинган. 2023 йилга келиб талабалар сони бир миллион уч юз минг нафардан ошган бўлиб, бу жами абитуриентларнинг қамров даражаси 42 фоизни ташкил этган. Бу ислохотлар олий таълимни молиялаштириш тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Таҳлилларимизга асосланиб айтишимиз мумкинки, олий таълим муассасаларига 2019-2023 йилларда ажратилган маблағлар миқдори факат ўсиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда (2.1.1-расм).




2.1.1-расм. Республика олий таълим муассасаларининг 2019-2023 йилларда молиялаштириш манбаалари миқдори (трлн. сўм)²²

Юқоридаги расм маълумотларидан кўриниб турибдики, давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириш таҳлил даврида 2,0 маротабага ўсган бўлса, тўлов контракт маблағлари ҳисобидан молиялаштириш 2,1 мартага ошган. Демак, олий таълим муассасаларини молиялаштиришда тўлов контракт маблағлари ҳисобига молиялаштириш тизими устунликка эга бўлмоқда. Агар, биз ушбу маълумотларни фоизларда таҳлил этсак, бу нисбатлар янада яққол намоён бўлади. 2019 йилда олий таълим муассасасалари жами молиялаштиришнинг 28 фоизи бюджет маблағлари, 72 фоизи эса, тўлов-контракт маблағлари ҳисобига тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич 2023 йилга келиб 27 фоизи бюджет маблағлари, 73 фоизи эса, тўлов-

²²Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

контракт маблағлари ҳиссасига тўғри келган. Таҳлил маълумотларимизга таянган ҳолда мамлакатимизда олий таълим тизимини молиялаштиришда бюджет маблағларини салмоғини пасайтириш ва ўз-ўзини молиялаштириш тенденцияси давом эттирилаётганлигини кузатишимиз мумкин.

Молиявий мустақиллик берилган давлат ОТМларида бухгалтерия ҳисоби мемориал ордер шаклида олиб борилиб, ҳисоб юритиш замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этган. Жумладан UzASBO дастурий мажмуаси, Mysoliq.uz, Stat.uz, Didox.uz, UzASBOinvoice ва шу каби қатор дастурларда электрон имзодан фойдаланган ҳолда ҳисоб ишларини амалга ошириб келмоқда. Республикамизда фаолият олиб бораётган барча олий таълим муассасалари бухгалтерия юритиш тизими Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилаган ҳамда бошқариладиган UzASBO дастурий мажмуасида олиб борилади. Жумладан, ОТМларнинг шахсий ғазна ҳисоб варақларидаги тушумлари, амалга оширилиб бораётган харажатлари ва даромадлари тўғрисидаги ахборотлар шу мажмуада шакллантирилади (2.1.2-расм).



2.1.2-расм. Республикадаги фаолият юритаётган ОТМларни 2023 йилдаги даромадлари манбааларининг таркибий тузилиши (млн. сўм)²³

Расмдан кўриниб турибдики, молиявий мустақиллик берилган ОТМ молиявий мустақиллик берилмаган ОТМ ҳамда хорижий ОТМ филиалининг

²³ОТМлар маълумотларига асосан тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

2023 йилдаги асосий молиялаштириш манбаалари келтириб ўтилган. Молиявий мустақиллик берилган ОТМнинг асосий молиялаштириш манбаси тўлов-контракт маблағлари ҳисобига тўғри келмоқда. Жами молиялаштириш манбаасининг 87,8 фоизи яъни, 217 425,1 млн. сўм асосий тўлов-контракт суммасига тўғри келган. Молиялаштириш манбааларини иккинчи ўринда бюджет маблағлари ташкил этмоқда. Жами маблағларнинг 10,6 фоизи яъни, 26 258,4 млн. сўми бюджет маблағлари ҳисобига тўғри келмоқда. Кейинги ўринда жами молиялаштирилаётган маблағнинг 1,6 фоизи, яъни 3 821,8 млн. сўм олий таълим муассасасининг ривожлантириш маблағлари ҳисобига тўғри келмоқда.

Кейинги ўринда молиявий мустақиллик берилмаган ОТМ молиялаштириш манбалари улушини кўриб чиқадиган бўлсак, бу ОТМ да ҳам биринчи ўрин ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари ҳисобига тўғри келмоқда. Бу ОТМга молиявий мустақиллик берилмаган бўлсада жами ОТМ даромадининг 72,9 фоизини ёки, 193 577,0 млн. сўмини тўлов-контракт маблағлари ташкил этмоқда. Иккинчи ўрин табиийки давлат бюджети маблағлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Жами ОТМ даромадининг 25,4 фоизи ёки 67 388,7 млн. сўми давлат томонидан молиялаштирилмоқда. Учинчи ўринни ОТМ нинг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Жами ОТМ даромадининг 1,7 фоизи ёки 4 429,0 млн. сўми ОТМнинг ривожлантириш маблағлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Учинчи ОТМ яъни хорижий ОТМнинг республикамиздаги филиали молиялаштириш таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, бу ОТМда молиялаштириш жиҳатдан биринчи ўринни ОТМнинг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ташкил этмоқда. ОТМ жами даромадларининг 33,8 фоизини ёки, 10 996,1 млн. сўм маблағни ташкил этмоқда. Бунинг асосий сабаби, филиалга белгиланган соҳа бўйича вазирликнинг васийлик кенгаши этиб белгиланганлигидир. Васийлик кенгашининг маълум белгиланган мақсадлар учун ажратиб йўналтирилган маблағлари ОТМнинг ривожлантириш жамғармаси шахсий ғазна ҳисоб варақасига келиб тушади. Иккинчи ўринда молиялаштириш манбалари ОТМнинг

Ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари ҳиссасига тўғри келмоқда. ОТМ жами даромадларининг 33 фоизини ёки 10 748,4 млн. сўм маблағни ташкил этмоқда. Учинчи ўрин эса табиийки, давлат бюджети маблағлари ҳиссасига қолмоқда. ОТМ жами даромадларининг 33,2 фоизини ёки 10 810,5 млн. сўмни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Ҳар учала ОТМнинг 2023 йилдаги даромадлари таркибини ўрганишимиз натижасида шуни хулоса қилиш мумкинки энг даромади паст ОТМнинг ҳам давлат томонидан молиялаштириш улуши энг охирги ўринда турибти. Бу эса, ўз навбатида келгусида босқичма-босқич барча ОТМларга молиявий мустақиллик бериш имкони вужудга келишидан далолатдир.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасасидаги бюджет маблағлари тегишли норматив ҳужжатларга асосан мақсадли молиялаштириш маблағлари ҳисобланади. «Олий таълим муассасалари фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган маблағларнинг етишмайдиган қисми олий таълим муассасаларини сақлашга ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади»²⁴ шу жумладан, биринчи ўринда молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасасининг сақлаш харажатлари қопланади. Ундан сўнг олий таълим муассасасининг камида C1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро тан олинган сертификатга эга хорижий тиллар ўқитувчиларига уларнинг базавий тариф ставкасига нисбатан ҳар ойлик 50 фоиз миқдорида қўшимча устамалар, «Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ходимларнинг лавозим маошига нисбатан тўланадиган устамалар»²⁵ каби харажатлар бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни ўз ичига олади.

Бюджет маблағлари молиявий мустақиллик берилган давлат ОТМларининг

²⁴Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида»ги 2431-2-сон буйруғи, 2018 йил 27 март.

²⁵Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий педогогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида» ги 1030 – сон қарори 2019 йил 24 декабрь.

юқори турувчи вазирлик Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг жамланма смета-хужжатлари ичида алоҳида молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасасининг маблағларига кўра молиялаштириш олиб борилади. Тасдиқланган харажатлар сметасига асосан режалаштирилган маблағ ойма-ой давомида молиявий мустақиллик берилган ОТМнинг 1000..... шахсий ғазна ҳисоб рақамига молиялаштирилади.

Молиявий мустақиллик берилган ОТМнинг асосий молиялаштириш манбааси ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари эканини кўришимиз мумкин. Тўлов-контракт шакли маблағлари ҳам ОТМларда яна икки қисм ажратилмоқда: ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари, қўшма таълим тўлов-контракт маблағлари.

Ҳозирги кунда ўқитишнинг тўлов-контракт асосида тузилган шартномаларнинг ҳисоби давлат ОТМларининг 4009..... – ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағларининг ҳаракати юритиладиган шахсий ғазна ҳисобварақда амалга оширилиб келинмоқда. Шунингдек, қўшма таълим дастури асосида тузилган шартномаларнинг ҳисоби ҳам молиявий мустақиллик берилган давлат ОТМларининг 4009..... – шахсий ғазна ҳисобварағида юритилиб келинмоқда.

Қўшма таълим дастурлари бўйича ўқитишнинг тўлов-контракт миқдоридан шаклланган маблағлари 2 семестр кесимида амалга оширилмоқда. Қўшма таълим дастурларига ўқишга қабул қилиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Тўлов-контракт асосида ўқитиш миқдори ҳамда тўлаш тартиби олий таълим ташкилоти ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти томонидан тегишли бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассислигининг хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзаро келишилган ҳолда белгиланади. Қўшма таълим дастурлари бўйича ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағлар бўйича ҳар молия йили бошига даромадлар ва харажатлар сметаси шакллантирилади ва шу асосда йиллик даромадлар ва харажатлар ҳисоби амалга оширилади.

Молиявий мустақиллик берилган давлат ОТМларининг ҳамда хорижий

давлат университети ўртасида имзоланган қўшма таълим дастури шартномасига мувофиқ ўқув режасида белгиланган мутахассислик ва ихтисослик фанларининг 50 фоизи хорижий давлат университети томонидан ўқитилади. Яъни, бакалаврият тах сил жараёнлари 2 йил Ўзбекистондаги ОТМда ва 2 йил хорижий давлат ОТМсида олиб борилади. Бунда, талабаларнинг молиялаштириш масалалари ҳам ушбу шартномада белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади. Молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасасига 2022 йил 1 январдан бошлаб, илм-фан соҳасидаги амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, институтнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларини мустақил ҳал этиш, илмий-тадқиқот фаолиятига маблағларни жалб этиш имкониятини кенгайтириш ҳамда олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида молиявий мустақиллик берилди.

Энди тушум маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағлари қуйидаги тақсимотда бўлиниши керак: ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган асосий тўлов-контракт маблағлари; оширилган тўлов-контракт малағлари; бюджет буюртмасига асосан тўлов-контракт малағлари; кредит-модул тизимида етарли кредит тўплай олмаган талабаларнинг фанлардан академик қарздорлиги учун тўланадиган маблағлар; олий таълим муассасаси ихтиёрида қолдириладиган бошқа маблағлар.

Таҳлил олиб борилган молиявий мустақиллик берилган давлат ОТМсида 2022 йил учун режалаштирилган тўлов-контракт маблағларининг даромадларини ҳисоби фақат 2 та йўналиш бўйича юритилаётганини кўришимиз мумкин. Лекин, барча шу юқоридаги тақсимотда кўрсатиб ўтилган 5 йўналиш бўйича тушумлар амалга оширилиб келинган. Бу тушумлар бухгалтерия ҳисоб ишларида умумий тушум кўринишида юритилмоқда. Бу ҳисоб ишларида қатор ноқулайликларга бошқача айтадиган бўлсак, ҳисоб юритиш тизими ва тузилаётган ҳисоботларда қатор камчиликларни юзага келтириб чиқаради. Жумладан, оширилган тўлов-контракт малағлари ҳисобининг алоҳида

юритилмаслиги, жорий ўқув йилида қанча оширилган тўлов-контракт шартномалари тузилганлиги, натижада улардан қанча миқдорда оширилган тўлов-контракт маблағлари тушуми бўлганлиги каби маълумотларни олиш имкони мавжуд эмас.

Қолаверса, оширилган тўлов-контракт маблағлари шахсий ғазна ҳисоб рақамига келиб тушганидан сўнг, уни даромадга олиб бориш ҳисоби ҳам муаммоли вазиятлардан бири бўлиб қолмоқда. Сабаби, ОТМларда оширилган тўлов-контракт асосида талабаликга тавсия этилган талабалар билан ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган асосий тўлов-контракт асосида талабаликга тавсия этилган талабалар ўртасида харажатлар миқдори бир хил. Шундай экан, оширилган тўлов-контракт суммасини тенг улушларда жорий ўқув йилига бўлиб даромадга олиб бориш ёки, ўқитишнинг тўлов-контракт асосида тузилган шартнома миқдоридаги суммани оширилган тўлов-контракт суммасидан ажратиб олиб, қолган қисмини бир йўла оширилган тўлов-контракт маблағи ҳисоб рақамига келиб тушган муддатда даромадга олиб бориш нуқтаи назаридан ҳам оширилган тўлов-контракт малағлари ҳисобини алоҳида юритиш керак.

Кредит-модул тизимида етарли кредит тўплай олмаган талабаларнинг фанлардан академик қарздорлиги учун тўланадиган малағ ҳам амалдаги ҳисоб ишларида умумий ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағларини ичида юритилиб келинмоқда. Бу ҳам ўз навбатида қатор ноқулайликларга олиб келади. Сабаби, бу маблағларнинг тушумига асос, талабаларнинг мавжуд академик қарзларини топшириш мақсадида ёзги семестр ОТМ томонидан одатда таътил вақтида тўлов асосида ташкил этиладиган таълим. Шундай экан, буни ўз навбатида, ўзига тегишли харажатлари мавжуд. Яъни, ёзги семестрга жалб қилинган профессор-ўқитувчиларга соатбай асосида иш ҳақи тўланади, I-гуруҳ харажатлари мавжуд экан II-гуруҳ харажатлари ҳам вужудга келиши аниқ, IV-гуруҳ харажатларини ҳам эътироз этиб бўлмайди. Бу йўналишдаги ҳисоб ишларини тўғри юритиш учун алоҳида даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш зарурияти туғилади. Шу нуқтаи-назардан ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ичидан талабаларнинг

фанлардан академик қарздорлиги учун тўланадиган малағлар ҳисобини алоҳида тақсимотда юритилиши зарур.

Олий таълим муассасаси ихтиёрида қолдириладиган бошқа маблағлар – бу қўшма таълим дастурлари хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари билан тузилган шартномага асосан талабалардан тушган тўлов-контракт маблағларининг белгиланган фоизини хорижий олий таълим муассасаларига ўтказилмай қолган қисми. Қўшма таълим дастурлари асосан ўқув режасида белгиланган мутахассислик ва ихтисослик фанларининг камида 25 фоизи хорижий олий таълим муассасаларида ўқитилиши зарур. Баъзи, форс-мажор ҳолатларга асосан хорижий олий таълим муассасаларига ўтказилмай қолган маблағ олий таълим муассасаси ихтиёрида қолдирилади.

Қўшма таълим тўлов-контракт маблағлари – бу қўшма таълим дастурлари-Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ кадрлар тайёрлашни ва битирувчиларига олий маълумот олганлиги тўғрисидаги барча хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари жойлашган давлатларда тан олинадиган квалификация (диплом) берилишини назарда тутувчи таълим дастури. Кўплаб давлат ОТМларида қўшма таълим дастури фаолият юритиб келмоқда.

ОТМ бухгалтериясида тушумларни ҳисобга олишни кўриб чиқадиган бўлсак, 102409 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар» субсчётида бюджет ташкилотлари томонидан ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар ҳисобга олинади. Ўқитишнинг тўлов контракт шаклидан тушумлар ҳисобда 102409 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар» субсчётнинг дебитида ва 153600 «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади. Мазкур маблағларнинг ишлатилиши тегишли субсчётларнинг дебетига ва 102409 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар» субсчётининг кредитига ёзилади (2.1.1-жадвал).

2.1.1-жадвал

Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича даромад (тушум)ларнинг ҳисобда акс эттирилиши ²⁶

Т/р	Муомалалари мазмуни	Дебет		Кредит	
		2169	2-БҲС	2169	2-БҲС
1.	Контракт тўловлари ҳисобланди	175	153 600	252	520 200
2.	Контракт тўлови ҳисоб рақамига тўланди	111	102 409	175	153 600

Талабалар билан ОТМ ўртасида жорий ўқув йили учун тўлов-контракт шартномалари шакллантирилади ҳамда тушумлар ҳам шартномага асосан жорий ўқув йили учун тўланади. Даромадлар жорий ўқув йили учун харажатлар эса, жорий молия йили учун амалга оширилмоқда бу эса, бухгалтерия ҳисоб тизими ва тузилган ҳисоботларида ноаниқликларни келтириб чиқармоқда. Кейинги яна бир муаммолардан бири тўланган тўлов-контракт маблағларини даромадга олиб бориш масалалари. ОТМлар амалиётидаги ҳисоб ишлари шуни кўрсатмоқдаки, асосан тўлов-контракт маблағлари шахсий ғазна ҳисоб рақамига келиб тушиши билан даромадга олиб бориб қўйилмоқда. Бу ҳам муаммоли масалалардан бири бу маблағларни бир йўла даромадга олиб бориш ҳисобда қатор ноқулайликлар келтириб чиқариши мумкин.

Қўшма таълим тўлов-контракт шартномалари асосида тушаётган маблағларини бухгалтерия ҳисобида даромад сифатида акс эттирилиши ва дебитор-кредитор мажбуриятларни амалга оширилишида ҳам қатор муаммолар юзага келмоқда. Бунда тушган тушумлар бир йўла тушган пайтда даромад сифатида тан олиб келинмоқда ҳамда, хориж давлат университетида ўтказилаётган фоиз улушлари харажат, деб тан олинмоқда. Ҳисоб-китоб масалаларида дебитор - кредиторлик мажбуриятлари юзага келмоқда лекин, улар амалдаги ҳолатларда бухгалтерия ҳисобида муаммоли вазиятлигича қолаётганини кўришимиз мумкин. Қолаверса қўшма таълим йўналишлари тўлов – контракт маблағлари сўмда тўлаб келинмоқда лекин, хорижий ОТМга тўланадиган қисми АҚШ долларида тўланаётгани ҳам қўшма таълим

²⁶ Муаллиф томонидан тайёрланди.

бухгалтерия ҳисоб-китоб масалаларида катор ноқулайликлар келтириб чиқармоқда.

Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли асосида расмийлаштирилган шартномада унинг бажарилиш муддати давомида ўқитиш хизматининг бажарилиши асносида тушган тушумнинг жорий даврдаги қисмини даромад сифатида тан олиб борилмаяпти. Режалаштирилаётган даромадлар ёки тўлов-контракт тушумлари бажарилишда бухгалтерия ҳисоб ва ҳисоботларини юритишда ҳар бир семестрдаги тушумларни алоҳида юритилишидан ташқари яна оширилган тўловлар ва кредит-модул тизимидаги академик қарздорлик учун тўланган тўловлар кесимида ҳам ҳисоб ишлари ва тўлов-контракт маблағлари тўғрисидаги ҳисоботларда алоҳида акс эттирилмай келмоқда. Натижада тўлов-контракт маблағлари даромадлари ҳар бир йўналишида алоҳида олиб борилиши бухгалтерия ҳисоб ва ҳисоботларининг тўғри ва аниқ юритилишига олиб келади бу ўз навбатида даромадларни тўғри тан олинишини таъминлайди.


2.2.§ Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича харажатлар ва уларни ҳисобга олиш амалиёти

Бюджет ташкилотининг раҳбари ОТМларда тўлов-контракт шаклидан тушган маблағларининг тақсимловчиси ҳисобланади ҳамда мазкур маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш учун жавобгардир. «Олий таълим муассасалари томонидан ўқитишнинг контракт шаклидан тушган маблағлар ва улар сарфланишининг бухгалтерия ҳисоби қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юритилади. Харажатларни амалга оширишда маблағлар биринчи навбатда стипендия, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, энергия ресурслари ва коммунал хизматларнинг ҳақини тўлаш мақсадларига йўналтирилади. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар харажатлар сметаларини, даромадлар ва харажатлар сметаларини, шунингдек штат жадвалларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мустақил равишда тузадилар. Харажатлар сметалари, даромадлар ва харажатлар сметалари, штат жадваллари, шунингдек, жамланма харажатлар

сметалари ва штат жадваллари бир молия йили муддатига, мавсумий ёки йил мобайнида тузилган ташкилотлар бўйича эса, уларнинг мазкур молия йилидаги фаолият кўрсатиш даврига тузилади ва амал қилади»²⁷.

«Бюджет тизими бюджетлари харажатларининг иқтисодий таснифи бўйича бошқа харажатларни аниқлашда ўзгача кўрсаткичлар ва услублар қўлланиши мумкин, уларнинг асосланганлиги харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказувчи тегишли бюджет маблағларини тақсимловчилар ва молия органлари томонидан текширилади.

Харажатлар сметасига иш ҳақи учун ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлари Қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган лавозим маошлари ва базавий меҳнатга ҳақ тўлаш ставкалари, уларга қўшимча ҳақ тўлаш ва устамалар ҳамда амалдаги намунавий штатлар ва штат нормативларига риоя этилган ҳолда киритилади»²⁸ (2.2.1-расм).



2.2.1-расм. Харажатлар таркиби ²⁹

²⁷ Абдужалилова Д.А. Олий таълим муассасаларида тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича харажатлар ва улар ҳисобининг амалдаги ҳолати. // «Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт» ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, илмий, оммабоп журнали. - Тошкент, октябрь 2023. №10-сон. 211-215 б.

²⁸ Abdusalilova D.A. Enhancing expense management and accounting in financially independent higher educational institutions in Uzbekistan. // Materials of proceedings of the 2 nd International Scientific and Practical Conference, «Innovative development in the global science» Boston, USA. June 26-28, 2023. Scientific Collection «InterConf» - 301 p. 48-52 pages.

²⁹ Муаллиф томонидан тайёрланди.

«I-гурухда «Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар» харажатлари ҳисоби юритилади. Бунда - харажатлар сметасидаги иш ҳақи учун қонунчилик билан белгиланган маошлар, иш ҳақи ставкалари ва уларга қўшимча тўловлардан, амалдаги намунавий штатлар ва меъёрларга риоя қилишдан келиб чиқиб киритилади. Педагог ходимлар иш ҳақи учун маблағларни ажратишда, қонунчиликда белгиланган иш ҳақи ставкаларидан келиб чиқиб ҳисобланади.

II-гурух «Ягона ижтимоий тўловлар» харажатлари меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ягона ижтимоий тўловни тўлаш харажатлари харажатлар сметасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ белгиланган ставкаларда, қонунчиликка мувофиқ ягона ижтимоий тўлов тўланадиган барча тўлов суммаларидан келиб чиққан ҳолда киритилади. Ҳозирги кунда молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасалари ягона ижтимоий тўловни 12% миқдорда тўлаб келишмоқда.


III-гурух «Капитал қўйилмалар» харажатлари олий таълим муассасаларининг капитал қўйилмалари ва қурилиш харажатлари ҳисоби юритилади.

IV-гурух «Бошқа харажатлар» юқоридаги уч гуруҳдаги харажат таркибига киритилмаган барча харажатлар ҳисоби юритилади»³⁰.

ОТМларда ушбу харажат гуруҳлари бўйича ҳар бир харажатлар моддасига маблағ ажратиш орқали жорий молия йили учун даромадлар ва харажатлар сметаси шакллантирилади. Белгилаб қўйилган харажатлар моддасига ажратилган маблағ бошқа харажатлар моддасига сарфланишига йўл қўйилмайди (2.2.2.-расм).

Расмдан Республикадаги фаолият юритаётган ОТМларни 2023 йилдаги харажатларини таркибини таҳлил этадиган бўлсак, молиявий мустақиллик берилган ОТМни асосий харажатлари таркиби тўлов-контракт маблағлари ҳисобига тўғри келмоқда.

³⁰ Абдужалилова Д.А. Молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларида тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича харажатлар ва уларни ҳисобини.//«Сифатли таълим – тараққиёт пойдевори» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция тўплами. 2023 йил 20 апрель – Тошкент 2023 йил. 1326 б. 24-27 бетлар.



**2.2.2-расм. Республикадаги фаолият юритаётган ОТМларни
2023 йилдаги харажатлари таркиби (млн. сўм)³¹**

Бу олий таълим муассасаларининг жами 2023 йилдаги харажатлари 231 262,9 млн. сўмни ташкил этмоқда. Жами харажатларининг 26 258,4 миллиони ёки 11,4 фоизи бюджет маблағлари ҳисобига тўғри келмоқда. Жами харажатларнинг 199 882,3 миллиони ёки 86,4 фоиздан ортиқроқ қисми тўлов-контракт маблағлари харажатларига тўғри келмоқда. Жами йиллик харажатларнинг 5 122,2 миллиони ёки 2,2 фоизи ОТМнинг ривожлантириш маблағлари ҳисобига тўғри келмоқда.


Республикада фаолият юритаётган молиявий мустақиллик берилмаган ОТМнинг 2023 йилдаги харажатлар таркибини таҳлил этадиган бўлсак, бу ОТМда ҳам харажатларнинг асосий салмоғи тўлов-контракт маблағлари улушига тўғри келмоқда. Жами 2023 йилдаги харажатлар 230 609,1 млн. сўмни ташкил этмоқда. Жами харажатларининг 66 169,7 миллиони ёки 28,7 фоизи бюджет маблағлари ҳисобига тўғри келган бўлса, жами харажатларнинг 162 241,9 миллиони ёки 70,3 фоизи тўлов-контракт маблағлари харажатларига тўғри келмоқда. Жами йиллик харажатларнинг 2 197,5 миллиони ёки 1 фоизи ОТМнинг ривожлантириш маблағлари ҳисобига тўғри келмоқда.

³¹ОТМ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Республикада фаолият юритаётган хорижий ОТМ филиалининг 2023 йилдаги харажатлар таркибини таҳлил этадиган бўлсак, бу ОТМда харажатларнинг асосий салмоғи ривожлантириш жамғармаси маблағлари улушига тўғри келмоқда. Жами 2023 йилдаги харажатлари 29 140,8 млн. сўмни ташкил этмоқда. Жами харажатларининг 9 092,8 миллиони ёки 31,1 фоизи бюджет маблағлари ҳисобига тўғри келмоқда. Жами харажатларнинг 10 968,3 миллиони ёки 37,6 фоизи тўлов-контракт маблағлари харажатларига тўғри келмоқда. Жами йиллик харажатларнинг 9 109,7 миллиони ёки 31,3 фоизи ОТМнинг ривожлантириш маблағлари ҳисобига тўғри келмоқда.

Ҳар бир ОТМни солиштирадиган бўлсак, молиявий мустақиллик берилган ОТМ билан молиявий мустақиллик берилмаган ОТМни асосий харажатлари тўлов-контракт маблағлари улушига тўғри келмоқда. Кейинги ўринларни бюджет ва ривожлантириш жамғармалари ташкил этаётганини кўришимиз мумкин. Хорижий ОТМ филиали харажатларини асосий улуши ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, кейинги ўринлардаги харажатлар тўлов-контракт ҳамда бюджет маблағлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Таҳлил натижасида шуни хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги амалиётда қайси турдаги ОТМ бўлишига қарамай бюджет маблағлари харажатлари охириги ўринни эгалламоқда. Асосий ўрин тўлов-контракт маблағлари харажатларига тўғри келаётгани, бюджет маблағлари харажатларини қисқартириш ёки бошқача айтадиган бўлсак, бюджет маблағларидан фойдаланишни мақбулаштириб, асосий сарф-харажатлар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисоби амалга оширилаяпти деб айта оламиз. Бу эса, ўз навбатида, ОТМларга молиявий мустақиллик берилишининг асосий омилларидан биридир (2.2.3-расм).



2.2.3-расм. ОТМларни 2019-2023 йилдаги тўлов-контракт маблағлари харажатларини ўсиб бориши (млн. сўм)³²

Расмни таҳлил этадиган бўлсак, молиявий мустақиллик берилган ҳамда молиявий мустақиллик берилмаган ОТМнинг охириги 5 йиллик тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан қилинган харажатлари фақат ўсиш тенденциясига эга. Жумладан молиявий мустақиллик берилган ОТМ 2019 йилда тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар 58 815,4 млн. сўм бўлган бўлса, 2020 йилга келиб бу харажатлар 51 838,9 млн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 11,8 фоизга камайган. 2021 йилда эса бу кўрсаткич 147 719,0 млн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 1,5 баробарга кўпайган. 2022 йилда эса бу кўрсаткич 162 210,5 млн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 2,7 баробарга кўпайган.

2023 йилда бу кўрсаткич энг юқори чўққисини эгаллаган бўлиб, 199 882,3 млн. сўмни ташкил этган ҳамда 2019 йилги харажатларга нисбатан қарийиб 4 баробарга кўпайган. Охириги икки йилда тўлов-контракт маблағлари харажатларини юқори даражада ўсишининг асосий сабаби этиб молиявий мустақиллик берилганлигини кўрсатиб ўтиш ўринли.

Молиявий мустақиллик берилмаган ОТМ 2019 йилда тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар 23 353,7 млн. сўм бўлган

³²ОТМ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

бўлса, 2020 йилга келиб бу харажатлар 45 617,0 млн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 1,9 баробарга ошган. 2021 йилда эса бу кўрсаткич 63 907,9 млн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 2,7 баробарга ошган. 2022 йилда бу кўрсаткич 134 810,2 млн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилги харажатларга нисбатан 5,7 баробарга кўпайган. 2023 йилда бу кўрсаткич 5 йил давомида энг юқори чўққини эгаллаб, 162 241,9 млн. сўмни ташкил этган ҳамда 2019 йилги харажатларга нисбатан 6,9 баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Хорижий ОТМ филиалининг тўлов-контракт маблағлари харажатларини таҳлил этадиган бўлсак, 2019 йилда 8 358,5 млн. сўм бўлган бўлса, 2020 йилга келиб бу харажатлар 7 378,4 млн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 11,7 фоизга камайган. 2020 йилда эса бу кўрсаткич 7 178,4 млн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 14 фоизга камайган. 2021 йилда бу кўрсаткич 9 180,4 млн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилги харажатларга нисбатан 9,8 фоизга кўпайган. 2022 йилда бу кўрсаткич 12 388,0 млн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилги харажатларга нисбатан 48 фоизга кўпайган. 2023 йилда бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан бир оз камайиб, 10 968,3 млн. сўмни ташкил этган ҳамда 2019 йилги харажатларга нисбатан 31 фоизга кўришимиз мумкин.

Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан амалга оширилаётган харажатларнинг йилдан-йилга ошиб боришининг сабаларидан бири этиб, олий маълумотли бўлишга бўлган талабнинг ошиб бораётганини кўрсатишимиз мумкин. Қолаверса 40 та ОТМга молиявий мустақиллик берилиши эса бу рақамларни янада ошишига олиб келганлигини исботини юқоридаги расмдан ҳам кўришимиз мумкин. Бу эса ОТМ ҳисоб ишларида қилинаётган харажатларини белгиланган гуруҳлар ва моддалари бўйича тўғри юритиш масъулиятини янада оширади.

Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича маблағларнинг ҳисобланиши «153600 «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида ва 520200 «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган

даромадлар» субсчётининг кредитида, маблағларнинг келиб тушиши 102409 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар» субсчётининг дебитида ва 343600 «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа кредитор қарзлари» кредитида акс этирилади. Аналитик ҳисоб ҳар бир талаба бўйича алоҳида ҳолда ташкил қилинади»³³. «Стипендия олувчи талабалар билан ҳисоб-китоблар - 343500 «Бюджет ташкилотларининг стипендия олувчилар билан кредитор қарзлари» субсчётида стипендиялар ҳисоб-китоби юритилади (2.2.1-жадвал).

Ҳисобланган ёзилган стипендия суммалари 343500 «Олий таълим стипендия олувчилар билан кредитор қарзлари» субсчёт кредитига ёзилади.

2.2.1-жадвал

Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағларининг харажатлари муомалалари мазмуни³⁴

Т/р	Муомалалар мазмуни	Дебет		Кредит	
		2169	2-БҲС	2169	2-БҲС
1.	Турли ташкилотлардан сотиб олинган товарлар ва хизматларга контракт маблағлари ҳисобидан тўловлар амалга оширилди.	159	151 900	111	102 409
2.	Тўлов-контракт маблағлари бўйича ходимларга иш ҳақи ҳисобланди	251	730 000	173	343 400
3.	Тўлов-контракт маблағлари бўйича ягона ижтимоий солиқ ҳисобланди	251	730 000	161	152 200
4.	Тўлов-контракт маблағлари бўйича ходимларга ҳисобланган иш ҳақидан даромад солиғи ҳисобланди	173	343 400	160	152 100
5.	Тўлов-контракт маблағлари бўйича ходимларга ҳисобланган иш ҳақидан даромад солиғи ҳисобланди ЖБПЖ ҳисобланди	160	152 100	162	152 300
6.	Ҳисобланган даромад солиғи тўлаб берилди	160	152 100	111	102 409
7.	Ягона ижтимоий солиқ тўлаб берилди	161	152 200	111	102 409
8.	ЖБПЖ тўлаб берилди	162	152 300	111	102 409
9.	Тўлов-контракт маблағлари бўйича ходимларга ҳисобланган иш ҳақидан касаба уюшмаси бадали ҳисобланди	173	343 400	176	343 700
10.	Ҳисобланган касаба уюшмаси бадали тўлаб берилди	176	343 700	111	102 409
11.	Ҳисобланган иш ҳақи пластик карта орқали тўлаб берилди	173	343 400	111	102 409
12.	Тўлов-контракт маблағлари бўйича талабаларга стипендия ҳисобланди	251	730 000	174	343 500
13.	Ҳисобланган стипендия пластик карта орқали тўлаб берилди	174	343 500	111	102 409
14.	Ортиқча тўланган контракт суммаси қайтарилди	175	102 409	111	730 000
15.	Мазкур ҳисобварақдаги вақтинча бўш турган маблағ депозитга қўйилди	140	121 100	111	102 409

³³ Абдужалилова Д.А. Рақамли иқтисодиёт шароитида олий таълим муассасаларида тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобини такомиллаштириш. //«Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудитни ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. 2023 йил 12 апрель-Тошкент 2023 йил. 693 б. 527-530 бетлар.

³⁴ Муаллиф тамонидан тайёрланган.

Олий таълим муассасаларининг бухгалтерия ҳисоби бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага асосан юритилади. Унга кўра ўқитишининг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисоби бўйича ОТМларда ҳар йилнинг бошига даромадлар яъни кўзда тутилаётган тушумлар ва харажатлари яъни тўлов-контракт шаклидан сарфланадиган маблағлар сметаси шакллантирилади.

Республикада фаолият юритаётган ОТМларнинг охириги 5 йиллик харажатлари таркибини таҳлил этиб чиқамиз (1-илова).

Молиявий мустақиллик берилган ОТМнинг 2019 йил харажатлар таркибини таҳлил этадиган бўлсак, биринчи навбатда ҳар бир молиялаштириш манбасидан I-гуруҳ харажатларига эътибор қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, 2019 йил жами бюджет харажатларининг 51 фоизи ёки 3 342,4 млн. сўмни иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга сарфланган. II-гуруҳ харажатлари эса I-гуруҳ харажатларига боғлиқ бўлиб, жами I-гуруҳнинг 25 фоизини ташкил этиши зарур. Лекин, бизнинг жадвалимиздан II-гуруҳ харажатлари I-гуруҳ харажатларининг 12 фоизини эмас, балки бор йўғи 8 фоизини ташкил этаётганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий сабаби этиб I-гуруҳ харажатларининг таркибидаги талабаларга тўланаётган стипендия маблағларини кўрсатишимиз мумкин. Шу сабабли II-гуруҳ харажатлари жами бюджет харажатларининг 4 фоизини ёки 262,1 млн. сўмни ташкил этмоқда ҳалос. IV-гуруҳ харажатларига келадиган бўлсак, жами бюджет харажатларининг 45 фоизини ёки, 2 949,3 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Тўлов-контракт маблағлари харажатларини таҳлилини кўрадиган бўлсак, 2019 йил давомида жами 58 815,4 млн. сўмни ташкил этмоқда. Унинг асосий харажатлари I-гуруҳ харажатларига тўғри келиб, 46 170,1 млн. сўм ёки 78,5 фоизини ташкил этган. II-гуруҳ харажатлари эса, 5 393,4 млн. сўмни ёки жами харажатларнинг қарийиб 9 фоизини I -гуруҳ харажатларининг эса, 11,4 фоизини ташкил этмоқда. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, I-гуруҳ харажатларини асосини иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ташкил этади. Бюджет маблағларининг I-гуруҳ харажатлари харажатлари таркибидан

фарқли равишда талабалар стипендияси камроқ фоизни ташкил этмоқда. Бунинг асосий сабаби тўлов-контракт маблағларини тўлашда стипендияни чегириб тўлашга рухсат этилганлигидир. IV-гуруҳ харажатларига келадиган бўлсак, жами тўлов-контракт харажатларининг 12,5 фоизини ёки, 5 252,2 млн. сўмни ташкил этмоқда. Бу гуруҳ харажатларини бюджетдаги тегишли гуруҳ харажатлари билан солиштирадиган бўлсак, тўлов-контракт маблағлари харажатлари деярли 2 баробардан ҳам кўпроқ эканлигини кўришимиз мумкин.

Ривожлантириш жамғармаси харажатлари таркибини таҳлил тадига бўлсак, 2019 йил давомида жами 2 808,7 млн. сўмни ташкил этган. Уни I-гуруҳ харажатлари 442 279,9 млн. сўм ёки 16 фоизни ташкил этган. II-гуруҳ харажатлари эса 117 009,2 млн. сўмни ёки жами харажатларнинг қарийиб 4 фоизини I-гуруҳ харажатларининг эса 26 фоизини ташкил этмоқда. 2019 йилда ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан III-гуруҳ харажатлари мавжуд бўлиб, у 468,3 млн. сўмни ёки, жами харажатларнинг 0,02 фоизини ташкил этган. IV-гуруҳ харажатларига келадиган бўлсак, жами ривожлантириш жамғармаси маблағлари харажатларининг 79 фоизини ёки 2 219,0 млн. сўмни ташкил этмоқда. Бундан шуни кўриш мумкинки, ривожлантириш жамғармаси маблағлари харажатларининг асоси IV-гуруҳ харажатларидан ташкил топган.

2020 йил жами бюджет харажатлари 11 885,4 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, унинг 4 991,9 млн. сўм ёки 42 фоизи иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга сарфланган. II-гуруҳ харажатлари эса 119,8 млн. сўмни ёки жами харажатларнинг қарийиб 1 фоизини ҳамда I-гуруҳ харажатларининг 2 фоизини ташкил этмоқда. IV-гуруҳ харажатларига келадиган бўлсак, жами бюджет харажатларининг 57 фоизини ёки, 6 774,0 млн. сўмни ташкил этмоқда. 2020 йилдаги бюджет маблағлари харажатлари 2019 йилдаги бюджет харажатларига нисбатан 81 фоизга ошган.

Тўлов-контракт маблағлари харажатларини таҳлилини кўрадиган бўлсак, 2020 йил давомида жами 51 838,8 млн. сўмни ташкил этмоқда. Унинг асосий харажатлари I-гуруҳ харажатларига тўғри келиб, 36 979,7 млн. сўм ёки жами

харажатларга нисбатан 71 фоизини ташкил этган. II-гуруҳ харажатлари эса, 3 734,4 млн. сўмни ёки жами харажатларнинг қарийиб 7,2 фоизини I-гуруҳ харажатларининг эса 10 фоизини ташкил этмоқда. IV-гуруҳ харажатларига келадиган бўлсак, жами тўлов-контракт харажатларининг 21 фоизини ёки, 10 931,3 млн. сўмни ташкил этмоқда. 2020 йилдаги тўлов-контракт маблағлари харажатлари 2019 йилдаги тўлов-контракт маблағлари харажатларига нисбатан 13 фоизга камроқ амалга оширилган.

Ривожлантириш жамғармаси харажатлари таркибини таҳлил этадиган бўлсак, 2020 йил давомида жами 1 506,9 млн. сўмни ташкил этган. Уни I-гуруҳ харажатлари 552,7 млн. сўм ёки 37 фоизини ташкил этган. II-гуруҳ харажатлари эса 65,6 млн. сўмни ёки жами харажатларнинг қарийиб 4,3 фоизини I-гуруҳ харажатларининг эса 12 фоизини ташкил этмоқда. 2020 йилда ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан III-гуруҳ харажатлари мавжуд бўлиб, у 11,4 млн. сўмни ёки, жами харажатларинг 0,7 фоизини ташкил этган. IV-гуруҳ харажатларига келадиган бўлсак, жами ривожлантириш жамғармаси маблағлари харажатларининг 58 фоизини ёки, 877,1 минг сўмни ташкил этмоқда. 2020 йилдаги ривожлантириш жамғармаси маблағлари харажатлари 2019 йилдаги ривожлантириш жамғармаси маблағлари харажатларига нисбатан деярли 50 фоизга кам.

2021 йил жами бюджет харажатлари 15 918,8 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, унинг 8 914,5 млн. сўм ёки 56 фоизи иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга сарфланган. II-гуруҳ харажатлари эса 398,0 млн. сўмни ёки жами харажатларнинг қарийиб 2,5 фоизини ҳамда I-гуруҳ харажатларининг 4,5 фоизини ташкил этмоқда. IV-гуруҳ харажатларига келадиган бўлсак, жами бюджет харажатларининг 41,5 фоизини ёки, 6 606,3 млн. сўмни ташкил этмоқда. 2021 йилдаги бюджет маблағлари харажатлари 2020 йилдаги бюджет харажатларига нисбатан 33 фоизга, 2019 йилги харажатларга нисбатан 2,4 баробар кўпроқ харажатлар амалга оширилган.

Тўлов-контракт маблағлари харажатларини таҳлилини кўрадиган бўлсак, 2021 йил давомида жами 162 210,5 млн. сўмни ташкил этмоқда. Унда I-гуруҳ

харажатлари 51 410,4 млн. сўм ёки жами харажатларга нисбатан 32 фоизини ташкил этган. II-гуруҳ харажатлари эса, 5 536,6 млн. сўмни ёки жами харажатларнинг қарийиб 3,4 фоизини I-гуруҳ харажатларининг эса 11 фоизини ташкил этмоқда. 2021 йилда тўлов-контракт маблағлари харажатларининг асоси IV-гуруҳ харажатларига тўғри келмоқда. Жами тўлов-контракт харажатларининг 50 фоизини ёки, 80 983,3 минг сўмни ташкил этмоқда. 2021 йилдаги тўлов-контракт маблағлари харажатлари 2020 йилдаги тўлов-контракт маблағлари харажатларига нисбатан 3,2 баробар, 2019 йилдаги харажатларига нисбатан 2,7 баробар кўпроқ харажатлар амалга оширилган.

Ривожлантириш жамғармаси харажатлари таркибини таҳлил этадиган бўлсак, 2021 йил давомида жами 1 607,8 млн. сўмни ташкил этган. Уни I-гуруҳ харажатлари 594,8 млн. сўм ёки 37 фоизини ташкил этган. II-гуруҳ харажатлари эса, 69,1 млн. сўмни ёки жами харажатларнинг қарийиб 4,3 фоизини I-гуруҳ харажатларининг эса 12 фоизини ташкил этмоқда. IV-гуруҳ харажатларига келадиган бўлсак, жами ривожлантириш жамғармаси маблағлари харажатларининг 58,7 фоизини ёки 943,7 млн. сўмни ташкил этмоқда. 2021 йилдаги ривожлантириш жамғармаси маблағлари харажатлари 2020 йилдаги ривожлантириш жамғармаси маблағлари харажатларига нисбатан деярли 6 фоизга кўпайган, ҳамда 2019 йилги ривожлантириш жамғармаси маблағлари харажатларига нисбатан 43 фоизга кам харажат амалга оширилган.

Энди ОТМларнинг 2019-2023 йиллардаги харажатлар таркибини улушини фоизларда таҳлил этамиз (2-илова). Ушбу 2-иловадан 2019-2023 йилдаги ОТМларнинг харажатлари таркиби улушини фоизларда кўришимиз мумкин. Молиявий мустақиллик берилган ОТМнинг маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2021 йилда тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар шу йилдаги жами харажатларнинг 90,76 фоизини ташкил этган. Иккинчи ўринни бюджет ҳамда кейинги ўринни ривожлантириш жамғармаси харажатлари эгаллаган. 90,76 фоиз тўлов-контракт харажатларини таркибини кўрадиган бўлсак,

28,77 фоизи I-гуруҳ харажатларига, 3,10 фоизи II-гуруҳ харажатларига, 13,58 фоизи III-гуруҳ ҳамда 45,31 фоизи IV-гуруҳ харажатларига тўғри келган.

2022 йил маълумотларини таҳлил этадиган бўлсак, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар шу йилдаги жами харажатларнинг 85,45 фоизини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2021 йилга қараганда 5,31 фоизга кам. 85,45 фоиз тўлов-контракт харажатларини таркибини кўрадиган бўлсак, 54,02 фоизи I-гуруҳ харажатларига, 6,07 фоизи II-гуруҳ харажатларига, 7,57 фоизи III-гуруҳ ҳамда 17,79 фоизи IV-гуруҳ харажатларига тўғри келган. 2021 йилга қараганда I-гуруҳ харажатлари деярли 2 баробарга ошган, IV-гуруҳ харажатлари эса, 2,5 баробарга камайган.

2023 йил маълумотларини таҳлили шуни кўрсатадики, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар шу йилдаги жами харажатларнинг 87,9 фоизини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2022 йил билан солиштирганда амалга оширилган харажатлар 2,4 фоизга ошган.

Молиявий мустақиллик берилмаган ОТМ маълумотларини таҳлил этадиган бўлсак, бу ерда тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар молиявий мустақиллик берилган ОТМ харажатларидан анча кам. 2021 йилда тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар шу йилдаги жами харажатларнинг 64,97 фоизини ташкил этган. Иккинчи ўринни 33,3 фоиз билан бюджет ҳамда кейинги ўринни 1,9 фоиз билан ривожлантириш жамғармаси харажатлари эгаллаган. 64,97 фоиз тўлов-контракт харажатларини таркибини кўрадиган бўлсак, 40,47 фоизи I-гуруҳ харажатларига, 9,93 фоизи II-гуруҳ харажатларига, 1,17 фоизи III-гуруҳ ҳамда 13,40 фоизи IV-гуруҳ харажатларига тўғри келган. Бу кўрсаткичларни молиявий мустақиллик берилган ОТМ тўлов-контракт маблағлари харажатлари билан солиштирадиган бўлсак, молиявий мустақиллик берилмаган ОТМнинг тўлов-контракт маблағлари харажатлари 25,79 фоизга камроқ амалга оширилган.

2022 йил маълумотларини таҳлил этадиган бўлсак, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар шу йилдаги жами

харажатларнинг 68,08 фоизини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2021 йилга қараганда 3,11 фоизга кам. 68,08 фоиз тўлов-контракт харажатларини таркибини кўрадиган бўлсак, 38,43 фоизи I-гуруҳ харажатларига, 9,41 фоизи II-гуруҳ харажатларига, 13,18 фоизи III-гуруҳ ҳамда 7,06 фоизи IV-гуруҳ харажатларига тўғри келган. Молиявий мустақиллик берилмаган ОТМ бўлсада, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан харажатлар ошиб, бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар камайган. 2023 йил маълумотларини таҳлили шуни кўрсатадики, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар шу йилдаги жами харажатларнинг 72,9 фоизини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2022 йил билан солиштирганда амалга оширилган харажатлар 4,8 фоизга ошган.

Хорижий ОТМ филиалининг маълумотларини таҳлил этадиган бўлсак, 2021 йилда тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилган харажатлар жами йиллик харажатларнинг 33,31 фоизини ташкил этган. Бу харажатлар таркиби эса, 24,2 фоизи I-гуруҳ харажатлари, 4,83 фоизи II - гуруҳ харажатлари ҳамда 2,38 фоизи IV-гуруҳ харажатларига тўғри келган. 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 37,6 фоизни ташкил этиб, 2021 йилдаги амалга оширилган харажатларга нисбатан 4,3 фоизга ошган.

Шуни такидлаш жоизки, қайси ОТМ бўлишидан қатъий назар тўлов-контракт маблағлари харажатлари улуши етакчи ўринни эгалламоқда. ОТМларда тўлов-контракт маблағлари харажатлари ва уларни ҳисобга олиш амалиётини ўрганиш асосида қуйидагича хулосалар қилиш мумкин:

– молия йили учун шакллантирилган харажатлар ўқув йили учун тушган даромадлар ҳисобидан амалга оширилмоқда. 31 декабр молия йили тугаган муддатда ўқув йилининг 4 ойи муддати ўтган бўлади. Бунда, жорий ўқув йилининг 1-семестри учун тўланган тўлов-контракт суммалари жорий молия йилининг даромади деб ҳисоб ишлари олиб борилмоқда ва ҳисоботлар шакллантирилмоқда. Лекин бу тушган тушумнинг 2 ойлик тўлови келгуси молия йилининг дастлабки икки ойлик тушуми деб ҳисоб ишлари юритилса, ҳисоботлар тўғри тузилганлигига ишонч ҳосил қилинади;

– даромадлар жорий ўқув йили учун бўлганидан кейин, харажатлар ҳам шунга мос равишда бўлиши лозим. Жорий молия йили учун шакллантирилган харажатлар сметаси харажатлари жорий молия йилида амалга ошириб келинмоқда. Жорий ўқув йилининг 1-семестри учун тўланган тўлов-контракт суммаларини олти ойлик харажатларни қоплаши кераклиги нуқтаи назаридан қараладиган бўлса бу амалга ошаётгани йўқ, чунки харажатлар тақсимланган олти ойнинг тўртинчи ойида молия йили тугайди;


– олий таълим муассасаларининг фаолияти ўқув йили билан боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб тизилаётган даромадлар ва харажатлар сметаси ўқув йили учун шакллантирилса натижада, олий таълим муассасаларида тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича даромадлар, харажатлар ва уларнинг шакллантирилаётган ҳисоботларида аниқликларга эришилади.

2.3. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича молиявий натижалар ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш

Молиявий натижалар – бу маълум бир ҳисобот даврида хўжалик жараёни натижасида ўзига қарашли маблағларни ошиши ёки камайишидир. Молиявий натижалар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий молиявий натижа бу фойда, салбий молиявий натижа бу зарар»³⁵. ОТМнинг молиявий натижалари деганда унинг барча даромадлари (тушумлари, бюджет маблағлари бўйича, тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳамда ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича ғазначилик орқали амалга оширган касса харажатлари) ва ҳисобланган барча ҳақиқий харажатларининг ўзаро солиштирилиши (айрилиши) натижасида келиб чиқадиган активнинг соф қиймати тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, ОТМнинг молиявий натижаси бу унинг барча активлари (номолиявий активлари, молиявий активлари ва дебиторлари)дан

³⁵Қўзиев И.Н., Ғаниев Ш.В., Рамазонов А.С. Бюджет ҳисоби ва назорати. Ўқув қўлланма. Дарслик // – Т.: «Нихол принт» ОК, 2022 йил. – 632 б.


унинг номолиявий активлар молиявий активлар кредиторлар дебиторлар молиявий натижалар мажбуриятларини (кредиторлик қарзларини) айирмаси натижасида ҳосил бўладиган активнинг соф қиймати деб тушуниш мумкин. Молиявий натижалар ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисоби олдида қуйидаги вазифалар қўйилади (2.3.1-расм).



2.3.1-расм. Молиявий натижалар ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисоби олдида қўйиладиган вазифалар³⁶

ОТМларининг даромадлари бу активнинг соф қийматини (молиявий натижани) ошишига сабаб бўлувчи ташкилот активларини ошиши ёки унинг мажбуриятларини камайтиришидир. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалари бу ташкилотнинг ушбу маблағлар бўйича молия йили мобайнида, яъни ҳисобот йилининг 1-январидан 31 декабрига қадар бўлган давр мобайнида ҳисобланган тўлов-контракт маблағлари ва мазкур вақт мобайнида амалга оширилган ҳақиқий харажатларини солиштириш натижасида олинган кўрсаткичдир.

³⁶Муаллиф томонидан тайёрланди.




2.3.2-расм. ОТМларда молиявий натижаларни ҳисобга олиш³⁷

Молиялаштириш манбаидан қатъий назар ОТМларда ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилги молиявий натижалар бу ОТМларнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича молия йили мобайнида, яъни ҳисобот йилининг 1-январидан 31 декабрига қадар бўлган давр оралиғида ҳисобланган тўлов-контракт маблағлари ва мазкур муддат оралиғида амалга оширилган ҳақиқий харажатларни таққослаш орқали шакллантирилган кўрсаткичдир. Якуний молиявий натижа - ОТМларнинг ҳисобот йили якунида даромадлар ва харажатлар сметалари ижроси бўйича даромадлар билан ҳақиқий харажатлар орасида шаклланган фарқдир (2.3.2-расм)

Бизга маълумки, ОТМларнинг даврий молиявий ҳисоботлари чораклик давр мобайнига тузиб тақдим этилади. Айнан молиявий натижалар

³⁷Муаллиф томонидан тайёрланди.

тўғрисидаги ҳисобот тўртинчи чорак, яъни йиллик ҳисоботда бир молия йилида бир мартаба тузиб тақдим этилади (2.3.3-расм).



2.3.3-расм. Республикадаги фаолият юритаётган ОТМларнинг 2018-2022 йилдаги молиявий натижалари (млн. сўм)³⁸

Юқоридаги жадвал ҳамда расмдан ОТМларнинг 5 йиллик молиявий натижаларини кўришимиз мумкин. Унга кўра молиявий мустақиллик берилган ОТМ 2018 йилда жами даромадлари 52 257 348,40 минг сўмни ташкил этиб, шу жумладан бюджетдан молиялаштириш 3 433 910,70 минг сўмни, тўлов-контракт даромадлари 47 135 081 минг сўмни ҳамда ривожлантириш жамғармаси маблағлари даромадлари 1 688 356,70 минг сўм ҳисобланган. Ушбу ОТМнинг мос даврдаги жами харажатлари эса 49 676 345,30 минг сўм ҳисобланган. Шу жумладан, 6 182 172,30 минг сўми бюджет маблағлари ҳисобидан, 41 787 869,50 минг сўми тўлов-контракт ҳамда 1 706 303,50 минг сўм ривожлантириш жамғармаси ҳисобига тўғри келган. Энди шу даромад ва харажатларни таҳлил этадган бўлсак, жорий йилда 2 581 003,10 минг сўм ижобий молиявий натижага эришилган. Жумладан бюджет ҳисобидан 2 748 201,60 минг сўм салбий молиявий натижа, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан 5 347 211,50 минг сўм ижобий

³⁸ОТМ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

молиявий натижа ҳамда ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 17 946,80 минг сўм салбий молиявий натижа билан 2018 йил якунланган.

2019 йил жами даромадлари 75 427 558,60 минг сўмни ташкил этиб, шу жумладан бюджетдан молиялштириш 6 753 814,80 минг сўмни, тўлов-контракт даромадлари 65 852 597,9 минг сўмни ҳамда ривожлантириш жамғармаси маблағлари даромадлари 2 821 145,9 минг сўмни ташкил этган. Ушбу ОТМнинг мос даврдаги жами харажатлари эса 68 178 061,90 минг сўмни ташкил этган. Шу жумладан 13 888 652,4 минг сўми бюджет маблағлари ҳисобидан, 51 480 647,6 минг сўми тўлов-контракт ҳамда 2 808 761,9 минг сўми ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган. Энди шу даромад ва харажатларни таҳлил этадган бўлсак, бюджет маблағлари ҳисобидан 7 134 837,60 минг сўм салбий молиявий натижа, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан 14 371 950,30 минг сўм ижобий молиявий натижа ҳамда ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 12 384 минг сўм ижобий молиявий натижага эришилган. 2019 йил 7 249 496,70 минг сўм ижобий молиявий натижа билан якунланган. 2020 йил жами даромадлари 121 274 992,80 минг сўмни ташкил этиб, шу жумладан бюджетдан молиялштириш 11 277 070,20 минг сўмни, тўлов-контракт даромадлари 105 567 841,10 минг сўмни ҳамда ривожлантириш жамғармаси маблағлари даромадлари 4 430 081,50 минг сўмни ташкил этган. Ушбу ОТМнинг мос даврдаги жами харажатлари эса 65 231 40,80 минг сўмни ташкил этган. Шу жумладан 11 885 493,60 минг сўми бюджет маблағлари ҳисобидан, 51 838 961,80 минг сўми тўлов-контракт ҳамда 1 506 945,40 минг сўми ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган. Энди шу даромад ва харажатларни таҳлил этадган бўлсак, бюджет маблағлари ҳисобидан 608 423,40 минг сўм салбий молиявий натижа, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан 53 728 879,30 минг сўм ижобий молиявий натижа ҳамда ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2 923 238,50 минг сўм ижобий молиявий натижага эришилган. 2020 йил 56 043 592 минг сўм ижобий молиявий натижа билан якунланган.

2021 йил жами даромадлари 132 415 622,50 минг сўмни ташкил этиб, шу жумладан бюджетдан молиялштириш 15 019 977 минг сўмни, тўлов-контракт даромадлари 112 965 564 минг сўмни ҳамда ривожлантириш жамғармаси маблағлари даромадлари 4 430 081, 50 минг сўмни ташкил этган. Ушбу ОТМнинг мос даврдаги жами харажатлари эса 179 737 218 минг сўмни ташкил этган. Шу жумладан 15 918 873 минг сўми бюджет маблағлари ҳисобидан, 162 210 502 минг сўми тўлов-контракт ҳамда 1 607 843 минг сўми ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган. Энди шу даромад ва харажатларни таҳлил этадган бўлсак, бюджет маблағлари ҳисобидан 898 896 минг сўм салбий молиявий натижа, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан 49 244 938 минг сўм салбий молиявий натижа ҳамда ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2 822 238,50 минг сўм ижобий молиявий натижага эришилган. 2021 йил 47 321 595,50 минг сўм салбий молиявий натижа билан якунланган. 2022 йил молиявий натижаларини расм кўринишида таҳлил этамиз (2.3.4-расм).

Расмдан Республикадаги фаолият юритаётган ОТМларнинг 2023 йилдаги молиявий фаолиятининг натижаларини таҳлил этадиган бўлсак, ОТМларда бюджет маблағлари ҳисобидан салбий молиявий натижага эришилган. Демак, бюджет маблағлари ҳисобидан тўланган харажатлар ва ҳисобланган мажбуриятлар миқдори бюджетдан молиялаштирилган маблағлар миқдоридан кам. Ҳақиқий харажатлар таркибининг IV-гурӯҳида олдинги йиллар бюджет маблағлари ҳисобидан қабул қилинган асосий воситаларнинг эскириш суммалари ҳисобланган бу ўз навбатида, ҳақиқий харажатлар миқдорини ошишига олиб келган. Бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тасдиқланган смета хужжатлари асосида амалга оширилади ва бу смета хужжатларига асосий воситаларнинг эскириш суммалари киритилмайди. Шу сабабли, бюджет маблағлари ҳисобидан молиявий натижалар кўпинча салбий қолдиқ билан чиқади.



**2.3.4-расм. Республикадаги фаолият юритаётган ОТМларнинг
2023 йилдаги молиявий натижалари (млн. сўм)³⁹**

Тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан ҳисобланган молиявий натижа молиявий мустақиллик берилган ОТМда 17 542,8 млн. сўмни, молиявий мустақиллик берилмаган ОТМда 31 335,1 млн. сўмни ҳамда хорижий ОТМ филиалида 219,9 млн. сўмни ташкил этмоқда. Ҳамма ОТМларда тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан ҳисобланган молиявий натижа ижобий, яъни тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан ҳисобланган барча активлари миқдоридан унинг пассивлари мажбуриятларини (кредиторлик қарзларини) миқдорини кам деб тушуниш мумкин. Тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан камдан-кам ҳолларда салбий молиявий натижа чиқиши мумкин. Чунки, молия йили бошида тўлов-контракт маблағлари даромадлари асосида харажатлари шакллантирилади. Яна бошқа бир сабаби, бюджет маблағларидан иқтисод қилинадиган маблағ йил охирида бюджетга қайтарилади. Тўлов-контракт маблағлари эса йил охирида қолган қолдиқ келгуси йилга ўтаверади. Шу нуқтаи-назардан ҳам, тўлов-контракт маблағлари харажатлари даромадларидан келиб чиқиб сарфланади. Яна бир сабаби тўлов-контракт маблағлари даромадлари II-семестр учун шакллантирилганда келгуси йилдаги

³⁹ОТМ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

биринчи икки ой даромади ҳам ҳисобга олиниб, тушуми шакллантирилган уларнинг харажати эса келгуси йилда амалга оширилиши керак. Бу белгиланган давр даромадлари йил охирида ижобий қолдиқ билан келгуси йилга ўтиши зарур.

Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобининг молиявий натижаларини кўриб таҳлил этадиган бўлсак, молиявий натижа молиявий мустақиллик берилган ОТМда 1300,4 млн. сўм салбий молиявий натижа билан яқунланмоқда. Молиявий мустақиллик берилмаган ОТМда 2 231,5 млн. сўмни ҳамда хорижий ОТМ филиалида 1 886,4 млн. сўмни ташкил этмоқда. Хар уч ОТМда ҳам ижобий молиявий натижага эришилган. Бу ҳам ўз навбатида йил охирида қоладиган қолдиқ ОТМ ихтиёрида қолдириши билан изоҳлаш мумкин.

2.3.1-жадвал

ОТМларнинг 2019-2023 йиллардаги молиявий натижаларини манбаалари кесимида фоиз улушларидаги маълумотлари ⁴⁰

ОТМлар	Йиллар	Жорий йилги молиявий натижалар			
		Жамм:	Бюджет	Тўлов-контракт	Ривожлантириш жамғармаси
Молиявий мустақиллик берилган ОТМ	2019	100	-98.42	198.25	0.17
	2020	100	-1.09	95.87	5.22
	2021	-100	-1.90	-104.06	5.96
	2022	100	-12.32	106.25	6.07
	2023	100	-7,26	115,85	-8,59
Молиявий мустақиллик берилмаган ОТМ	2019	100	-1.86	85.48	16.38
	2020	100	-1.80	67.20	34.60
	2021	100	-8.19	106.00	2.19
	2022	100	-7.53	99.36	8.18
	2023	100	-3,77	96,9	6,90
Хорижий ОТМ филиали	2019	100	-4.10	29.16	74.94
	2020	-100	-5.65	-52.27	-42.08
	2021	-100	-4.96	-87.29	-7.75
	2022	100	-6.78	157.70	-50.92
	2023	100	-34,7	38,7	96

⁴⁰ОТМ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Молиявий натижаларни манбаалар кесимида фоиз улушларида юқоридаги жадвал асосида таҳлил этамиз (2.3.1-жадвал).

Юқоридаги жадвалдан шуни таҳлил этишимиз мумкинки, барча ОТМларнинг ҳамма йилларида бюджет маблағлари ҳисобидан салбий молиявий натижаларга чиқган. Бунинг асосий сабаби юқорида айтиб ўтилганидек, аввалги йилларда харид қилинган асосий воситаларнинг эскириш суммалари ҳақиқий харажат таркибида ўтиради. Лекин бу маблағлар молиялаштирилмайди шу сабабдан бюджет маблағлари ҳисобидан кўп ҳолларда салбий молиявий натижага чиқилади.

Молиявий мустақиллик берилган ОТМнинг тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан шаклланган молиявий натижалари деярли ҳар йили ижобий бўлган фақат 2021 йил салбий молиявий натижа кўрсатилган буни асосий сабаби харажатлар таркибида этиб III-гурӯх харажатларининг ошиб кетиши эди, яъни ОТМ шу йилда тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан қурилиш ишларини амалга оширганлигини кўрсатишимиз мумкин. Молиявий мустақиллик берилмаган ОТМнинг тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан шаклланган ижобий молиявий натижалари йилдан-йилга ўсиб бораётганини кўришимиз мумкин. 2019 йилда жами ижобий молиявий натижанинг 198,25 фоизи тўлов-контракт маблағларига тўғри келган бўлса, 2023 йилга келиб, 115,85 фоиз тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан ижобий молиявий натижага эришилган. Хорижий ОТМнинг охириги 5 йиллик тўлов-контракт маблағларидан шакллантирилган молиявий натижаларини таҳлил этадиган бўлсак, 2019 йилда жами ижобий натижанинг 29,16 фоизи тўлов-контракт маблағлари манбасига тўғри келган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 38,7 фоизни ташкил этганини кўришимиз мумкин.

Ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан шакллантирилган молиявий натижаларни таҳлил этадиган бўлсак, барча ОТМларда ҳамма йилларда деярли ижобий молиявий натижаларга эришилган.

ОТМларда асосий даромад ва харажатлар улуши тўлов-контракт маблағлари ҳисобига тўғри келаётганлиги сабабли ижобий молиявий

натижаларнинг асоси ҳам ўз навбатида тўлов-контракт маблағлари улуши тўғри келмоқда.

730000 ««Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётида тўлов-контракт тушумлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ҳисоби юритилади. ОТМларда тўлов-контракт тушумлари ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар йил давомида 730000 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётининг дебитида акс эттирилиб борилади, бунда, ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи тегишли субсчётлар кредитланади. 520200 «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар» субсчётида таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган даромадларнинг ҳисобланиши акс эттирилади. Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича маблағларнинг ҳисобланиши 153600 «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлари» субсчётининг дебитида ва 520200 «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар» субсчётининг кредитида, маблағларнинг келиб тушиши 102409 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар» субсчётининг дебитида ва 153600 «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида акс эттирилади»⁴¹.

983000 ««Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижалари акс эттирилади. Ушбу субсчётнинг дебитида йил охирида ҳисобдан чиқарилган мазкур маблағлар

⁴¹ Абдужалилова Д.А. Олий таълим муассасаларида муқобил молиялаштириш, тўлов-контракт маблағлари даромадлари ҳисобидан фойдаланиш истикболлари. // «Молия тизимини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва истикболлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. 2023 йил 24 май – Тошкент 2023 йил. 837 б. 415-418 бетлар.

бўйича амалга оширилган ҳақиқий харажатлар акс эттирилади, бунда, 730000 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади. Харажатларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир харажат тури ва моддалари бўйича алоҳида ўтказма берилади. Субсчёт кредитида йил мобайнида ҳисобланган таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади, бунда, 520200 «Ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар» субсчёти дебетланади»⁴².

Йил охирида аввало, «Фойдаланилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар суммасига тўғри келувчи ҳақиқий харажатлар 730000 (251) «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётидан ҳисобдан чиқарилади. Бунда, 986000 «Бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар» субсчёти дебетланади ва 730000 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчёти кредитланади. Сўнг молия йилининг охирида жорий йилга тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижалар 983000 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчётининг кредитига (дебетига) ҳисобдан чиқарилади ва 520200 «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар» ҳамда 730000 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» субсчётлари

⁴² Абдужалилова Д.А. Рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий мустақиллик берилган ОТМларда тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар ҳисобини такомиллаштириш. // «Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни халқаро стандартлари асосида ривожлантириш муаммолари ва истикболлари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани тўплами. 2023 йил. 26-27 май – Тошкент 2023 йил. 1458 б. 930-934 бетлар.

бўйича йил охирида қолдиқ қолмайди»⁴³ (2.3.2-жадвал).

2.3.2-жадвал

Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағларининг молиявий натижалари муомалалари мазмуни⁴⁴

Т/р	Муомалалари мазмуни	Дебет		Кредит	
		2169	2-БҲС	2169	2-БҲС
1.	Йил охирида тўлов-контракт ҳақиқий харажатлари ҳисобдан чиқарилганда	282	983 000	251	730 000
2.	Тўлов-контракт даромадлари ҳисобдан чиқарилганда	252	520 200	282	983 000
3.	Йил охирида фойдаланилган солиқдан ҳақиқий харажатлар суммаси ҳисобдан чиқарилганда	285	986 000	251	730 000
4.	Молия йили охирида жорий йилда тўлов-контракт молиявий натижалари	252	520 200	282	983 000

ОТМларда даромадлар ва харажатларининг ҳисобга олиниб, ҳисоботларини тузиш натижасида жорий йилги молиявий натижалар ҳисоботи шакллантирилмоқда. Жорий молия йили учун тузиб тақдим этилаётган молиявий натижаларни ҳисоботини таҳлил қиладиган бўлсак, бу ҳам ўз-ўзидан молия йили учун шакллантирилмоқда. Даромадлар ўқув йилининг 1-семестри ва 2-семестри учун деб шакллантирилмоқда. Бунда 1-семестр тўрт ойни ва иккинчи семестр эса олти ойни ташкил қилиб қолмоқда. Харажатлар эса ўн икки ой давомида молия йили учун амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда ОТМларнинг сони ошиб бораётганлиги, мулкчиликнинг янги шакллари ташкил этилаётганлиги ОТМлар ўртасида рақобат муҳитини оширмоқда. Таълим муассасаларига талабалар кўпайиши билан ОТМлар тушумининг ҳамда харажатларнинг ортишига олиб келади. Молиявий мустақиллик берилган ОТМларда молиявий барқарорликни таъминлаш, даромад ва харажатларни оптимал бошқариш, ортиқча харажатларни

⁴³ Абдужалилова Д.А. Молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларининг молиявий натижалари ҳисобини такомиллаштириш//«Илм-фан муаммолари тадқиқотчилар талқинида» мавзусидаги 21-сонли Республика илмий-амалий анжумани тўплами. 2023 йил 10 декабрь - Тошкент 2023 йил. 169 б. 158-162 бетлар.

⁴⁴ Муаллиф томонидан тайёрланди .

олдини олиш ҳамда молиявий таҳлил ишларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўқув йили давомида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар шахсий ғазна ҳисобварақларга келиб тушиши жараёнида даромад сифатида ҳисобда акс эттирилмоқда. Тушган тўлов-контракт суммаларини даромад сифатида тан олингач, талабаларнинг ўз аризаларига кўра, ўқишдан четлатилиши ҳолати мавжуд бўлганда контракт суммасини қайтариш вақтида қайтарилган тўлов-контракт шакли маблағлари даромадларни камайтириш шаклида ҳисобда қайд этилмоқда.

ОТМларда ўқитишнинг тўлов-контракт шакли асосида тузилган шартномада унинг бажарилиш муддатлари, ҳисобини амалга ошириш тартиби, томонларнинг вазифалари, шартнома талаблари бузилганда томонлар учун юзага келадиган ҳуқуқий оқибатлар, низоларни бартараф этиш тартиби ва бошқа муҳим шартлар назарда тутилган бўлиб, ўқитиш мажбурияти ойма-ой бажариб борилиши асносида тушган тушумнинг жорий даврдаги қисми ойма-ой даромад сифатида тан олинши амалиётга жорий этиш лозим.

Олий таълим муассасаларида талабалар билан ҳисоб-китоблар юзасидан даромадларнинг турлари кўп бўлишига қарамасдан даромадлар жамланган ҳолда 520200 (252) – «Ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар» счётида ҳисобга олиб борилмоқда. Ушбу ҳолат талабалар билан ҳисоб-китоблар бўйича даромадларга оид жорий ва оператив бухгалтерия ахборотларини шакллантиришга тўсқинлик қилади ҳамда даромадларнинг турларига оид маълумотларни аниқлашда мураккаб ҳисоб ишларини олиб боришни тақозо этади. Олий таълим муассасаларида талабалар билан ҳисоб-китоблар бўйича тан олинадиган даромадларни ҳар бир тўлов-контракт маблағлари тушуми йўналиши бўйича алоҳида тарзда ҳисобини юритиш. Жумладан: 520200/1 (252/1) – «Тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар», 520200/2 (252/2) – «Оширилган тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар», 520200/3 (252/3) – «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шакли бўйича ҳисобланган

даромадлар», 520200/4 (252/4) – «Фанлардан академик қарздорлик учун ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар» ишчи счётларида ҳисобга олишни амалиётга жорий этиш керак, деб ҳисоблаймиз.

ОТМлар ҳисоб юритиш амалиётида ҳар бир тўлов-контракт маблағлари тушуми йўналиши бўйича алоҳида тарзда ҳисобини юритиш натижасида олий таълим муассасаларида талабалар билан тўлов-контракт шартнома тўловлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, тўлов шартнома асосида таълим олаётган ҳар бир талабанинг таълим олган йиллари давомида ҳар бир тушум йўналиши бўйича тўланган маблағлари, тўлов шартнома мажбуриятининг бажарилиш ҳолатини аниқлаш ва уларнинг бажарилиши юзасидан шаффоф ахборотларни олиш имкониятлари яратилади.

III БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ ТЎЛОВ-КОНТРАКТ ШАКЛИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар ҳисобини такомиллаштириш

Сўнгги беш йилда олий таълим тизимини етакчи хорижий ОТМлар тажрибалари асосида билим бериш методикаларини яратиш, абитуриентларни ОТМга кириш улушини ошириш, ўқитишнинг замонавий, рақамлаштирилган технологияларини яратиш бўйича кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Табиийки, олий таълим тизимида амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар олий таълим муассасаларида айниқса молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларида молиявий фаолиятини барқарорлаштириш, натижада ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобини такомиллаштиришни тақозо этади.

Молиявий мустақиллик берилган ОТМларнинг бошқарув тизими ва бўйсунувига аниқлик киритадиган бўлсак, академик соҳада ҳам, ташкилий бошқарувда ҳам тўлиқ мустақиллик берилган ҳамда давлат маъмурий бошқаруви камайтирилган. Лекин, маблағларнинг сарфланиши юзасидан идоравий бўйсунуви бўйича юқори турувчи вазирликка ҳар чоракда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “UzASBO” бюджет ташкилотларида автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоби дастурий мажмуаси орқали белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этиб борилади.

Молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларида молиявий барқарорликни ушлаб туриш, тўлов-контракт маблағлари даромадларини самарали бошқариш ҳамда мақсадли сарфланишини таъминлашда ҳисобни тўғри юритиш ва назоратини амалга оширишда ҳозирги кунга келиб бир қатор камчиликлар кузатилмоқда. Жумладан, ҳисобдорлик масалаларида ҳисобни тадқиқ этишни ўрни, тўланаётган тўлов-контракт суммасини ўз йўналишлари

бўйича гуруҳланмаётгани, тузилаётган ҳисоб ахборотларини тақдим этишда қатор муаммолар келтириб чиқармоқда. Амалда олий таълим муассасалари бухгалтерия ҳисобини юритишда бу каби масалалар олий таълим муассасалари даромадларини гуруҳлаш асосида мос йўналиш харажатларини амалга ошириш бунинг учун эса, ҳисоб жараёнини ҳамда ҳисоботларни тузиб тақдим этиш тартибини такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Молиявий мустақиллик берилган ОТМларда ҳисоб ишлари бюджет ташкилотлари ҳисоб ишлари билан бир ҳил юритилиб келинмоқда. Юқорида келтириб ўтилганидек, молиявий мустақиллик берилган ОТМлар бюджет тизими бюджетлари таркибига киритилмаса, унда бу турдаги ОТМлар хўжалик юритувчи субъект сифатида ҳисоб ишлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида олиб борилиши ҳам мумкин аслида.

Хозирги кунда молиявий мустақиллик берилган ОТМларнинг ҳисоб ва ҳисобдорлик масалаларини юритиш, молиявий бошқарув ва назоратини таъминлаш бўйича бюджет ташкилотларининг ҳисоб юритиш ишлари каби «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида»ги йўриқнома ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб юритиш ишлари каби «Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари» асосида олиб бориш каби муаммо мавжуд. Ёки иккала ҳисоб юритиш тизимдан керакли жиҳатларини олиб учинчи яъни молиявий мустақиллик берилган ОТМларни ҳисоб юритиш тизимини яратиш йўли билан бу турдаги ОТМларни даромадлар ва харажатларини ҳисоб ишларини такомиллаштириб молиявий барқарорлигини таъминлаш мумкин.

Қолаверса, молиявий мустақиллик берилган ОТМлар бюджетдан ташқари маблағлари консолидациялашган бюджет таркибига киритилмоқда, яъни молиявий мустақиллик берилган ОТМлар ҳисоб ишлари Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “UzASBO” бюджет ташкилотларида автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисоби дастурий мажмуаси орқали амалга оширилиб, ҳар чорақда ҳисоботлари шакллантирилиш натижасида консолидациялашган бюджет ижросига оид ҳисоботларда жамланади. Бу ҳам

ўз навбатида, муамоли вазият молиявий мустақиллик берилган ОТМлар бюджет ташкилоти эмас, бюджетдан маблағ олувчи давлат ташкилоти бўлса, унинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари консолидациялашган бюджет ижросига оид ҳисоботларда жамланиши мақсадга мувофиқ эмас. Бу белгиланган муддатга шакллантирилаётган консолидациялашган бюджет ижросига оид жамланма ҳисоботларда ноаниқликлар келтириб чиқаради. Шу сабабдан, шакллантирилаётган жамланма ҳисоботлар таркибидан молиявий мустақиллик берилган ОТМларни бюджетдан ташқари маблағлари ажратиб кўрсатиш шарт.

Молиявий мустақиллик берилган ОТМларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги йўриқномага асосан юритилмоқда. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларини шакллантиришни ташкил этишни ОТМ раҳбари амалга оширади. Молиявий мустақиллик берилган ОТМнинг асосий ҳисоб объектлари этиб қуйидагиларни белгилашимиз мумкин (3.1.1-расм).



3.1.1-расм. Молиявий мустақиллик берилган ОТМнинг асосий ҳисоб объектлари⁴⁵

Молиявий мустақиллик берилган ОТМларни бухгалтерия ҳисобини юритишда икки ёқлама ёзиш, узлуксиз, хўжалик операциялари, активлар ва

⁴⁵ Муаллиф томонидан тайёрланди.

пассивларнинг пулда баҳоланиши, даромад ва харажатларнинг мувофиқлиги, активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши асосий тамойиллари бўлиб ҳисобланади. Ушбу объектлар активлар ва мажбуриятлар уларнинг таннархи ёки сотиб олинган қийматида тан олинади. Асосий воситалар ҳисобда балансга бошланғич қийматда тан олинади, қайта баҳолангандан сўнг улар қайта баҳолаш қиймати бўйича ҳисобда олиб борилади. Ҳисоб ишлари бухгалтерия ҳисобининг асосий мемориал ордер шаклида олиб борилади. ОТМларда 1, 2, 3, 5, 6, 8, 9, 11, 12, 13, 15, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23 – мемориал ордер шаклларида бухгалтерия ҳисоб ишлари амалга оширилади. 308-сон шаклидаги бош журнал китобида жами ҳисоб юритиладиган мемориал ордерлар ҳар бир субҷёт бўйича рўйхатга олинади.

Молиявий мустақиллик берилган «ОТМларнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлари бўйича даромад ва харажатлар сметаси тузиб тасдиқланади. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг буйруғига асосан тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметасини ҳар йили тузилади ва тасдиқланади. Бунда, тўлов-контракт шакли маблағлар тушумлари ва харажатларини режалаштириш бюджетдан маблағ олувчилар томонидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ белгиланган даромадлар манбаи ва харажатлар йўналишларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади»⁴⁶.

Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли асосида шартнома расмийлаштирилиб, ОТМнинг шахсий ғазна ҳисоб рақамига тўлов амалга оширилганда, тўлов-контракт шакли маблағлари тушумлари ҳисобланади. ОТМнинг тўлов-контракт маблағлари тушумлари қайси муддатда шахсий ғазна ҳисоб варағига келиб тушум амалга оширилса, шу муддатда бухгалтерия ҳисоб ишларида даромадга олиб борилмоқда. Аслида даромад биз хизмат кўрсатиб бўлган муддат учун вужудга келади, яъни биз сентябр ойи охирида талабаларни ўқитиб бўлсак, фақат бир ой сентябр ойи учун даромад

⁴⁶Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи 2014 йил 15 декабрда 2634-сон билан рўйхатдан ўтган.

шаклланиб, тўланган тўлов-контракт суммасининг ойлар кесимидаги бир ойлик улуши даромад деб акс эттирилиши керак. Қолган қисми ҳисобда тушум сифатида қолиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу тарзда тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан тушган тушумларни белгиланган муддатга хизмат кўрсатилгандан сўнг, яъни талабаларга таълим бериб бўлингандан сўнг ойма-ой даромад сифатида тан олиб бориш керак бўлади. Натижада, тузилган шартномалар билан дебитор-кредитор қарздорлик масалалари ҳам йўлга қўйилади. Ўз навбатида тўлов амалга оширилмаган шартнома асосида 153600 «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлари» субсчётининг дебетида дебитор қарздорлик, олдиндан тўлов амалга оширилган шартнома асосида 153600 «Бюджет ташкилотларининг талабалар билан бошқа дебитор қарзлари» субсчётининг кредитида кредитор қарздорлик сифатида шакллантирилиб борилади.

Ҳозирги кунда амалиётда ОТМлар ҳисоб юритиш ишларида тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан тушган тушумлар амалга оширилган муддатда жами маблағ даромадга олиб борилиб қўйилмоқда. Бу эса бухгалтерия дастлабки хужжатларини расмийлаштиришда, ҳисоб ишларини юритишда ва тузиб тақдим этилаётган ҳисоботларида маълум даражадаги камчиликларга йўл қўйилаётганлигини англатади.

Бунинг асосий сабаби этиб, ОТМларнинг тўлов-контракт маблағлари тушумларини даромад сифатида тан олиш мезонларини мавжуд эмаслигини кўрсатиш мақсадга мувофиқ. ОТМларнинг тўлов-контракт маблағлари жами тушумлари ҳеч қачон жами даромад бўла олмайди. Сабаби, бу тушумлар жами даромад бўлиши учун ОТМлар белгиланган муддат учун тўланган тушумни хизматини шу муддатда кўрсатиши зарур бўлиши керак. Бунинг эса, иложи йўқ, яъни олти ой бир ўқув семестри учун тўланган тўлов-контракт маблағини хизматини шу тўлов амалга оширилган муддатнинг ўзида (олти ойлик ўқув режасини бир ойда ўқитишнинг) кўрсатишнинг иложи йўқ. Шу нуқтаи назардан ОТМларнинг тўлов-контракт маблағлари тушумини даромад сифатида тан олиш учун маълум бир мезонларни ишлаб чиқиш зарур.

Молиявий мустақиллик берилган ОТМларни даромадлари таркибини таҳлил этадиган бўлсак, амалиётда фақат битта умумий тушум тўлов-контракт маблағлари бўйича тушум сифатида ҳисоб ишлари юритиб келинмоқда.

Асосий тўлов-контракт маблағлари тушумлари тўлов-контракт шартнома расмийлаштирилиб, белгиланган муддат суммалари шахсий ғазна ҳисоб рақамига тўланиши билан тушум амалга оширилган ҳисобланади. Ўқитиш амалга оширилгандан сўнг белгиланган муддат учун харажат вужудга келади бухгалтерия юритиш тизимида харажат деб акс эттирилиши ва тушумнинг тегишли қисми даромадга олиб борилиши керак. Натижада талабалар билан ОТМ ўртасида дебитор кредитор қарздорликлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам шаклланиб боради. Амалиётда ҳозирги кундаги кўплаб ОТМлар бухгалтерия ҳисобни юритиш тизимида талабалар билан дебитор ва кредитор қарздорликлар юритимаётганини кўришимиз мумкин ёки бир йўла 1 семестрлик ўқитиш хизмати харажатга олиб бориб қўйилмоқда бу ҳам ҳисоб ишларини тузиб тақдим этилаётган ҳисоботларда ноаниқликлар келтириб чиқаради.

Оширилган тўлов-контракт маблағлари тушумлари бу фақат 1 курс талабаларига тааллуқли бўлиб, жорий йилда кириш имтихонларида етарли бал тўплай олмаган талабалар билан 1 курс учун оширилган тўлов-контракт шартномаси расмийлаштирилади. Оширилган тўлов-контракт суммаларини жорий ўқув йили қабул комиссияси қарорига кўра белгиланади. Оширилган тўлов-контракт суммалари шахсий ғазна ҳисоб рақамига келиб тушиши билан жорий ўқув йили учун белгиланган тўлов-контракт суммасидан қолган қисми харажатга олиб борилиб тушумнинг тегишли улуши даромад сифатида акс эттирилиши зарур. Лекин, бу маблағнинг ҳақиқий харажатлари манбааси мавжуд эмас. Қолган асосий тўлов-контракт суммасига тенг маблағ юқорида таъкидлаб ўтилганидек ойма-ой харажатлари ҳисобга киритилиб, даромадга олиб борилиши керак. Натижада оширилган тўлов-контракт суммалари ҳисоби тўғри олиб борилишига эришилади.

Бюджет буюртмасига асосан бюджетдан тушум бу молиявий

мустақиллик берилган ОТМларда давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинган талабалар учун давлат бюджетидан қопланадиган маблағ бўлиб, бу маблағ тўлов-контракт маблағлари ҳаракати юритиладиган шахсий ғазна ҳисоб рақамига ойма-ой келиб тушади. Жорий ой учун ўқитиш амалга оширилгандан сўнг ҳисобда ўқитиш бўйича ҳақиқий харажатлар киритилади ва тан олинади. Ҳақиқий харажат ҳисобда тан олингандан сўнг жорий ой учун амалга оширилган тушум даромад сифатида тан олиниши керак. Молиявий мустақиллик берилган ОТМлар ҳозирги кундаги амалиётдаги бухгалтерия юритиш тизимида бу жараён ҳам нотўғри юритилиб келинмоқда. Ҳисобда тушум бир йўла даромад сифатида тан олинмоқда. Ўқитиш бўйича харажатлар ҳисоби ҳамда дебитор ва кредиторлик қарздорликлари ҳисоби юритилмаётганини кўришимиз мумкин.

Кредит-модул тизимида етарли кредит тўплай олмаган талабаларнинг фанлардан академик қарздорлиги учун тўланадиган тўлов-контракт малағлари бу белгиланган модуллардан тегишли балларни тўплай олмаган талабалар ёзги таътил даврида қайта ўзлаштириб керакли балларни олиши учун амалга ошириладиган тўлов суммалари. Қайта ўқитиш жараёни II-семестрдан кейин амалга оширилади. Қайта ўқитиш амалга оширилиб бўлингандан сўнг қилинган харажат ҳисобга киритилиб қайта ўқитиш ҳақиқий харажат сифатида тан олинади ҳамда тушган тушум ҳам ҳисобда даромадга олиб борилади. Ўз-ўзидан академик қарздорлик яъни қайта ўқитиш бўйича ҳам дебитор ва кредитор қарздорлик шаклланиб боради. Молиявий мустақиллик берилган ОТМларда бу жараён бошланганига ҳали кўп бўлмагани учун, янгилик ҳисобланиб, даромад ва харажатларни тан олишда маълум бир мезонлар мавжуд эмас. Бу эса, бухгалтерия ҳисоб ишларининг юритилиши ва тузилаётган ҳисоботларида ноаниқликлар, камчиликлар мавжуд эканлигидан далолат беради.

Қўшма таълим дастури асосидаги тўлов-контракт маблағлари молиявий мустақиллик берилган ОТМлар тасаруфидаги хорижий ОТМлар билан имзоланган меморандум ва шартномаларга асосан ташкил топган ўқитиш тури

бўлиб, унда белгиланган йўналишдаги ҳар иккала давлат ўқитиш тизими назарда тутилади ва тўрт йил давомидаги бакалаврият дастури шартномадаги келишувга асосан белгиланган муддатлар ҳар икки давлатда ўқитилади. Бунда талабалар билан тузилган шартномага асосан тўлов-контракт маблағлари тушумлари Ўзбекистон ОТМларнинг тўлов-контракт маблағлари ҳаракати юритиладиган шахсий ғазна ҳисоб рақамига ўтказилади. Бу ерда ҳам жорий ой учун ўқитиш харажатлар ҳисобга киритилиб ҳақиқий харажат сифатида тан олинганидан сўнг тушумларнинг тегишли улуши жорий ой учун даромад сифатида акс эттирилиши лозим. Амалиётда эса, бу йўналишда ҳам қатор камчиликлар мавжуд.

Хусусан, хорижий олий таълим муассасасида ўқитиладиган муддат учун ҳам тўлов-контракт маблағлари тушуми Ўзбекистон ОТМларига тўланади. Шартномадаги келишувга асосан бу маблағлар хорижий ОТМ ҳисоб рақамига белгиланган хорижий валютада ўтказиб берилиши зарур. Хорижий давлатда ўқитиш муддати охирига етиб, ўқитиш тўлиқ амалга оширилганидан сўнг, хорижий ОТМ билан ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, ўтказилган маблағ ҳақиқий харажат сифатида акс эттирилиши зарур. Ҳозирги кунда амалаётда қўшма таълим дастури асосида ўқитишнинг ҳисоб юритиш масалаларида ҳам камчиликлар мавжуд бўлиб, ўтказилган маблағ учун ҳисоб-фактура расмийлаштирилмаётганини кузатишимиз мумкин. Бу ҳам ўз навбатида ҳисоб ишларида ва тузилаётган ҳисоботларда ноаниқликлар мавжудлигини англатади.

Бошқа ҳолларда ОТМ ихтиёрида қолдириладиган тўлов-контракт маблағлари бунга биринчи навбатда молиявий мустақиллик берилган ОТМларда бюджет буюртмаси асосида келиб тушган тўлов-контракт маблағларининг бухгалтерия ҳисоб юритиш тизимида ҳақиқий харажатга олиб борилмаган қисми, яъни тежаб қолинган маблағни киритишимиз мумкин. Аслида бюджет маблағларининг тежаб қолинган қисми йил охирида давлат бюджетига қайтарилиши керак. Молиявий мустақиллик берилган ОТМларнинг бухгалтерия ҳисобида давлат буюртмаси асосида тузилган

шартномага мувофиқ давлат бюджети маблағлари ОТМнинг тўлов-контракт маблағлари ҳаракати юритиладиган шахсий ғазна ҳисоб рақамига келиб тушади ҳамда йил охирида бу маблағлардан тежаб қолинган қисми молиявий мустақиллик берилган ОТМ ихтиёрида қолдирилади.

Иккинчи ўринда бошқа ҳолларда ОТМ ихтиёрида қолдириладиган маблағлар қаторига қўшма таълим дастури асосида тўлов-контракт шахсий ғазна ҳисоб рақамига келиб тушадиган тушумларни маълум бир қисмини келтириб ўтишимиз мумкин. Хорижий ОТМ билан тузилган келишувга асосан талабалар белгиланган муддатда таълим олишни хорижий ОТМда давом эттириши керак. Ўз-ўзидан ўқитиш учун тушган тушумнинг белгиланган қисми хорижий ОТМга ўтказилиб берилиши лозим. Баъзида сиёсий, иқтисодий, кўзда тутилмаган сабабларга кўра хорижда ўқитиш белгиланган муддатларда хорижга бормасдан туриб Ўзбекистон ОТМларида хорижий мутахассислар томонидан масофадан ўқитилишига тўғри келиши мумкин. Натижада келишувдаги хорижий ОТМга ўтказилиши белгиланган маблағ миқдори камайтирилган ҳолларда тушган тушумнинг қолдиқ қисми ОТМ ихтиёрида қолдирилиши мумкин.

Бошқа ҳолларда ОТМ ихтиёрида қолдириладиган юқоридаги каби тўлов-контракт малағлари ҳисобда салмоқли ўрин эгалламайди, бироқ улар ҳисоби бўйича ҳам бухгалтерия ҳисоб ишларини юритиб, ҳисоботларда акс эттириш зарур бўлади. Ҳозирги кунда молиявий мустақиллик берилган ОТМлар ҳисоб юритиш амалиётида бу жиҳатларга деярли аҳамият қаратилмай қолмоқда.

Ушбу тўлов-контракт маблағлари таркибидаги даромад турларини республикамізда фаолият юритаётган молиялаштириш манбасига кўра бўлинадиган бир нечта олий таълим муассасаларига қанчалик таълуқли эканини таҳлил этамиз (3.1.1-жадвал).

3.1.1-жадвал

ОТМларнинг тўлов-контракт маблағлари таркибидаги даромад турлари⁴⁷

№	Даромад турлари	ОТМларнинг молиялаштириш манбаларига кўра бўлиниши			
		Молиявий мустақиллик берилмаган ОТМлар	Молиявий мустақиллик берилган ОТМлар	Хорижий ОТМларнинг филиаллари	Хусусий ОТМлар
1	Асосий тўлов-контракт маблағлари	+	+	+	+
2	Оширилган тўлов-контракт маблағлари	+	+	+	-
3	Бюджет буюртмасига асосан бюджетдан тушум	-	+	-	-
4	Академик қарздорлик учун тўланадиган маблағлар	-	+	-	+
5	Қўшма таълим дастури асосидаги тўлов-контракт маблағлари	+	+	-	-
	Бошқа ҳолларда ОТМ ихтиёрида қолдириладиган тўлов-контракт маблағлари.	-	+	-	-

Юқоридаги 3.1.1-жадвалдан кўриниб турибдики, тўлов-контракт маблағлари таркибидаги даромад турларининг барчаси фақатгина молиявий мустақиллик берилган ОТМларга талукли эканини кўришимиз мумкин. Молиявий мустақиллик берилмаган ОТМлар тўлов-контракт маблағлари таркиби эса, уч турга яъни, асосий тўлов-контракт маблағлари, оширилган тўлов-контракт маблағлари ва қўшма таълим дастури асосидаги тўлов-контракт маблағларига таълуқли, деб айта оламиз. Республикамизда фаолият олиб бораётган хорижий ОТМларнинг филиаллари учун эса тўлов-контракт маблағлари таркибини фақатгина икки турига таълуқли асосий тўлов-контракт маблағлари ҳамда оширилган тўлов-контракт маблағлари. Хусусий ОТМларга эса, тўлов-контракт маблағлари таркиби асосий тўлов-контракт маблағлари ҳамда академик қарздорлиги учун тўланадиган маблағлар таълуқли эканини кўришимиз мумкин (3.1.2.-жадвал).

⁴⁷ Муаллиф томонидан тайёрланди.

3.1.2-жадвал

ОТМлардаги тўлов-контракт таркибидаги даромад турлари ҳисобининг амалдаги ҳолати⁴⁸

№	Даромад турлари	ОТМларда ҳисоб юритиш ҳолати			
		Смета тузиш	Смета ижроси	Ҳисоби	Ҳисоботи
1	Асосий тўлов-контракт маблағлари	+	+	+	+
2	Оширилган тўлов-контракт маблағлари	+	+	+	-
3	Бюджет буюртмасига асосан бюджетдан тушум	-	+	-	-
4	Академик қарздорлик учун тўланадиган маблағлар	-	+	-	+
5	Қўшма таълим дастури асосидаги тўлов-контракт маблағлари	+	+	-	-
6	Бошқа ҳолларда ОТМ ихтиёрида қолдириладиган тўлов-контракт маблағлари.	-	+	-	-

ОТМларнинг тўлов-контракт маблағлари харажатлари таркибини кўриб чиқадиган бўлсак, ҳар молия йили бошланишида ОТМлар тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича жорий йил учун даромадлар ва харажатлар сметасини шакллантиради ҳамда «UzASBO» дастурий мажмуаси орқали юқори турувчи вазирлик ва идорадан рўйхатдан ўтказилади. Сметанинг даромадлар қисмида юқорида келтириб ўтилган даромад турлари бўйича йиллик режалаштирилаётган даромадлар кўрсатиб ўтилиши зарур. Режалаштирилаётган даромадлар доирасидан келиб чиқган ҳолда, йиллик харажатлар тақсимооти шакллантирилади. Шахсий ғазна ҳисоб рақамларидаги тўлов-контракт маблағлари харажатларнинг акс эттирилиши иқтисодий тасниф асосида амалга оширилади ва ҳисобга олинади. Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлари билан боғлиқ жами харажатлар ҳисобда иқтисодий тасниф, харажат моддалари бўйича тўрт гуруҳга ажратилиб акс эттирилади ҳамда ижроси ҳақидаги бухгалтерия ҳисоботлари шакллари бўйича ахборотлар шакллантирилади.

Харажатларнинг асосини I-гуруҳ харажатлари «Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар» ташкил этади. Бу гуруҳга тўлов-контракт шакли

⁴⁸ Муаллиф томонидан тайёрланди.

маблағлари бўйича тасдиқланган штат жадвалига асосан асосий иш ҳақи, иш ҳақиға устама ва қўшимча тўловлар, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, стипендиялар киради. Бу гуруҳ харажати бўйича ҳар ойнинг охирида ҳисобланган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича харажатлар вужудга келади бухгалтерия ҳисоб юритиш тизимида ҳақиқий харажат сифатида акс эттирилади.

II-гуруҳ «Иш ҳақиға қўшимчалар» бу гуруҳда ягона ижтимоий солиқ ҳисоби юритилиб, ҳамда I-гуруҳ харажатларига бевосита боғлиқ норматив ҳужжатларга асосан 25 фоиз этиб белгиланган. Лекин, молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ижтимоий солиқ ставкаси миқдори 12 фоиз этиб белгилаб қўйилди. II-гуруҳ харажатлари I-гуруҳ ҳақиқий харажатлари таркибидан келиб чиқиб ҳар ойда харажат сифатида ҳисобланади ва бухгалтерия ҳисобида ҳақиқий харажат сифатида тан олинади. I-II-гуруҳ харажатлари ҳар ойда ой якуни билан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, стипендиялар ҳисобланганда бу харажат гуруҳлари бўйича ҳисобда ҳақиқий харажатлар акс этирилади. I-ва II-гуруҳ харажатларини асосий бошланғич ҳужжатлари сифатида тасдиқланган штат жадвали ва смета ҳужжатлари асосида шакллантирилган буйруқлар, табеллар, касаллик варақалари бухгалтерия ҳисоб тизимида расмийлаштириш орқали амалга оширилади. Ҳисобланган I ва II гуруҳ харажатлари 2-сон шакл ва бюджетдан ташқари маблағлар тўғрисидаги ҳисоботлар таркибидаги тўлов-контракт маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларда шакллантирилади.

III-гуруҳ «Капитал қўйилмалар» харажатлари гуруҳига йил бошида тасдиқланган смета ҳужжатиға асосан III-гуруҳ харажатларига ажратилган маблағ бўйича асосий воситаларни лойиҳалаштириш, бино, иншоат, асосий воситаларни қуриш ва реконструкция қилиш ва улар билан боғлиқ бошқа харажатлар киради. Бу гуруҳ бўйича харажатлар «Буюртмачи» ҳамда «Ижрочи» томонлари ўртасида тузилган шартномаларға асосан амалга оширилади. Шартномаға асосан белгиланган мажбуриятлар бажарилганидан сўнг топшириш-қабул қилиш комиссия аъзолари томонида ишлар тўлиқ қабул қилиб

олингач, ҳисоб-фактура «invoice.uzasbo» электрон тизими орқали қабул қилинган ҳисоб-фактуралар бухгалтерияда ҳисобга олиниб, қурилган бинолар асосий восита сифатида қабул қилинганч III-гуруҳ харажатлар моддаларида ҳақиқий харажат сифатида акс эттирилади.

IV-гуруҳ «Бошқа харажатлар» бу гуруҳда юқоридаги уч гуруҳга киритилмайдиган барча харажатлар ҳисоби юритилади. Жумладан, республика ҳудудида ва чет давлатларга чиқиш билан боғлиқ хизмат сафари харажатлари, коммунал хизматлари харажатлари, асосий воситалар ҳамда товар моддий бойликлар, ёқилғи мойлаш маҳсулотлари харид қилиш, барча турдаги хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар ҳисоб-китоби амалга оширилади. Бу гуруҳ харажатлари ҳам йил бошида тасдиқланган смета хужжатлари асосида барча харажат моддалари бўйича ажратилган маблағлар доирасида олиб борилади. Бу гуруҳ харажатларининг расмийлаштириш бошланғич бухгалтерия хужжатлари шартнома, ишончнома, ҳисоб-фактура «UzASBO» дастурий мажмуи орқали ғазначилик бўлинмаларига маълумот тақдим этилади ҳамда тасдиқдан ўтказилади.

Молиявий мустақиллик берилган ОТМларнинг асосий хизмат кўрсатиш йўналиши ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича амалга ошириладиган ҳақиқий харажатлар юқоридаги тўрт гуруҳ ҳақиқий харажатларини ҳар ойда ҳисобга олиб бориб, тузилган шартномага асосан тушган тушумлар юқоридаги харажатларни назарда тутган ҳолда ойма-ой харажатга олиб борилиб, қолган қисми кейини ойда тушум сифатида бухгалтерияда ҳисоби юритилиши керак. Ҳозирги кунда ОТМлар олиб бораётган ҳисоб юритиш амалиётида бунга аҳамият қаратилмаётганини кўришимиз мумкин. Бу эса ҳисобда, тузиб тақдим этилаётган ҳисоботларда ноаниқликлар келтириб чиқаради.

Молиявий мустақиллик берилган ОТМлар бухгалтерия ҳисоб юритиш тизимида йил давомидаги барча харажатларни юқорида келтириб ўтилган даромад турлари бўйича алоҳида юритиш мақсадга мувофиқ. Бунда биринчи навбатда ҳар бир даромад турлари бўйича алоҳида даромадлар ва харажатлар

маълумотларини шакллантириш зарур. Бухгалтерия ҳисобида барча даромад турлари бўйича тушумлар ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисоби ҳаракати олиб бориладиган битта шахсий ғазна ҳисоб рақамида тушурилиб, тегишли даромадлар ва харажатлар ҳисоби юритиладиган бухгалтерия субсчётларида ҳар бир даромад тури бўйича тузиб тасдиқланган смета асосида алоҳида юритиш йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Натижада, ҳар бир даромад кесимидаги даромадлар ва харажатларни алоҳида ҳисоби юритилиб тузиб тақдим этилаётган маълумотлар ва ҳисоботларда ҳам аниқликларга эришилади.

ОТМларда ўқитишнинг тўлов-контракт шакли асосий молиялаштириш манбаларидан бири ҳисоблансада, тўлов-контракт маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағида тушумлар ҳисоби жамланган ҳолда олиб борилмоқда. Бу эса, тўлов-контракт шаклига оид тушумларнинг турлари бўйича таҳлилий бухгалтерия ахборотларини шакллантириш имконини бермайди. Қолаверса, ОТМларда тўлов-контракт маблағларидан амалга оширилаётган харажатлар ҳисоби 730000 (251) – «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» счётида жамланган ҳолда олиб борилмоқда. Бу эса, тўлов-контракт шаклига оид вужудга келадиган харажатларнинг турлари бўйича жорий бухгалтерия ахборотларини олиш имкони мавжуд эмас. Молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларида олиб борилаётган ҳисоб юритиш тизимини такомиллаштириш учун ушбу ишларни бажариш лозим деб биламиз. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағидаги тушумларни;

102409/1 (111/1) – «Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган пул маблағлари»,

102409/2 (111/2) – «Оширилган тўлов-контракт шаклидан тушган пул маблағлари»,

102409/3 (111/3) – «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт маблағлари бўйича тушган пул маблағлари»,

102409/4 (111/4) – «Талабаларнинг фанлардан академик қарздорлик бўйича тўловларидан тушган пул маблағлари» ишчи счётларда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Натижада олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағидаги пул маблағларининг турлари тўғрисидаги жорий бухгалтерия ахборотларини шакллантириш ва таҳлил қилиш ҳамда пул маблағларини тўғри тақсимлаш ҳамда самарали бошқариш учун қарорлар қабул қилишда ишончли ахборотлар билан таъминлашга хизмат қилади.

«Олий таълим муассасаларида талабалар билан ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар бўйича амалга ошириладиган ҳақиқий харажатларни:

730000/1 (251/1) – «Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»;

730000/2 (251/2) – «Оширилган тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»;

730000/3 (251/3) – «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»;

730000/4 (251/4) – «Фанлардан академик қарздорлик бўйича тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» ишчи счётларида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Натижада олий таълим муассасаларида талабалар билан ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар бўйича амалга ошириладиган ҳақиқий харажатларни турлари бўйича ҳисобга олиб бориш орқали харажатларнинг турлари тўғрисидаги жорий бухгалтерия ахборотларини шакллантириш, харажатларни даврий таҳлил қилиш, харажатлар билан боғлиқ молиявий мажбуриятларни аниқлаш ва пул маблағларига бўлган эҳтиёжларни прогноз қилиш, белгиланган харажатларнинг ижросини тўғри амалга оширишга хизмат қилади»⁴⁹.

⁴⁹ Абдужалилова Д.А. Олий таълим муассасаларида тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича харажатлар ва улар ҳисобининг амалдаги ҳолати.//«Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт» ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, илмий, оммабон журнали. - Тошкент, октябрь 2023. №10-сон. 211-215 б.

3.2. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш

Ҳозирда ОТМлар молиявий таъминотининг асосий қисми бюджетдан ташқари маблағлар яъни, тўлов-контракт маблағлари ташкил этмоқда. Хусусан бизнес ва бошқарув йўналишларида 95-98 фоизгача молиявий таъминот ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағларига тўғри келмоқда. Олиб борилган тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, сўнгги беш йилда олий таълим тизимини молиялаштириш жараёнида аста-секинлик билан бозор механизмлари жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши олий таълимни ривожлантиришнинг янги босқичи бошланганлигининг далолатидир. Таҳлилларимизга кўра нодавлат ва хорижий ОТМларнинг филиаллари очилиши, кўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш тизимининг йўлга қўйилиб, тобора кенгайиб бориши олий таълим муассасалари ўртасида эркин рақобатнинг вужудга келишига замин яратмоқда. Биргина 2023 йилнинг ўзида республикамызда жами 39 та янги олий таълим муассасалари ташкил этилган бўлиб, жумладан 9 та давлат, 29 та нодавлат ҳамда 1 та хорижий олий таълим муассасалари ҳисобланади.

Ҳисобда касса ва ҳақиқий харажатлар тушунчаси мавжуд. Касса харажатлари - бюджет ташкилотлари ёки бюджетдан маблағ олувчиларнинг тасдиқланган сметалари бўйича тўловларни бюджетдан ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида амалга оширишдир. Ҳақиқий харажатлар – бюджет ташкилотнинг қабул қилинган юридик мажбуриятлари ва молиявий мажбурият суммалари, яъни ҳисобланган ва мажбурият деб тан олинган харажатлардир.

Бюджет тизими ҳисоб-китобларини юритишни автоматлаштирилган тизими «UzASBO» дастурий мажмуалари воситасида бюджет тизими мутахассислари барча бюджет ҳисоби операцияларини электрон тарзда юритадилар ва электрон рақамли имзо орқали ҳудудий ғазначилик бўлинмаларига юборилади. «UzASBO» иш ҳақи - дастурий мажмуасида бюджет тизими бюджетларининг иш ҳақи,

стипендия ҳисоб-китоби олиб борилади. Бунда иш ҳақи ва стипендияга тегишли бўлган барча операциялар тўлиқ киритилиб, ҳар бир счётларга белгиланган харажатлар моддалари бириктириб чиқилади. Натижада, ҳисобланган иш ҳақи ва стипендияларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари ҳисобрақамлар бўйича сўровномалар шакллантирилиб, электрон рақамли имзо орқали ҳудудий ғазначилик бўлимларига юборилади ва инсон омили аралашмаган ҳолда жўнатилган ахборотлар текширилади ва киритилган маълумотлар бир-бирига мос келган тақдирда автоматик тарзда тасдиқланади (3.2.1-жадвал).

3.2.1-жадвал

**2022-2023 ўқув йилида молиявий мустақиллик берилган давлат ОТМда
бир нафар талабани ўқитиш учун тўғри келадиган ўртача харажат
микдоридан келиб чиқиб давлат томонидан молиялаштириш
харажатлари⁵⁰ (минг сўм)**

Таълим соҳалари ва йўналишлари (мутахассисликлари) номи	Бакалавриат							
	Бир нафар ўқитувчи ҳисобига тўғри келадиган талабалар сони нисбати	Профессор-ўқитувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи	Профессор-ўқитувчи-лар йиллик иш ҳақи фонди ажратмаси билан	Профессор-ўқитувчилар йиллик соатбай фонди ажратмаси билан (4%)	Моддий рағбатл-антириш жамғармаси ажратмаси билан (15%)	Бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг йиллик иш ҳақи фонди ажратмаси билан (20%)	Сақлаш билан боғлиқ бошқа жорий харажат-лар (10%)	Жами харажат-лар
Молия банк тизимида ахборот тизимлари ва технологиялари	16	341	4584.2	183.3	687.6	1091.0	545.5	7091.9
Бизнес-тахсил	16	439	5901,2	236.0	885.1	1404.4	702.2	9129.9
Банк иши аудит	16	471,8	6340,8	253.6	951.1	1509.1	754.5	9809.2

⁵⁰ОТМ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, давлат буюртмаси асосида икки томонлама тузилган битимга асосан 1 нафар талаба учун йиллик сарфланадиган ўртача миқдордаги харажатлар давлат бюджети маблағларидан молиялаштириш миқдори келтириб ўтилган. Бир нафар талабанинг бир йиллик ўртача ўқитиш харажатларининг асосини профессор ўқитувчиларга тўланадиган ўртача бир йиллик хизмат ҳақи ва ЯИС харажатларидан келиб чиқиб ҳисобланмоқда. Бир йиллик хизмат ҳақи ва ЯИС харажатларидан ташқари, йиллик иш ҳақи фондидан 4 фоиз профессор-ўқитувчиларга тўланадиган соатбай иш ҳақи ҳамда 15 фоиз рағбатлантириш суммалари ҳам ҳисобга олинмоқда. Бундан ташқари йиллик иш ҳақи фондидан 20 маъмурий, техник хизматчилар ҳамда бошқа ходимларга хизмат ҳақи тўлаш ва рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлари ва ЯИСни ўз ичига олувчи бир нафар талабани ўқитиш учун жорий харажатларни ҳамда 10 фоиз молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасасини сақлаб туриш билан боғлиқ тўртинчи гуруҳ харажатлари ҳамда асосий воситалар, товар моддий заҳираларни сотиб олиш ва капитал таъмирлаш учун ажратиладиган харажатлар кўзда тутилган.

Тўлов-контракт шартномасини тузишга асос Давлат комиссиясининг қарори ҳисобланади. Молиявий мустақиллик берилган «Давлат олий таълим муассасасида тўлов - контракт асосида ўқитишнинг тўлов суммасини белгилаш бир талабани ўқитиш харажатлари суммасидан ҳисобланади. Унда қуйидаги асосий мезонлар инобатга олиниб белгиланади.

Молиявий натижа - бу ташкилотнинг иқтисодий фаолияти, унинг активларининг кўпайиши ёки камайиши. Молиявий натижа тегишли давр учун амалга оширилган харажатлар ва даромадларни солиштириш орқали аниқланади. Молиявий натижаларни аниқловчи асосий иқтисодий параметрлар фойда ва зарардир. Молиявий натижалар ҳисоботи ОТМларнинг жорий молия йилининг натижалари асносида молиявий фаолиятининг якуни, яъни ОТМлардаги ҳар бир даромад турлари бўйича амалга оширилган харажатлар билан таққослаш натижаси бўйича ахборотларни жамлаш ва

таҳлилларни амалга ошириш учун шакллантирилади. ОТМларнинг даромадлари бу активларининг соф қийматини ошишига сабаб бўлувчи ОТМ активларининг кўпайиши ёки унинг мажбуриятларини камайишидир. ОТМларнинг харажатлари бу активнинг соф қийматини камайишига сабаб бўлувчи ташкилот активларининг камайиши ёки унинг мажбуриятларини ошишидир (3.2.1-расм).



3.2.1-расм. Молиявий натижани аниқлаш йўналиши⁵¹

Таълим муассасаларида ўқитишнинг «Тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижалар 983000 (282) «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижалар» счётида ҳисоб ишлари амалга оширилади. Бу счёт 520200 (252) «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар» счёти билан 730000 (251) «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» счётини таққослаш ҳисобига молия йилини қандай молиявий кўрсаткич билан якунланганлиги акс эттирилади. 983000 (282) «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижалар» счётининг йил охиридаги кредитор қолдиғи ижобий молиявий натижани, аксинча йил охиридаги дебитор қолдиғи манфий молиявий натижани англатади»⁵².

⁵¹ Муаллиф томонидан тайёрланди..

⁵² Abdujalilova D.A. Moliyaviy mustaqillik berilgan davlat oliy ta'lim muassasalarining moliyaviy natijalari hisobini takomillashtirish// «Ilm-fan muammolari tadqiqotchilar talqinida» mavzusidagi 21-sonli raspublika ilmiy-amaliy konferensiya

ОТМларнинг ҳозирда амалдаги тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан шакллантирилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳолатини таҳлил этадиган бўлсак, юқорида келтириб ўтилган тўлов-контракт маблағларининг барча даромад турлари бўйича умумлаштирилган ҳолда молиявий натижалар ҳисоби молия йили учун шакллантирилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳисоб юритиш тизимида тўлов-контракт маблағларининг барча даромад турлари кесимида молиявий натижаларни аниқлашнинг имконини чеклайди.

Бу ўз-ўзидан олиб борилаётган молиявий натижалар ҳисобини ноаниқ юритилаётганлигидан далолат беради. Такдим этилаётган молиявий натижалар ҳисоби тўғрисидаги ахборот маълумотларни аналитик ҳисоби бор, лекин синтетик таҳлил этиш имкони мавжуд эмас. Бу эса ўз навбатида молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасалари кузатув кенгашларига такдим этилаётган ахборот маълумотларида тўлов-контракт маблағларининг барча даромад турлари кесимида аниқланмаган молиявий натижалар, молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларининг келгусидаги тасдиқланадиган стратегик ривожлантириш дастури ва бизнес режасини ноаниқ яъни баъзи бир тафовутлар билан шакллантирилишига олиб келади.

Бундан ташқари ОТМларда молиявий натижалар ҳисобини таҳлил этиш натижасида шуни таъкидлаш жоизки, олиб борилаётган молиявий натижалар ҳисоби ва тузиб такдим этилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар ҳам тегишли молия йили учун, яъни 1 январдан 31 декабргача шакллантирилиб келинмоқда. ОТМларнинг асосий фаолияти ўқитиш бўлиб, бу жараён ўқув йили давомида 1 сентябрдан 30 июнгача бўлган муддатда амалага оширилади. Ўз-ўзидан молиявий натижалар ҳисобини ҳамда тузиб такдим этилаётган ҳисоботини ўқув йили 1 сентябрдан 30 июнгача бўлган


materiallari to'plami 10-dekabr, 2023-yil. Toshkent. 169 б. 158-162 бетлар. Абдужалилова Д.А. Молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларининг молиявий натижалари ҳисобини такомиллаштириш//«Илм-фан муаммолари тадқиқотчилар талқинида» мавзусидаги 21-сонли республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами 10-декабр, 2023-йил. Тошкент.

муддатда шакллантирилмаётгани такдим этилаётган ҳисоботлар ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ахборот маълумотларида қатор ноаниқликлар келтириб чиқаради. Жумладан, талабалардан ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари учун тўлов икки ёки уч томонлама тузиб, тасдиқланган шартнома асосида амалга оширилади. Бу шартнома эса табиийки ҳар ўқув йили учун тузиб тасдиқланади шартнома талабларидан келиб чиқган ҳолда ўз-ўзидан тўловлар ҳам ўқув йили учун икки ёки тўрт қисмга бўлиб амалга ошириб келинмоқда. Шундай экан, тўлов-контракт маблағларининг молиявий натижалари ҳисоби жорий молия йили учун шакллантирилиши ҳамда ҳисоботларни ҳам шу муддатга тузиб топширилиши бухгалтерия ҳисоб ишларида бироз чалкашликларга олиб келиши мумкин.

1 январдан 31 декабргача бўлган муддатни ўз ичига олган молия йили билан 1 сентябрдан 30 июнгача бўлган муддатни ўз ичига олган ўқув йили ўртасидаги тафовут нафақат молиявий натижалар балки, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан тузиб тасдиқланаётган даромадлар ва харажатлар сметаси, ушбу сметанинг амалга оширилиши ёки бошқача қилиб айтганда унинг ижроси, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган тушумларни ҳисобга олиш, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган ҳақиқий ҳамда касса харажатларини амалга ошириш, тўлов-контракт маблағлари ҳисобидан шаклланган даромадларни ҳисобда акс эттириш каби ҳисоб юритиш жараёнларига ҳам таълуқлидир. Молиявий мустақиллик берилган ОТМларнинг кузатув кенгаши аъзоларига такдим этилаётган бухгалтерия маълумотларининг негизини молия йили учун амалга оширилаётган ҳисоб жараёнларининг натижалари ташкил этмоқда. Кузатув кенгашининг келгусидаги молиявий қарорлари ҳам ушбу маълумотлар асосида қабул қилинмоқда. Бу эса қабул қилинаётган кузатув кенгаши қарорларини ижросини паст кўрсаткичда таъминланишига олиб келади.

Молиявий мустақиллик берилган ОТМларнинг кузатув кенгашларига бежизга қатор асосий ваколатлар берилмаган, сабаби ОТМларнинг белгиланган муддатларга стратегик ривожлантириш йўл хариталарини ишлаб чиқиш, унинг

ижро назоратини олиб бориш, ОТМларнинг ўрта муддат учун шакллантириладиган бизнес-режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш, уларнинг ижросини муҳокама қилиш каби муҳим вазифаларни амалга оширишда аниқ молиявий ҳисоб маълумотларига таянган ҳолда иш олиб бориш мақсадга мувофиқ. Натижада ушбу қабул қилинаётган кузатув кенгаши қарорлари келгусида молиявий мустақиллик берилган ОТМларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши зарур (3.2.2-расм).




3.2.2-расм. Молиявий мустақиллик берилган ОТМларда тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижаларни амалдаги ҳисобини схематик кўриниши⁵³

ОТМларда ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича молиявий натижалар ҳисобини ҳамда тузиб тақдим этилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларни такомиллаштириш юзасидан олиб борилган қатор таҳлил ишлари натижаларида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди.

Олий таълим муассасаларида ўқув йили давомидаги молиявий-хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда ички бошқарув мақсадларида талабалар билан ҳисоб-китобларнинг турлари бўйича молиявий натижаларни

⁵³Муаллиф томонидан тайёрланди

алоҳида аниқлаш таклиф этилган (3.2.3.-расм).



3.2.3-расм. Молиявий натижаларни талабалар билан ҳисоб-китобларнинг турлари бўйича аниқлаш йўналишлари⁵⁴


Натижада, олий таълим муассасаларида ўқув йили давомида талабалар билан ҳисоб-китобларнинг турлари бўйича молиявий натижаларни даврий аниқлаб бориш ўқув йили учун тасдиқланадиган стратегик ривожлантириш дастури ва бизнес режасини аниқ ҳамда ишончли маълумотларга асосланган ҳолда шакллантириш ҳамда ижросини таъминлаш молиявий фаолиятга алоқадор самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларида талабалар билан ҳисоб-китобларнинг турлари бўйича даромадлар ва харажатлар асосида молиявий натижаларни:

983000/1(282/1) – «Ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижа», 983000/2 (282/2) – «Опирилган тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижа», 983000/3 (282/3) – «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижа», 983000/4 (282/4) – «Фанлардан академик қарздорлик учун ундириладиган тўловлар бўйича молиявий натижа» ишчи счётларда ҳисобга олиш таклиф этилган.

⁵⁴ Муаллиф томонидан тайёрланди.

Натижада, олий таълим муассасаларида талабалар билан ҳисоб-китобларнинг турлари бўйича ҳисобот даври давомида олинган даромадлар ва амалга оширилган ҳақиқий харажатлар асосида молиявий натижаларни аниқлаш имконияти яратилади ҳамда уларга оид алоҳида турдаги аниқ ҳамда ишончли таҳлилий маълумотларни шакллантиришга хизмат қилади (3.2.4.-расм).



3.2.4-расм. Молиявий мустақиллик берилган ОТМларда тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижалар ҳисобини юритиш учун таклиф этилаётган ишчи счётлар⁵⁵

Молиявий мустақиллик берилган ОТМларда ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобидан шакллантирилаётган молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш бўйича берилаётган юқоридаги таклифнинг жорий этилиши натижасида молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасасининг узоқ ва ўрта муддатли стратегик ва молиявий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда, молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган мақсадли дастурларни белгилаш ва унинг амалга

⁵⁵Муаллиф томонидан тайёрланди.

оширилиши устидан назорат қилишда, ОТМнинг ўқув йили учун тузиб тасдиқланаётган бизнес-режаси, шакллантирилаётган даромадлар ва харажатлар ҳамда уларнинг ижросини таъминлашда, таълим турлари, мутахассисликлар, ихтисосликлар йўналишида тўлов-контракт шакли асосида ўқишга қабул квоталарини белгилашда, ОТМларнинг ички аудит ва молиявий назорат тадбирлари тўғри ташкил этишда, ОТМни ривожлантириш ва унинг молиявий барқарорлиги билан алоқадор масалаларни тўғри ҳал этиш, ОТМнинг тўлов-контракт маблағларидан самарали фойдаланишда, шу жумладан ҳар бир тушум тури бўйича белгиланган ўқув йили учун алоҳида тарзда молиявий натижаларни ҳисоблаб чиқиб объектив маълумотлар шакллантиришда юқори самарадорликларга эришилади.

Молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасалари ўзини-ўзи молиялаштириш тизимига ўтиб, ОТМнинг сақлаб туриш харажатлари учун бюджетдан молиялаштириш тартиби тугатилар экан, ОТМнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, молиявий фаолиятини самарали бошқариш, келгусида амалга ошириладиган даромадларини тўғри шакллантириш, амалга ошириладиган харажатларни мақбуллаштириш ҳамда пировард натижада молиявий натижаларни тўғри аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўз-ўзидан маълумки, бунда асосий улуш деярли ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобига тўғри келади. Молиявий натижаларни белгиланган ўқув йили учун тўғри ҳамда юқорида келтириб ўтилган тушум турлари бўйича алоҳида тарзда аниқланиши, тегишли тушум тури бўйича аниқланган салбий молиявий натижани яққол кўриш имконини беради. Бу эса келажакда ушбу тушум тури бўйича даромадларини кенгайтириш ёки харажатларини қисқартиришга қаратилган чора тадбирларни амалга ошириб молиявий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Амалиётдаги барча тушумларни жамланган ҳолда молиявий натижани ҳисобга олиб бориш жараёнида эса бу умумий ҳисобланаётган молиявий натижани ичида ҳисобланиб келаверади ва бир турдаги тушум ҳисобидан аниқланаётган салбий молиявий натижани бошқа турдаги тушум ҳисобидан аниқланаётган ижобий молиявий натижа ҳисобидан

ёпиб қопланиб кетаверади. Бу эса тузилиб тақдим этилаётган ҳисоб маълумотларида ноаниқликлар келтириб чиқаради.

Шу жараёни такомиллаштириш йўлларида бири молиявий мустақиллик берилган ОТМларда ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағларини белгиланган ўқув йили учун ажратилган ҳолда ҳар бир тушум тури кесимида алоҳида ҳисобга олиб бориб молиявий натижани аниқлашдир.

3.3. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг ахборот имкониятларини ошириш йўллари

Бугунги кунда барча ташкилотлар каби олий таълим муассасалари фаолиятида ҳам молиявий барқарорликни таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки таълим муассасасининг молиявий барқарорлиги ўз навбатида янги имкониятларни очишга, моддий-техника базаси, профессор-ўқитувчиларни моддий рағбатлаштиришга, бир сўз билан айтганда таълим муассасасида янги имкониятларнинг йўлга қўйилишига ижобий таъсир кўрсатади. Олий таълим муассасаларидаги тўлов-контракт маблағлари тўғрисидаги молиявий ҳисоботларнинг ахборот манбаларини ушбу маблағлардан фойдаланишни таҳлил қилиш ва молиялаштириш самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Ушбу ҳисоботларда тўлов-контракт маблағларнинг даромадлари ва харажатлари, уларнинг манбалари, фойдаланиш мақсадлари, самарадорлиги ҳамда белгиланган мақсадларга эришиш учун ахборотлар шакллантирилади. Бюджетдан ташқари маблағлар бўйича яъни асосан тўлов - контракт маблағлари бўйича молиявий ҳисоботлар тушумлар миқдори, белгиланган режа натижалари, кутилаётган ва эришиладиган мақсадлар, жами харажатлар, даромад манбалари ва зарур ресурслар ҳақидаги ахборотларни жамлаши керак.

Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағлар бўйича молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш учун маълумотларни ўтган йиллар ва шу каби олий таълим муассасалари маълумотлари билан солиштириш ҳам

фойдалидир. Бу маълум бир фаолият йўналишда кетаётган тенденцияларни кўриш ва шу маълумотлар асосида тегишли қарорларни қабул қилиш имконини беради. Маълумотларни таққослашда эътиборга олиш керак бўлган баъзи жиҳатлар: бир талабага тўғри келадиган харажатлар, олий таълим муассасасидаги мавжуд таълим йўналишлари ўртасида бир талабага тўғри келадиган харажатларни солиштириш қайси йўналишларда харажат кўпроқ сарфлашини ва бу таълим сифатига қандай таъсир қилишини аниқлайди. Тўлов-контракт маблағларнинг жами маблағлардаги улуши: тўлов-контракт маблағларнинг жами маблағларидаги улушини солиштириш ОТМларнинг тўлов-контракт маблағларига қанчалик таянишини ва бу уларнинг иқтисодий барқарорлигига қандай таъсир кўрсатиши аниқланади.

Тўлов-контракт маблағлардан самарали фойдаланиш: турли олий таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағлардан қандай фойдаланилаётганлигини таққослаш муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлардан қанчалик самарали фойдаланаётганлигини кўрсатади. Олий таълим муассасаларида йиллар бўйича маълумотларни солиштириш тўлов-контракт маблағлардан фойдаланишдаги асосий муаммоларни аниқлаш ва оқилона қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бундан ташқари, тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш нафақат олий таълим муассасалари ва уларнинг раҳбарлари, балки салоҳиятли инвестор ва ҳомийлар учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.

Таълим муассасасининг молиявий ҳолатини ва тўлов-контракт маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш яхшироқ инвестиция қарорларини қабул қилишга, қайси ОТМларнинг инвестиция учун энг яхши номзод эканлигини аниқлашга ёрдам беради. Потенциал инвесторлар ва ҳомийлар учун муҳим бўлиши мумкин бўлган баъзи кўрсаткичлар қуйидагиларни ўз ичига олади: тўлов-контракт даромадлар даражаси: тўлов-контракт даромадлари юқори бўлган таълим муассасалари инвесторлар ва ҳомийлар учун янада жозибадор, деб ҳисобланиши мумкин. Тўлов-контракт маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги: тўлов-контракт маблағларидан

самарали фойдаланаётган ОТМларни янада етук ва барқарор сармоявий номзодлар, деб ҳисобланиши мумкин.

Узоқ муддатли барқарорлик даражаси: тўлов-контракт маблағларнинг барқарор оқимиға эға бўлган ва молиявий жиҳатдан мустаҳкам ОТМларнинг янада етук ва барқарор инвестиция номзодлари, деб ҳисобланишиға сабаб бўлади. Тўлов-контракт маблағлар бўйича молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш таълим муассасалари ходимлари, молия-режа бўлими, бухгалтерлар ва ички аудит ходимларига фойдали бўлиши мумкин. Улар ушбу маълумотлардан молиявий бошқарув ва назоратни яхшилаш, потенциал хавф ва заифликларни аниқлаш, бюджетдан ташқари маблағларни яхшироқ бошқариш юзасидан тавсиялар бериш учун фойдаланишлари мумкин. Харажатлар мониторинги ва назорати: тўлов-контракт маблағларининг молиявий ҳисоботларини кўриб чиқиш харажатларни назорат қилиш механизмларини бошқариш, маблағларни самарали бошқариш ва муассасанинг молиявий бошқарувини яхшилашға ёрдам беради.

Молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш тўлов-контракт маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолдаги вужудға келиши мумкин бўлган молиявий хавфларни аниқлашға ҳамда уларни юмшатиш бўйича стратегиялар асосида чора-тадбирларни ишлаб чиқишға ёрдам беради. Молиявий менежментни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш: молиявий ҳисоботларни кўриб чиқиш илмий ходимларға молиявий менежментдаги заиф томонларни аниқлашға ва тўлов-контракт маблағларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишға ёрдам беради. Тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий ҳисоботларни таҳлил қилишда таълим муассасалари, шунингдек халқаро ҳамкорлик доирасида ўрнатиладиган стандартлар ва тавсияларнинг бир қисми ҳисобланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағлари бўйича олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлиги ва ижтимоий масъулиятини баҳолаш, шунингдек, инвесторлар ва бошқа манфаатдор томонларни жалб этишда муҳим восита ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий ҳисоботларни ахборот имкониятларини кенгаштириш, олий таълим муассасалари бюджет ташкилоти сифатида молиявий ҳисоботлари ҳисоб жараёнининг якуний босқичи саналиб, барча фойданувчиларга жалб қилинаётган маблағлар қайси мақсадларга сарф этилиши, даромад ва харажатлар сметаси, харажатлар сметаси яъни асосий молиявий режаси қандай амалга оширилганлиги бўйича ахборот берувчи асосий манбаа бўлиб ҳисобланади. ОТМларда молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида тегишли орган томонидан молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш орқали бюджет ижроси тўғрисидаги тайёрланган маълумотлар асосида масъуллар ҳамда фойдаланувчилар бюджетни ижро этиш натижаларининг сифат хусусиятлари тўғрисидаги хулоса чиқаришлари мумкин бўлади.

Шунинг учун, ОТМнинг бухгалтерия бўлимининг асосий вазифаси – молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тузиб, (ҳозирги кунда давлат олий таълим муассасаларида UzASBO дастури асосида тузилади) электрон имзо орқали, ғазначилик органларига юборилиши, бюджет ижроси жараёнида маблағлардан самарали фойдаланишни назорат қилиш, ҳисоботларни тузишда ахборот имкониятларини оширишни талаб қилади. Бу эса, таълим муассасасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари асосида фойда билан якунлашни, тўлов-контракт маблағлари даромадларни кўпайтиришни, мавжуд молиявий ресурслардан самарали фойдаланишнинг энг мақбул ечимларни топишда асосий восита саналади. Ҳозирги кунда олий таълим муассасасининг маблағларнинг молиявий оқимлари ва ундан бошқарув қарорлари қабул қилиш мақсадида фойдаланишда молиявий ҳисобот маълумотларининг дастлабки, жорий ҳамда якуний таҳлиллари асосида турли фаолиятларини баҳолаш мумкин.

ОТМларнинг молиявий ҳисоботлари нафақат амалга оширилган операцияларнинг ҳужжатларда акс эттирган натижалари, балки, таълим муассасасининг бошқарув сиёсатини шакллантиришда иштирок этувчи, келгуси стратегик фаолиятларини белгиловчи муҳим восита ҳисобланади. ОТМлар томонидан тақдим этиладиган чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларига

тушунтириш хатлари илова қилинади. Мазкур тушунтириш хатида таълим муассасасининг харажатлар сметаси, даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси жараёнига таъсир кўрсатган асосий омиллари таълим муассасалари солиқлари юзасидан тақдим этилган имтиёзлар ҳамда уларнинг сарфланиши тўғрисидаги батафсил маълумотлари берилади.


Ҳисобот йили биринчи чорагида тақдим этилаётган молиявий ҳисоботларни тушунтириш хатида асосий воситалар ва бошқа активлар қайта баҳолаш бўйича маълумотлар берилади. Бухгалтерия ҳисоби сифатини баҳолаш олий таълим муассасасининг самарадорлиги билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

«Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда тўлов-контракт маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот таълим ташкилотларидаги ўқитишнинг тўлов-контракт бўйича тушган маблағлар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган. ОТМлар фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган даромадларни тан олиш мезонлари етарлича белгиланмаганлигини кўриш мумкин»⁵⁶. Молиявий мустақиллик берилган ОТМларни юқоридаги келтирилган муаммоларини бартараф этиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилмоқда.

Олий таълим муассасаларида бир ўқув йили яъни икки молия йилнинг маълум қисмлари (жорий молия йилининг сентябр ойидан келгуси молия йилининг июл ойигача) учун тўлов шартнома тўловлари белгиланади, молиявий ҳисобот маълумотларида эса молия йили асосида амалга оширилиб, даромадлар ва харажатларни тан олишда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бу ўз навбатида, бухгалтерия ҳисоби тамойилларига мувофиқ давлат ОТМларида тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича даромадларни тан олиш билан боғлиқ харажатларни аниқ ўлчаш ва ишончли баҳолаш бўйича услубий муаммоларнинг ечимини топиш зарур.

⁵⁶ Абдужалилова Д.А. Молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларида тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича харажатлар ва уларни ҳисобини.//«Сифатли таълим – тараққиёт пойдевори» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция тўплами. 2023 йил 20 апрель – Тошкент 2023 йил. 1326 б. 24-27 бетлар.

Ўқув йили давомида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушумлар шахсий ғазна ҳисобварақларга келиб тушиши жараёнида даромад сифатида ҳисобда акс эттирилмоқда. Тушган тўлов-контракт суммаларини даромад сифатида тан олингач, талабаларнинг ўз аризаларига кўра, ўқишдан четлатилиши ҳолатида контракт суммасини қайтариш вақтида қайтарилган тўлов-контракт шакли маблағлари даромадларни камайтириш шаклида ҳисобда қайд этилади. ўқитишнинг тўлов-контракт шакли асосида расмийлаштирилган шартномада унинг бажарилиш муддати давомида ўқитиш хизматининг бажарилиши асносида тушган тушумнинг жорий даврдаги қисмини даромад сифатида тан олиб бориш зарур. Чунки, ўқитиш хизмати кўрсатилмаган давр учун даромадга олиб борилган тушумнинг таркибида талабалар ўз хохишига кўра талабалик сафидан чиқарилган тақдирда қайтариб бериладиган маблағ ҳам ўтиради. Бу ҳолда қайтариладиган маблағ даромадни камайтириш ҳисобига амалга оширилади. Бу эса ҳисобда қатор муаммолар келтириб чиқаради (3.3.1-расм).



3.3.1-расм ОТМда ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича даромадларни тан олиш⁵⁷

Бунинг натижасида, даромадларнинг ҳисобот даври давомида харажатлар билан боғлиқликда тан олиниши, даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги жорий бухгалтерия маълумотларини тўғри шакллантириш, тузиб тақдим этилаётган даромадлар ва харажатларга оид ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш ҳамда даромадларни асоссиз камайтиришнинг олдини олиш

⁵⁷ Муаллиф томонидан тайёрланди.

имконияти яратилади. Ўқитиш хизматининг бажарилиши асносида тушган тушумнинг жорий даврдаги қисмини даромад сифатида тан олиб бориш молиявий режалаштириш, маблағларни бошқариш, тақсимлаш, таҳлил ва назорат қилишга оид бошқарув қарорларини шакллантиришга бевосита хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларида талабалар билан ҳисоб-китоблар бўйича тан олинган даромадларни 520200/1 (252/1) – «Тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар», 520200/2 (252/2) – «Оширилган тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар», 520200/3 (252/3) – «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шакли бўйича ҳисобланган даромадлар», 520200/4 (252/4) – «Фанлардан академик қарздорлик учун ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар» ишчи счётида ҳисобга олиш (3.3.1-жадвал).

3.3.1-жадвал

ОТМда талабалар билан ҳисоб-китоблар бўйича даромадларни ҳисобга олиш учун таклиф этилаётган ишчи счёти таркиби⁵⁸

Талабалар билан ҳисоб-китоблар бўйича даромадлар	2169-сон йўриқнома бўйича ишчи счёти таркиби	2-БХС бўйича ишчи счёти таркиби
Тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар	252/1 – “Тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар”	520200/1 – “Тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар”
Оширилган тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар	252/2 – “Оширилган тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар”	520200/2 – “Оширилган тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар”
Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шакли бўйича тушумлар	252/3 – “Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шакли бўйича ҳисобланган даромадлар”	520200/3 – “Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шакли бўйича ҳисобланган даромадлар”
Фанлардан академик қарздорлик учун ундириладиган тўловлар бўйича даромадлар	252/4 – “Фанлардан академик қарздорлик учун ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар”	520200/4 – “Фанлардан академик қарздорлик учун ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар”

⁵⁸ Муаллиф томонидан тайёрланди.

Талабалар билан тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши:

Дт 153600/1 (175/1) – «Тўлов-контракт маблағлари бўйича талабалар билан бошқа дебитор қарзлар»

Кт 520200/1 (252/1) – «Тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар»;

Дт 153600/2 (175/2) – «Оширилган тўлов-контракт маблағлари бўйича талабалар билан бошқа дебитор қарзлар»

Кт 520200/2 (252/2) – «Оширилган тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар»;

Дт 153600/3 (175/3) – «Давлат буюртмасига асосан талабалар билан бошқа дебитор қарзлар»

Кт 520200/3 (252/3) – «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шакли бўйича ҳисобланган даромадлар»;

Дт 153600/4 (175/4) – «Фанлардан академик қарздорлик учун ундириладиган тўловлар бўйича талабалар билан бошқа дебитор қарзлар»

Кт 520200/3 (252/3) – ««Фанлардан академик қарздорлик учун ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар».

Мазкур ишчи счётларнинг қўлланилиши ОТМларда талабалар билан ҳисоб-китоблар юзасидан даромадларининг турлари бўйича ҳисобга олиш таҳлилий бухгалтерия ахборотларини шакллантириш, улар билан боғлиқ даромадларни ўрганиш, прогноз кўрсаткичларни шакллантириш, даромадларнинг турлари бўйича маблағларни тўғри тақсимлашга оид самарали бошқарув қарорларини қабул қилишга хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларида талабалар билан ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар бўйича амалга ошириладиган ҳақиқий харажатларни 730000/1 (251/1) – «Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар», 730000/2 (251/2) – «Оширилган тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар», 730000/3 (251/3) – «Давлат буюртмасига

асосан тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар», 730000/4 (251/4) – «Фанлардан академик қарздорлик бўйича тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар» ишчи счётларида ҳисобга олиш (3.3.2-жадвал).

3.3.2-жадвал

ОТМда талабалар билан ҳисоб-китоблар бўйича амалга ошириладиган ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш учун таклиф этилаётган ишчи счётлар таркиби⁵⁹

Талабалар билан ҳисоб-китоблар бўйича даромадлар	2169-сон инструкция бўйича ишчи счётлар таркиби	2-БХС бўйича ишчи счётлар таркиби
Тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар	251/1 – “Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар”	730000/1 – “Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар”
Оширилган тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар	251/2 – “Оширилган тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар”	730000/2 – “Оширилган тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар”
Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шакли бўйича тушумлар	251/3 – “Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар”	730000/3 – “Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар”
Фанлардан академик қарздорлик учун ундириладиган тўловлар бўйича даромадлар	251/4 – “Фанлардан академик қарздорлик бўйича тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар”	730000/4 – “Фанлардан академик қарздорлик бўйича тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар”

Талабалар билан тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадларнинг бухгалтерия ҳисобида акс этирилиши:

Дт 730000/1 (251/1) – «Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»

Кт 343400/1 (173/1) – «Ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредитор қарзлар»;

Дт 730000/2 (251/2) – «Оширилган тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»

⁵⁹ Муаллиф томонидан тайёрланди.

КТ 343400/2 (173/2) – «Оширилган тўлов-контракт маблағлари бўйича ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредитор қарзлар»;

ДТ 730000/3 (251/3) – «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»

КТ 343400/3 (173/3) – «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт маблағлари бўйича ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредитор қарзлар»;

ДТ 730000/4 (251/4) – «Фанлардан академик қарздорлик бўйича тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»

КТ 343400/4 (173/4) – «Фанлардан академик қарздорлик бўйича тушган маблағлар ҳисобидан ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредитор қарзлар».

Мазкур ишларни амалга ошириш олий таълим муассасаларида талабалар билан ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар бўйича амалга ошириладиган ҳақиқий харажатларни турлари бўйича ҳисобга олиб бориш орқали харажатларнинг турлари тўғрисида жорий бухгалтерия ахборотларини шакллантириш, харажатларни даврий таҳлил қилиш, харажатлар билан боғлиқ молиявий мажбуриятларни аниқлаш ва пул маблағларига бўлган эҳтиёжларни прогноз қилиш, белгиланган харажатларнинг ижросини тўғри амалга оширишга хизмат қилади.

ОТМларда талабалар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик мажбуриятлар 153600 (175) – «Талабалар билан бошқа дебитор қарзлар» счётида жамланган ҳолда олиб борилмоқда. Бу эса, талабалар билан тўлов-контракт шакли, оширилган контракт, фанлардан академик қарздорлик, бюджет буюртмасига асосан ҳисоб-китобларни турлари бўйича таҳлилий бухгалтерия ахборотларини шакллантириш ҳамда дебиторлик мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишда ортиқча ҳисоб-китобларни талаб қилади. ОТМларда талабалар билан ҳисоб-китобларни тўғри йўлга қўйиш, жумладан дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ҳам ҳар бир

йўналиш кесимида алоҳида ҳисоб юритиш тизимини йўлга қўйишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Жумладан талабалар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик қарзларни:

153600/1 (175/1) – «Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли асосида таҳсил олаётган талабалар билан дебиторлик қарзлар» ;

153600/2 (175/2) – «Оширилган тўлов-контракт шаклида таҳсил олаётган талабалар билан дебиторлик қарзлар» ;

153600/3 (175/3) – «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шакли асосида таҳсил олаётган талабалар билан дебиторлик қарзлар» ;

153600/4 (175/4) – «Фанлардан академик қарздорлик бўйича талабалар билан дебиторлик қарзлар» ишчи счётларда ҳисобга олишни амалиётга жорий этиш.

Натижада, олий таълим муассасаларида талабалар билан вужудга келадиган ҳисоб-китоблар юзасидан дебиторлик қарзларнинг турлари тўғрисидаги аналитик бухгалтерия маълумотларини шакллантириш ва таҳлил қилиб бориш, пул маблағлари тушумларининг прогноз кўрсаткичларини шакллантириш, дебиторлик қарздорларнинг уларнинг турлари бўйича ҳисобини олиб бориш ҳамда дебиторлик қарзларнинг ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш имконини беради.

ОТМларда тузилган шартномаларга асосан талабалар билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар бўйича кредиторлик мажбуриятлар 343600 (175) - «Талабалар билан бошқа кредитор қарзлар» счётида жамланган ҳолда олиб борилмоқда. Бу эса, талабалар билан тўлов-контракт шакли, оширилган контракт, фанлардан академ қарздорлик, бюджет буюртмасига асосан ҳисоб-китобларнинг турлари бўйича таҳлилий бухгалтерия ахборотларини шакллантириш ҳамда кредитор қарздорликлар бўйича ҳисоб ишларини юритишда мураккабликларни келтириб чиқаради.

Олий таълим муассасаларида талабалар билан ҳисоб-китоблар юзасидан кредиторлик мажбуриятларни қуйидаги:

343600/1 (175/1) – «Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли асосида таҳсил олаётган талабалар билан бошқа кредитор қарзлар»;

343600/2 (175/2) – «Оширилган тўлов-контракт шаклида таҳсил олаётган талабалар билан бошқа кредитор қарзлар»;

343600/3 (175/3) – «Давлат буюрмасига асосан тўлов-контракт шаклида таҳсил олаётган талабалар билан бошқа кредитор қарзлар»;

343600/4 (175/4) – «Фанлардан академ қарздор талабалари билан бошқа кредитор қарзлар» ишчи счётига ажратган ҳолда ҳисобга олиш ҳамда уларни ҳисобини юритиш орқали молиявий ҳисоботларнинг юқоридаги йўналишлари бўйича таҳлил қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Давлат ОТМларидаги давлат активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқ соф активнинг қийматини ташкил қилиб, яъни ОТМнинг бошқарув фаолияти натижаси ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда даромадлар айирилган харажатлар ОТМнинг молиявий барқарорлигини англатади.

Мазкур ишлар доирасида давлат олий таълим муассасаларида молиявий ҳисоботларини молиявий-иқтисодий воқеликларини холис, шаффоф, тўлиқ ва ишончли акс эттирувчи бухгалтерия ҳисоби тизимини яратиши зарур, деб ҳисоблаймиз. ОТМларнинг молиявий ҳисоботлари Бош китоб ва мамлакатимизнинг амалдаги Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия регистрлари маълумотлари асосида аналитик бухгалтерия регистрларидаги айланмалар, қолдиқларни синтетик бухгалтерия регистрларидаги айланмалар ва уларнинг қолдиқлар билан мажбурий солиштирган ҳолда тузилади. ОТМларнинг йиллик молиявий ҳисоботида акс эттирилган маълумотлар активлар ва мажбуриятларнинг ўтказилган инвентаризация (қайта рўйхатга олиш) натижалари билан тасдиқланиши зарур.

Бизга маълумки, олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисоби бўйича ҳар молия йилининг бошига даромадлар яъни кўзда тутилаётган тушумлар ва харажатлар яъни тўлов-контракт шаклидан сарфланадиган маблағлар бўйича смета тузилади. Таълим муассасалари даромадлар ва харажатлар сметаси молия йилига

шакллантирилади. Тўлов-контракт маблағлари эса белгиланган ўқув йили учун (икки ўқув йилини ўзи ичига олади) тўлов амалга оширилади. Табиийки талабалар томонидан тўланаши белгиланаётган тўлов-контракт суммаси яъни тушум доирасида харажатлар сметасида шакллантирилади. Тушумнинг ўқув йили учун, сарф-харажатларнинг эса молия йили учун шакллантирилиши олий таълим муассасаларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тизими ҳамда тузилаётган молиявий ҳисоботларида қатор ноаниқликларни келтириб чиқаради. Ўқитишнинг тўлов-контракт асосида таълим олаётган талабалар билан давлат олий таълим муассасаси ўртасида жорий ўқув йили учун тўлов-контракт шартномалари шакллантирилади ҳамда тушумлар ҳам шартномага асосан жорий ўқув йили учун тўланади. Бунда даромадлар жорий ўқув йили учун, харажатлар эса жорий молия йили учун амалга оширилмоқда. Бу эса бухгалтерия ҳисоб тизими ва тузилган молиявий ҳисоботларда ноаниқликларни юзага келтирмоқда. Шу нуқтаи назардан ушбу ишларни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги таклифларни бериб ўтамиз.

Олий таълим муассасаларида молия йили учун шакллантирилган харажатлар ўқув йили учун тушган даромадлар ҳисобидан амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 31 декабр кунида молия йили тугаганда эса ОТМларда янги ўқув йилининг 4 ой муддати ўтган бўлади. Бунда жорий ўқув йилининг 1-семестри учун тўланган тўлов-контракт суммалари жорий молия йилининг даромади ҳисобида акс эттирилиб, молиявий ҳисоботлар шу асосида тузилмоқда. Аммо мазкур тушган даромаднинг (тушумнинг) 2 ойлик тўлови келгуси молия йилининг дастлабки «икки ойлик тушуми» сифатида бухгалтерия ҳисобида тан олинса, молиявий ҳисоботларнинг тўғри тузилиши ва ахборотларнинг шаффофлиги янада ортган бўлар эди.

Даромадлар жорий ўқув йили учун амалга оширилгандан кейин, харажатлар ҳам шунга мос равишда амалга ошиши керак. Жорий молия йили учун шакллантирилган харажатлар сметасида харажатларни жорий молия йили бўйича амалга оширилади. Жорий ўқув йилининг 1-семестри бўйича тўланган тўлов-контракт маблағлари олти ойлик харажатларни қоплаши

зарурлигидан кўриладиган бўлса бу амалга ошаётгани йўқ, чунки харажатлар тақсимланган олти ойнинг тўртинчи ойида молия йили якунланмоқда.

Жорий молия йили учун тайёрланиб, тақдим этилаётган молиявий натижаларни ҳисоботини таҳлил қиладиган бўлсак, у ҳам молия йили учун тузилмоқда. Даромадлар эса ўқув йилининг 1-семестри ва 2-семестри сифатида тан олинмоқда. Бунда 1-семестр 4 ойни ва 2-семестр эса 6 ойни ташкил этмоқда. Амалга ошириладиган харажатлар 12 ой, яъни бир молия йили учун амалга оширилмоқда. Бу ҳам ўз навбатида олий таълим муассасаларининг ўзига хос бўлган фаолиятлари асосида ўқув йили билан боғлиқ ҳолда ҳисобга олиш, тайёрланадиган даромадлар ва харажатлар сметаси ўқув йили учун тузилса, ОТМларнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича олинадиган даромадлари ва харажатларининг мутаносиблигини таъминланиши орқали ҳисобот давридаги даромадлар ва харажатларнинг мувофиқлиги тамойилига амал қилиниши ҳамда тақдим этиладиган молиявий натижалари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар ва бошқа ҳисоботларнинг шаффофлиги ва аниқлигига эришилади.

ХУЛОСА

Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобини тадқиқ этиш бўйича олиб борилган изланишлар натижасида, муҳим хулосалар ва таклифлар шакллантирилди.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари муҳим ўрин эгаллайди. Шундай экан, расмийлаштирилган шартномада унинг бажарилиш муддати давомида ўқитиш хизматининг бажарилиши асносида тушган тушумнинг жорий даврдаги қисмини даромад сифатида тан олиб бориш зарурияти мавжуд.

Олий таълим муассасаларининг даромадлар қисмини шакллантириш жараёнида уларни турларга ажратган ҳолда ҳисобга олиш зарур. Талабалар билан ҳисоб-китоблар бўйича тан олинadиган даромадларни «Тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар», «Оширилган тўлов-контракт маблағлари бўйича ҳисобланган даромадлар», «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шакли бўйича ҳисобланган даромадлар», «Фанлардан академик қарздорлик учун ундириладиган тўловлар бўйича ҳисобланган даромадлар» турларига ажратган ҳолда ҳисоб ишларини ташкил этишни тақозо этади.

Талабалар билан ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобини ташкил этишни тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Олий таълим муассасаларида талабалар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик қарзларни «Ўқитишнинг тўлов-контракт шакли асосида таҳсил олаётган талабалар билан дебиторлик қарзлар», «Оширилган тўлов-контракт шаклида таҳсил олаётган талабалар билан дебиторлик қарзлар», «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шакли асосида таҳсил олаётган талабалар билан дебиторлик қарзлар», «Фанлардан академик қарздорлик бўйича талабалар билан дебиторлик қарзлар» турларига ажратган ҳолда ҳисоб ишларини ташкил этишни тақозо этади.

Олий таълим муассасаси талабалари томонидан тўланаётган ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига келиб тушаётган тушумлар ҳисобини тўғри йўлга қўйиш зарур. Келиб тушаётган тушумларни «Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган пул маблағлари», «Оширилган тўлов-контракт шаклидан тушган пул маблағлари», «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт маблағлари бўйича тушган пул маблағлари», «Талабаларнинг фанлардан академик қарздорлик бўйича тўловларидан тушган пул маблағлари»га ажратган ҳолда ҳисобни ташкил этиш самарадорлигини оширишга замин бўлиб хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобида амалга ошириладиган харажатлар мақсадли сарфлаш муҳим саналади. Олий таълим муассасаларида талабалар билан ҳисоб-китоблардан тушган маблағлар бўйича амалга ошириладиган ҳақиқий харажатларни «Ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар», «Оширилган тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар», «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар», «Фанлардан академик қарздорлик бўйича тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар»га ажратган ҳолда ҳисобни ташкил этиш самарадорлигини оширишга замин бўлиб хизмат қилади.

Талабалар билан ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобидан шаклланаётган кредиторлик қарздорликларини ташкил этишни тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. «Талабалар билан кредиторлик қарзлар», «Оширилган тўлов-контракт шаклида таҳсил олаётган талабалар билан кредиторлик қарзлар», «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт шаклида таҳсил олаётган талабалар билан ҳисоб-китоблар бўйича кредиторлик қарзлар», «Фанлардан академик қарздор талабалар билан кредиторлик қарзлар» турларига ажратган ҳолда ҳисоб ишларини ташкил этишни тақозо этади.

Олий таълим муассасалари фаолияти ўқув йили билан боғлиқ бўлганлиги сабабли шакллантирилаётган ахборот маълумотларни ўқув йилига мос ҳолда шакллантириш зарур. Ўқув йили давомидаги молиявий-хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда ички бошқарув мақсадларида талабалар билан ҳисоб-китобларнинг турлари бўйича молиявий натижаларни аниқлашни тақозо этади.

Олий таълим муассасаларида талабалар билан ҳисоб-китобларнинг турлари бўйича даромадлар ва харажатлар асосида молиявий натижалар ҳисобини тўғри ташкил этиш олий таълим муассасасининг молиявий барқарорлигини таъминлашга замин яратади. Талабалар билан ҳисоб-китобларнинг турлари бўйича даромадлар ва харажатлар асосида молиявий натижаларни «Ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижа», «Оширилган тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижа», «Давлат буюртмасига асосан тўлов-контракт маблағлари бўйича молиявий натижа», «Фанлардан академик қарздорлик учун ундириладиган тўловлар бўйича молиявий натижа» турларига ажратган ҳолда ҳисоб ишларини ташкил этган ҳолда шакллантирилаётган маълумот ва ҳисоботларни аниқлигига эришилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. «Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисидаги»ги Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ 360 сонли Қонуни, <https://lex.uz/acts/2304138>

2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги»ги янги таҳрирдаги Қонуни. Тошкент ш., 2016 йил 13 апрел, ЎРҚ-404-сон. <https://lex.uz/docs/2931253>

3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги»ги Қонуни, Тошкент ш., 2020 йил 23 сентябр, ЎРҚ-637-сон, <https://lex.uz/docs/5013007>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 йилдаги ПФ 5847-сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепсиясини тасдиқлаш тўғрисидаги» Фармони, <https://lex.uz/docs/4545884>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисидаги»ги Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон. <https://lex.uz/docs/6600413>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги қарори. Тошкент ш. 2021 йил 24 декабр, ПҚ-60-сон, <https://lex.uz/docs/5793261>

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги қарори, Тошкент ш., 2021 йил 24 декабр, ПҚ-61-сон. <https://lex.uz/docs/5793251>

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 июлдаги ПҚ-200-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида олий таълим, фан ва инновасиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш тўғрисидаги»ги қарори. Тошкент ш., 2023 йил 3 июл, ПҚ-200-сон. <https://lex.uz/docs/6518515>

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги «Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисидаги»ги 967-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/4628440>

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3 сентябр 1999 йилдаги «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисидаги»“ги 414-сонли қарори, Тошкент ш.,1999 йил 3 сентябр, <https://lex.uz/docs/319286>

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сонли «Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»“ги буйруғи, (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 22 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2169), <https://lex.uz/docs/1714689>

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг «Олий таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 22 февралда 1222-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган), Тошкент ш., 2003 йил 9 январ, 9-сон. <https://www.lex.uz/docs/838630>

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдмчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисидаги»ги қарори, (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 21 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2859). Т.: 2017 й. 6 феврал <https://lex.uz/docs/3120811>

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2014 йил 14 ноябрдаги «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»“ги (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 15 декабрдаги рўйхатдан

ўтказилди, рўйхат рақами 2634) 74-сонли буйруғи, <https://lex.uz/docs/2520442>

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2016 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли БҲС) «Ҳисоб сиёсати»ни тасдиқлаш тўғрисидаги»ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 2853), <https://lex.uz/ru/docs/3083849>

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»ни тасдиқлаш тўғрисидаги»ги буйруғи, (20.10.2018 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3078). Тошкент ш., 2018 йил 10 сентябр, 125-сон. <https://lex.uz/uz/docs/4008308>

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдаги 157-сонли буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет ҳисоботи» номли бюджет ҳисобининг (3-сонли БҲС) стандарти. <https://lex.uz/docs/4176111>

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг «Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги»“ги 508-сонли буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 26 февралдаги рўйхатга ўтказилди, рўйхат рақами 2431-2) буйруғи, 28.12.2012 йил <https://lex.uz/docs/3598120>

II. Монография, илмий мақола, patent, илмий тўпламлар

19. Abdujalilova D.A. Income of contract forms in higher educational institutions and the practice of their accounting // EPRA International Journal of Economics, Business and Management Studies (EBMS). ISSN: 2347-4378 Volume:10 Issue: 6 June 2023 Journal DOI: 10.36713/epra1013|SJIF Impact Factor (2023): 8.048, pp 48-52.

20. Abdujalilova D.A. Areas of application of the experience of financing

institutions of higher education of european countries in the practice of Uzbekistan// International Journal of Research in Economics and Social Sciences(IJRESS) Available online at: <http://euroasiapub.org> Vol. 13 Issue 12, Dec-2023 ISSN: 2249-7382 | Impact Factor: 8.018 pp. 24-32

21. Абдужалилова Д.А. Олий таълим муассасаларида тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобининг хориж тажрибалари.// Scientific Journal of «International Finance & Accounting»“ Issue 2, April 2023. ISSN: 2181-1016.

22. Абдужалилова Д.А. Олий таълим муассасаларида тўлов-контракт маблағларининг даромадлари ва уларни ҳисобга олиш амалиёти. // “Молия» илмий журнали. - Тошкент, август 2023. №4-сон. 5-12-б.

23. Абдужалилова Д.А. Олий таълим муассасаларида тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича харажатлар ва улар ҳисобининг амалдаги ҳолати. // “Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт» ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, илмий, оммабоп журнали. - Тошкент, октябр 2023. №10-сон. 211-215 б.

24. Abdugalilova D.A. Enhancing expense management and accounting in financially independent higher educational institutions in Uzbekistan. // Materials of proceedings of the 2 nd International Scientific and Practical Conference, «Innovative development in the global science» Boston, USA. June 26-28, 2023. Scientific Collection «InterConf» - 301 p. 48-52 pages.

25. Abdugalilova D.A. Comparing the financing systems of higher education institutions in Latvia and Uzbekistan. // Proceedings of the 14th International Scientific and Practical Conference «Scientific research in XXI century» Ottawa, Canada. July 16-18, 2023. Scientific Collection «InterConf» - 297 p. 49-53 pages.

26. Абдужалилова Д.А. Молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасаларида тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича харажатлар ва уларни ҳисобини такомиллаштириш. //»Сифатли таълим – тараққиёт пойдевори» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция тўплами. 2023 йил 20 апрел – Тошкент 2023 йил. 1326 б. 24-27 бетлар.

27. Абдужалилова Д.А. Совершенствование учет платно-контрактной формы обучения в высших учебных заведениях. // Инновацион ғоялар

хафталиги « Inno Week.Uz-2023» доирасида «Янги Ўзбекистонда илм ва инновациялар тараққиёт омили сифатида» мавзусидаги Олий Ўқув юртлараро Республика илмий-амалий конференция тўплами. 2023 йил 18 октябрь-Тошкент 2023 йил. 604 б. 125-128 бетлар.

28. Abdujalilova D.A. Income of contract forms in higher educational institutions and the practice of their accounting. // International Journal of Economics and Accounting Review. Issue 1 June 2023. Vol. 1, No. 1, 2023

29. Абдужалилова Д.А. Foreign experiences of fee-payment form accounting in higher education institutions.//»Трансформация бизнес-процессов в условиях цифровизации экономики и обеспечения финансовой безопасности» сборник тезисов и докладов международного конференции. Ташкент-Екатеринбург-2023. 28 февраля 2023 г. 676 стр. 195-196 стр.

30. Абдужалилова Д.А. Рақамли иқтисодиёт шароитида олий таълим муассасаларида тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобини такомиллаштириш. // «Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудитни ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. 2023 йил 12 апрел - Тошкент 2023 йил. 693 б. 527-530 бетлар.

31. Абдужалилова Д.А. Иқтисодиётнинг рақамлашуви шароитида олий таълим муассасаларида тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисоби. // “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида иқтисодиёт тармоқларини инновацион жадал ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш” мавзусидаги И-халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. 2023 йил 26 апрел - Тошкент 2023 йил. 699 б. 643-644 бетлар.

32. Абдужалилова Д.А. Рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий мустақиллик берилган ОТМларда тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар ҳисобини такомиллаштириш. // «Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудитни халқаро стандартлар асосида ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари»“ мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани тўплами. 2023 йил

26-27 май - Тошкент 2023 йил. 1458 б. 930-934 бетлар.

33. Абдужалилова Д.А. Олий таълим муассасаларида муқобил молиялаштириш, тўлов-контракт маблағлари даромадлари ҳисобидан фойдаланиш истиқболлари. // «Молия тизимини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва истиқболлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. 2023 йил 24 май - Тошкент 2023 йил. 837 б. 415-418 бетлар.

34. Абдужалилова Д.А. Олий таълим муассасалари тўлов-контракт маблағларини бошқариш ва назоратини амалга оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш истиқболлари. // «Давлат молиявий назорати ва аудитини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. 2023 йил 30 май - Тошкент 2023 йил. 400 б. 160-162 бетлар.

35. Abdugalilova D.A. Directions of organization and development of audit in the effective use of payment and contract funds of higher educational institutions. // «Давлат молиявий назорати ва аудитини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами 2023 йил 30 май -Тошкент 2023 йил. 400 б. 172-173 бетлар.

36. Абдужалилова Д.А. В финансово самостоятельных высших учебных заведениях совершенствование учета платно-контрактных средств// «Учинчи ренессанс: иқтисодиётни инновацион ривожлантириш ва бошқариш истиқболлари» мавзусидаги халқаро миқёсида илмий-амалий анжуман материаллар тўплами. 2023 йил 24 ноябрь – Тошкент. 423 б., 64-66 бетлар.

37. Абдужалилова Д.А. Молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларининг молиявий натижалари ҳисобини такомиллаштириш// “Илм-фан муаммолари тадқиқотчилар талқинида» мавзусидаги 21-сонли республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами 10-декабр, 2023-йил. Тошкент. 169 б. 158-162 бетлар.

38. Абдужалилова Д.А. Применение информационных технологий в совершенствовании расходов и их учет в финансовой самостоятельной

государственный высший образовательный учреждениях // «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида ҳисоб таҳлил ва аудит тизимини ривожлантиришда устувор йўналишлар» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллар тўплами. 2023 йил 5 декабрь – Тошкент. 423 б., 64 - 66 бетлар.

39. Akeel Almagtomea, Ameer Shakerb, Qayssar Al-Fatlawic, and Heider Bekheetd. The Integration between Financial Sustainability and Accountability in Higher Education Institutions: An Exploratory Case Study// International Journal of Innovation, Creativity and Change. www.ijicc.net Volume 8, Issue 2, 2019, p.104-122.

40. Ali Ait Si Mhamed, Hans Vossensteyn, Rita Kasa "Stability, performance and innovation orientation of a higher education funding model in Kazakhstan" Volume 81, March 2021, 102324 <https://doi.org/10.1016/j.ijedudev.2020.102324>

41. Бузрукхонов С.М. «Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида олий таълимни молиялаштиришни такомиллаштириш» мавзусидаги фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. 2022

42. Domingos A., Sarmento M. and Duarte M. "A Multivariate Analysis of the General Skills Developed in Accounting Higher Education" December 2019 International Review of Management and Business Research Vol. 8 Issue.4 <https://www.irnbrjournal.com>.

43. Ғаниев Ш.В. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий назоратни такомиллаштириш (таълим тизими мисолида) Иқт. фан. ном. илм.дар. олиш учун ёзил. дис. Автореф. -Т.:2008

44. Kasimova G., Sholdarov D., Abdugalilova D. Accounting of Funds of Higher Education Institutions from the form of Payment-Contract in the Treasury System. Journal of Economics, Finance and Management Studies ISSN (print): 2644-0490, ISSN (online): 2644-0504 Volume 4 Issue 08 August 2021. Article DOI: 10.47191/jefms/v4-i8-24, Impact Factor: 6.228 Page No. 1458-1465.

45. Кельчевская Н.Р. Экономическая устойчивость высшего учебного заведения /Екатеринбург: ГОУ УГТУ–УПИ, 2002. 77 с.

46. Махмудов А.А. Олий таълим муассасаларида молиявий ресурсларни бошқариш механизмини такомиллаштириш. PhD. диссертацияси автореферати. 2019. 45 б

47. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Иқт.фан.док. (DSc) илм.дар.олиш учун ёзил.дис.Автореф.-Т.:2018.-72 б.

48. Marginson S. «High Participation Systems of Higher Education». The journal of higher education. 2016 3/1

49. Остоноқулов А.А. «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларини шакллантириш ва ҳисобга олиш хусусиятлари» «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. <https://www.interfinance.uz/en/> - Тошкент. 2018. № 6. декабр.

50. Ostonokulov A.A. Improvement of methodology for accounting of extra-budgetary resources of public educational and medical institutions. E3S Web Conf. Volume 296, 2021. 1st International Conference on Environmental Sustainability Management and Green Technologies (ESMGT 2021).

51. Остоноқулов А.А. «Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш» монография. Т: ВНЕШИНВЕСТПРОМ нашриёти, 2021, 208 бет.

52. Парадоцкая Н.Н.Особенности управленского учета в организациях образования. Бухгалтерский учет в бюджетных и некоммерческих организациях 19 (355)-2014

53. Қурбонов Ж.Ю. «Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар ҳисоби ва уни такомиллаштириш масалалари» «Иновацион технологиялар» журнали 2021 йил №4 декабр.

54. Rita Kasa Juggling the Costs of Higher Education Abroad: Voices of International Students from Latvia «Reimagining mobility in higher education» DOI:10.1007/978-3-030-93865-9_6

55. Ходжаев А.С. Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш хусусиятлари. «UzBridg»

электрон журнали 2021 №2 ноябр

56. Зотова А.И. Бухгалтерский учет высших образовательных учреждениях: На примере вузов Центрасоюза РФ. тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.12, -РФ.:2000.-Стр.239.

57. Шеров А.В. Таълим тизимини давлат томонидан молиялаштиришнинг ҳуқуқий асослари ва объектив зарурияти. www.interfinance.uz.\\ «Халқаро молия ва ҳисоб» электрон журнали. -Тошкент. 2017. -№3. июнь.

58. Sherov A.B. Foreign experience in financing of higher educational system. <https://www.bmpublgroup.com> Scientific enquiry in the contemporary world: theoretical basics and innovative approach. AQSh 2015 №4

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

59. Агишев Р.Р., Анисимова И.В., Валитов Ш.М., Гопкало Д.А., Крюков В.Г., Пушкина А.Е., Симонова Л.А., Снегуренко А.П. Распространение Болонского процесса: о декларации к внедрению на практике. В 3-х частях. Часть 2. Тенденции развития Болонского процесса, его инструменты и опыт внедрения / под ред. проф. Р.Р. Агишева. - Казань, КГТУ им. А.Н. Туполева, 2008. - 118 с.

60. Ибрагимов А.К., Сугирбаев Б.В. Бюджет назорати ва аудити. Ўқув қўлланма. . infoSOM.uz МСНЖ. Т.: 2010, 192 б

61. Касимова Г.А. Ғазначилик тизимида ижтимоий соҳани молиявий таъминоти услубиётини такомиллаштириш. Монография. Тошкент. ИҚТИСОД-МОЛИЯ. 2021. -303 б.

62. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби: назария ва амалиёт. Тошкент. “ИҚТИСОД МОЛИЯ”. 2016 172 б.

63. Остонокулов А.А., Ҳамдамов Б.К. Бюджет назорати. Ўқув қўлланма. “ИҚТИСОД МОЛИЯ”. – Т.: 2018. 318 б.

64. Остонокулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Иккинчи нашр.-Т.: Иқтисод-молия,2009.428 б.

65. Қўзиёв И.Н., Ғаниев Ш.В., Рамазонов А.С. Бюджет ҳисоби ва назорати. Ўқув қўлланма. Дарслик /; - Т.: «Nihol print» ОК, 2022. 632 б.
66. Ҳамдамов Б.К. ва бош. Бюджет назорати. Ўқув қўлланма. - Т.: “Иқтисод молия”, 2016. 324 б.
67. Зотова А.И. Бухгалтерский учет в высших образовательных учреждениях (на примере вузов Центросоюза РФ), М.: 2000 г. 176 с.
68. www.prezident.uz – Ўзбекистон Республикаси Президенти расмий веб-сайти
69. www.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси ҳукумати расмий веб сайт
70. <https://mf.uz> – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий веб-сайти
71. <https://www.edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг расмий веб-сайти
72. <https://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси
73. <https://stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги веб-сайти
74. <https://data.gov.uz> - Ўзбекистон Республикаси очик бюджет портали
75. <https://tsue.uz/media/unversitet> - Тошкент давлат иқтисодиёт университети расмий веб-сайти

ИҶОВАҶАР

1-илюва

Республикамизда фаолият юритаётган ОТМларнинг 2019-2023 йиллардаги харажатлари таркиби ⁶⁰

млн. сўм

Йиллар	№	Турх	Молиявий мустакиллик берилган ОТМ			Молиявий мустакиллик берилмаган ОТМ			Хорижий ОТМнинг Тошкентдаги филиали		
2019	Манабаси		Бюджет	Тўлов-контракт	Ривожлантириш жамғармаси	Бюджет	Тўлов-контракт	Ривожлантириш жамғармаси	Бюджет	Тўлов-контракт	Ривожлантириш жамғармаси
	1	I	3342,4	46170,0	472,2	5222,0	17899,7	109,8	4904,8	6230,00	2859,4
	2	II	262,1	5394,4	117,0	797,1	2763,9	26,4	727,1	866,4	701,3
	3	III									
2020	4	IV	2949,3	7252,0	2219,0	1561,5	2690,0	461,7	545,8	90,4	4961,1
	5	I	4991,8	36979,7	552754,70	10704,2	21361,3	84,9	5547,7	6093,6	3614,1
	6	II	118,8	3731,4	65604,40	1484,9	4637,7	21,1	940,2	965,7	849,6
	7	III			11424,90		384,5				869,4
2021	8	IV	6774,7	10931,3	877161,40	3873,7	16265,0	595,9	620,9	119,0	4881,5
	9	I	8914,5	51410,6	552754,70	19447,0	34944,0	457,8	6036,6	6,213,6	4479,2
	10	II	398,0	5536,6	65604,40	2374,3	8575,2	46,2	1125,7	1018,0	1066,6
	11	III		24280,0	11424,90		1013,9	102,3			389,2
2022	12	IV	6606,3	80983,3	877,1	6788,2	11570,0	1030,9	628,0	1948,6	4574,5
	13	I	11818,0	88,631,40	2561,4	28708,0	54300,5	979,6	6708,3	7899,2	5969,3
	14	II	586,8	7,976,80	230,5	3327,3	13299,5	79,0	1263,5	1583,1	1442,6
	15	III		11,826,00			18623,2	35,7			
2023	16	IV	6683,7	39,284,80	3611,5	10104,0	9971,5	1857,8	807,91	778,7	6296,9
	17	I	15755,4	155908,2	3995,3	383478,4	94100,30	1274,5	7068,9	6361,6	4099,4
	18	II	1575,5	14031,7	359,6	8443,2	20702,0	280,4	1767,2	1463,1	983,8
	19	III									
ЖАМИ	20	IV	8927,8	29942,4	767,3	19348,0	47439,5	642,5	226,5	3143,5	4026,4
			79,704,10	620,272,60	17,448,20	97,184,311,90	226,231,132,90	6,116,305,20	34,046,227,20	38,618,405,50	49,862,153,40

⁶⁰ Муаллиф томонидан тайёрланган.

2-илова
Республикамизда фаолит юритаётган ОТМларнинг 2021-2023 йиллардаги харажатлари таркиби улуши
фонизларда⁶¹

ОТМлар	Харажатлар таркиби	2021				2022				2023						
		ЖАМИ	I-группа	II-группа	III-группа	IV-группа	ЖАМИ	I-группа	II-группа	III-группа	IV-группа	ЖАМИ	I-группа	II-группа	III-группа	IV-группа
Молиявий мустақиллик берилган ОТМ	Бюджет	8.39	4.73	0.20		3.46	12.22	7.57	0.38		4.27	11.4	6.8	0.7		3.9
	Ўлов-контракт	90.76	28.77	3.10	13.58	45.31	85.45	54.02	6.07	7.57	17.79	86.4	67.4	6.0		13
	Ривожлантириш жамғармаси	0.85	0.31	0.04	0.01	0.49	2.33	0.84	0.10		1.39	2.2	1.7	0.1		0.4
	ЖАМИ	100.00	33.81	3.34	13.59	49.26	100.00	62.43	6.55	7.57	23.45	100.00	75.9	6.8		17.3
Молиявий мустақиллик берилмаган ОТМ	Бюджет	33.13	22.52	2.75		7.86	29.83	20.32	2.36		7.15	28.7	16.3	4.0		8.1
	Ўлов-контракт	64.97	40.47	9.93	1.17	13.40	68.08	38.43	9.41	13.18	7.06	70.3	39.9	9.8		20.6
	Ривожлантириш жамғармаси	1.90	0.53	0.05	0.12	1.20	2.09	0.69	0.06	0.03	1.31	1	0.5	0.1		0.4
	ЖАМИ	100.00	63.52	12.73	1.29	22.46	100.00	59.44	11.83	13.21	15.52	100.0	56.7	13.9		29.1
Хорижий ОТМ филиали	Бюджет	28.36	21.97	4.10		2.29	26.81	20.48	3.86		2.47	31.1	24.2	5.9		1
	Ўлов-контракт	33.31	22.61	3.70		7.00	31.33	24.12	4.83		2.38	37.6	25.5	7.1		5
	Ривожлантириш жамғармаси	38.33	16.30	3.88	1.50	16.65	41.86	18.23	4.40		19.23	31.3	21.2	4.3		5.8
	ЖАМИ	100.00	60.88	11.68	1.50	25.94	100.00	62.83	13.09	-	24.08	100.00	70.9	17.3		11.8

⁶¹Муаллиф томонидан ОТМлар маълумотлари асосида тай ёрланди.

3-илова
Республикамизда фаолит юритаётган давлат ОТМларнинг 2019-2023 йиллардаги молиявий натижалари⁶²

ОТМлар	Йиллар	Даромадлар				Харажатлар				Жорий йилги молиявий натижалар			
		Жами:	Бюджет	Ўғлов-контракт	Ривожлантириш жамғармаси	Жами:	Бюджет	Ўғлов-контракт	Ривожлантириш жамғармаси	Жами:	Бюджет	Ўғлов-контракт	Ривожлантириш жамғармаси
Молиявий мустақиллик берилган ОТМ	2019	75,427,558.6	6,753,814.80	65,852,597.90	2,821,145.90	68,178,061.90	6,553,830.00	58,815,470.00	2,808,761.90	7,249,496.70	199,984.80	7,037,127.9	12,384.00
	2020	121,274,992.8	11,277,070.20	105,567,841.10	4,430,081.50	65,231,400.80	11,885,493.60	51,838,961.80	1,506,945.40	56,043,592.00	-608,423.40	53,728,879.3	2,923,136.10
	2021	132,415,622.5	15,019,977.00	112,965,564	4,430,081.50	179,737,218	15,918,873.00	162,210,502	1,607,843.00	-47,321,595.50	-898,896.00	-49,244,938.0	2,822,238.50
	2022	199,389	20,104.70	172,516	6,768.50	173,300.8	19,178.40	147,719.00	6,403.40	26,088.40	926.30	24,797.0	365.10
	2023	247,505.3	26,258.40	217,425	3,821.80	231,262.9	26,258.40	199,882.30	5,122.20	16,242.40	0.00	17,542.8	-1,300.40
Молиявий мустақиллик берилмаган ОТМ	2019	107,021,400.7	6,175,472.40	87,881,205.30	12,964,723.00	31,532,676.60	7,580,912.90	23,353,751.30	598,012.40	75,488,724.10	-1,405,440.50	64,527,454.0	12,366,710.60
	2020	196,479,237.6	13,594,310.10	134,760,320.30	48,124,607.20	59,413,657.40	13,094,500.00	45,617,089.40	702,068.00	137,065,580.2	499,810.10	89,143,230.9	47,422,539.20
	2021	157,179,784.7	22,807,997.30	131,183,457	3,188,330.40	86,350,962.60	20,805,600.00	63,907,959.90	1,637,402.70	70,828,822.10	2,002,397.30	67,275,497.1	1,550,927.70
	2022	209,621.30	38,987.20	164,911.70	5,722.40	172,189.00	35,055.70	134,810.20	2,323.10	37,432.30	3,931.50	30,101.5	3,399.30
	2023	265,394.70	67,388.70	193,577.00	4,429.00	230,609.10	66,169.70	162,241.90	2,197.50	34,785.60	1,219.00	31,335.1	2,231.50
Хорижий ОТМ филиали	2019	35,828,286.5	5,606,718.80	11,252,657.30	18,968,910.40	21,887,261.60	5,006,762.70	8,358,526.80	8,521,972.10	13,941,024.90	599,956.10	2,894,130.5	10,446,938.30
	2020	23,156,590.5	7,032,943.30	6,474,830.60	9,648,816.60	24,502,589.10	6,908,992.80	7,378,447.80	10,215,148.50	-1,345,998.60	123,950.50	-903,617.2	-566,331.90
	2021	22,287,235.5	7,524,840.20	4,511,068.10	10,251,327.20	27,636,435.80	7,790,384.90	9,180,381.00	10,665,669.90	-5,349,200.30	-265,544.70	-4,669,312.9	-414,342.70
	2022	27,501.0	8,497.60	8,986.30	10,017.10	38,955.60	8,298.50	12,388.00	18,269.10	-11,454.60	199.10	-3,401.7	-8,252.00
	2023	32,555.0	10,810.50	10,748.40	10,996.10	29,140.80	9,062.80	10,968.30	9,109.70	3,414.20	1,747.70	-219.9	1,886.40

⁶²ОТМ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Давлат ОТМларини молиялаштириш манбалари бўйича даромадлари ва харажатларининг даврий ўзгариши тўғрисида маълумот (фоизда)⁶³

ОТМлари	Молиялаштириш манбалари	2019 йил		2020 йил		2021 йил		2022 йил		2023 йил	
		Даромад	Харажат	Даромад	Харажат	Даромад	Харажат	Даромад	Харажат	Даромад	Харажат
Молиявий мустақиллик берилган ОТМ	Бюджет маблағлари	8,9	9,6	9,3	18,2	11,3	8,8	10,0	11,0	10,6	11,4
	Тўлов-контракт маблағлари	87,4	86,3	87,1	79,5	85,3	90,3	86,6	85,2	87,9	86,4
	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари	3,7	4,1	3,6	2,3	3,4	0,9	3,4	3,8	1,50	2,2
Молиявий мустақиллик берилмаган ОТМ	Бюджет маблағлари	5,8	24,0	6,9	22,0	14,5	23	18,6	20,4	25,1	28,7
	Тўлов-контракт маблағлари	82,1	74,0	68,6	76,8	83,5	75	78,7	78,3	72,9	70,4
	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари	12,1	2,0	24,5	1,2	2	2	2,7	1,3	2	0,9
Хорижий ОТМнинг филиали	Бюджет маблағлари	15,6	22,8	30,3	28,2	31,7	28,2	30,9	21,3	33,2	31,1
	Тўлов-контракт маблағлари	31,4	38,1	27,9	30,1	20,2	33,2	32,7	31,8	33,0	37,6
	Ривожлантириш жамғармаси маблағлари	53,0	39,1	41,8	41,7	48,1	38,6	36,4	46,9	33,8	31,3

⁶³ ОТМлар маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ ТЎЛОВ-КОНТРАКТ ШАКЛИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ- УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	8
1.1. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобининг назарий асослари.....	8
1.2. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш тизими....	17
1.3. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳисобининг хориж тажрибалари.....	26
II БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ ТЎЛОВ-КОНТРАКТ ШАКЛИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ.....	40
2.1. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича даромадлар ва улар ҳисобининг амалдаги ҳолати.....	40
2.2. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича харажатлар ва уларни ҳисобга олиш амалиёти.....	50
2.3. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича молиявий натижалар ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш.....	64
III БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИШНИНГ ТЎЛОВ-КОНТРАКТ ШАКЛИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	78
3.1. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар ҳисобини такомиллаштириш.....	78
3.2. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари бўйича молиявий натижалар ҳисобини такомиллаштириш.....	93
3.3. Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг ахборот имкониятларини ошириш йўллари.....	103
ХУЛОСАЛАР	117
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	120
Иловалар	130

Д.А Абдужалилова

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИДА
ЎҚИТИШНИНГ ТЎЛОВ-КОНТРАКТ
ШАКЛИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

МОНОГРАФИЯ

2550



*Муҳаррир Х.Тешабоев
Бадий муҳаррир Х.Ниёзов
Компютерда саҳифаловчи М.Расулова*

Босмахона гувоҳномаси № 263093
Босишга рухсат этилди: 12.12.2024. Бичими 60x84 1/16.
Нашр босма табағи 6,75. Адади 10. Буюртма № 15.

“MAKON ZIYO NURI” МЧЖ нашриётида
ризография усулида чоп этилди
Яшнобод тумани, Гўзал МФЙ,
Сокин кўчаси., 10 берк, 20 б - уй.